

ЯНГИ ҲУЖЖАТ

яширин иқтисодиётга
ечим бўла оладими?



4

БОЗОРЛАРИМИЗДА

асосий истеъмол
товарлари
инфляцияси
қай даражада?




8

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№38

(1968) 2020 йил
5 — 12 ноябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ

депутатни танийдими?

9

ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ

ажратишда қандай
янгиликлар
кутилмоқда?

11

МАҲАЛЛА ХОДИМИ

кўмир етказиб
беришга мажбур...(ми?)

12

НЕГА ЛОҚАЙДЛИК

ортидан одамлар
сарсон бўлиши керак?

23

ҚИШЛОҚДАГИ МУАММОЛАР

масъуллар
эътиборидан четда.
Нега?

24



СОҒЛОМ

ТУРМУШ ТАРЗИ

РИВОЖЛАНГАН МАҲАЛЛА

10 МЛН. СЎМ БИЛАН

РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

10.

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

2021

ОБУНА
ИНДЕКСИ: 148

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остидаги тарғибот тадбирларида иштирок этувчи Ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида махсус ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Маҳалла тизими мута-саддилари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маъна-вият соҳаси вакиллари иштирокидаги мазкур ўқув машғулотида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов «Маҳаллада жамоа ва фуқаролар ўртасида позитив кайфиятни шакллантириш» мавзусидаги ўз маърузаси билан иштирок этди.

Вазир маърузаси давоми-да маҳалла ходимларининг аҳоли орасида кўтаринки

кайфиятни шакллантириш ҳамда унинг одамлар турмуш тарзидаги ўзига хос аҳамияти, бугунги ислохотлар негизида халқимизнинг дунёқарашини оширишда тизим мутасаддиларидан қандай касбий ва шахсий хислатлар талаб этилишига алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, семинар тингловчиларининг мавзуга оид саволларига атрофлича жавоб берди.

Фарҳод ЭШМЎМИНОВ.

«ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ФАОЛИ» МИЛЛИЙ ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Гендер тенглик фаоли» миллий танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.



Олий Мажлис Сена-ти аъзолари, вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, БМТнинг Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Маҳалла

ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамкорликда ўтказилаётган танловда жорий йил якунлари бўйича гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори натижаларга эришган, йўналишда жамият ривожини учун ташаббус кўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз соҳасига тегишли йўналишларда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

Носир ҲАЙДАРОВ.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари учун «Оилада зўравонликнинг олдини олиш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарда оиладаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, маиший зўравонлик билан боғлиқ ҳаракатларнинг самарали алгоритмини танлаш бўйича кўникма ва малакаларни ривожлантириш, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчиликни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тингловчилар ўз билимларини ошириш баробарида уларни амалиёт-



«ОИЛАДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ» ТРЕНИНГИ ЎТКАЗИЛДИ

да қўллаш бўйича зарур кўникмаларга эга бўлишди.

Тадбир доирасида маърузачилар ҳамда иштирокчилар томонидан

билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, керакли тавсиялар қабул қилинди.

Ғулом ХИДИРОВ.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ НЕГА НАМАНГАНГА БОРДИ?

Наманган вилояти ҳокимлигида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев раҳбарлигида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳага оид бошқа долзарб масалаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, туман ва шаҳар мутасадди вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида ўтган йиғилишда аҳоли бандлиги, уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

Ҳозирда вилоят миқёсида ишсиз фуқаролар сони

58 659 нафарни ташкил этмоқда. Қайд этилишича, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 35 854 нафар фуқарога «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида фуқаролар йиғинлари томонидан тавсияномалар берилган. Вилоятдаги 626 та маҳалланинг 404 таси «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида мева-сабзавот, иссиқхона, чор-

вачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштирилган. Маҳалла идораларини қуриш бўйича белгиланган 111 та лойиҳанинг 75 тасида қурилиш ишлари бошланган. Йиғилишда келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЗУЛФИЯЧИ ҚИЗЛАР САРАЛАНДИ



Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш бўйича танловнинг Тошкент тумани босқичи бўлиб ўтди. Унда 27 нафар иштирокчи адабиёт, санъат, спорт, жамоатчилик, маданият, фан ва таълим йўналишлари бўйича истеъдодини намойиш этди.

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ташкилотчилигида

ўтказилган танлов комиссияси аъзолари томонидан барча йўналишлар бўйича жами 13 нафар истеъдодли қиз сараланиб, вилоят босқичига йўлланма берилди.

Танлов якунида иштирокчилар ташаккурнома билан тақдирланди.

Зилола МАҲМУДОВА



Ўзбекистон Президенти Шимолий иқтисодий ҳамкорлик форумида иштирок этди.

Пандемия даври кимнинг кимлигини кўрсатди. Қай давлат аҳолисини қўллаб-қувватлай оладию қай бири йўқ? Керак пайтда саховат қўллари чўзилдими? Хайрия тадбирлари нечоғли тизимли амалга оширилади? Қилинаётган янги ташаббуслар бир жойда депсиниб туриб қолмайдими?



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШЛИ ИНСОНЛАР ҚУРАДИ

Бу каби саволлар жавобини барчамиз амалда кўриб, билиб, гувоҳи бўляпмиз. Не бўлган тақдирда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам эътибордан четда эмаслигини қалбан ҳис этипмиз. Боиси уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб ишлар қилинди. «Темир дафтар» тизимининг жорий этилишиёқ сўзимизга бир исбот. Шу билан бирга, ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш учун «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Янги ташаббуслару ислохотларнинг кенг қулоч ёзгани яхши. Бироқ уларнинг асл мазмун-моҳияти «ўз эгалари», яъни аҳолига тўлиғича етиб бормаётгани ёмон. Ахир, аҳоли ҳаётини яхшилаш учун старт олган ташаббуслар фақат катталару марказдагилар билиши учун илгари сурилмаяпти. Хўш, улар қачон ҳар бир маҳалла, хонадон ва одамларга етиб боради? Қачонки, тушунтириш ва тарғибот ишларида таъсирчанлик, тизимлилик бўлса.

Ислохотларнинг «маҳаллабай» тарғиботи

Айни шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш ишларини «маҳаллабай» тарзида, аҳоли кайфиятини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни самарали ташкил этиш фикрини ўртага ташлади. Табиийки, унинг ижроси **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** зиммасига юклатилди. Ҳақли савол туғилади: вазирлик мавжуд, бир қолипга тушиб қолган тушунтиришлар андозасини ўзгартира оладими? Эндиги тарғибот тадбирларида нималарга эътибор қаратиладию қандай усуллардан фойдаланилади? Янги Ўзбекистонни бунёд этиш мақсадида қилинаётган ишлар ҳар бир қалбга етиб бориши қанчалик ҳақиқатга яқин? Бу каби саволларга вазирликда ўтган видеоселектор йиғилишида жавоб олдик.

Вазир қандай изоҳ берди?

— Йил давомида ҳар ойда барча туман ва шаҳарлар, маҳаллаларда



тарғибот тадбирлари ўтказилди, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Раҳмат Маматов**. — Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, янгича ном асосида ташкил этилади. Хусусан, жорий йилнинг ноябрь ойидаги тадбирлар «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» ғоясини ўзида мужассамлаштиради. Ҳозиргача юртимиздаги барча олий таълим муассасалари туман ва шаҳарларга, улардаги ҳар бир кафедра маҳаллаларга бириктирилди. Тадбирларни ташкил этиш бўйича тарғибот гуруҳлари ва ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Тарғибот ва ишчи гуруҳлар нима билан шуғулланади?

Гуруҳлар, аввало, аҳолини юртимизда ва дунёда бўлаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан хабардор қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказилади. Аҳолининг кайфиятини кўтариш, ислохотларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат, шукроналик, ўзаро ёрдам каби миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кучайтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирларни ташкил этади.

Тарғибот тадбирларини ўтказишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини

ҳамда ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг етказилишини таъминлайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, маданий-маърифий ва тарғибот тадбирларини ўтказишда аҳолининг ёш тоифаси, оилалар таркиби инобатга олинади. Вазифаларни самарали ташкил этиш бўйича ҳудудларга 358 нафар Республика тарғибот гуруҳи аъзолари юборилди.

Бундан ташқари, катта ҳаётий тажриба, зарур сиёсий ва психологик билимларга эга малакали мутахассислардан иборат 194 нафар тренер вилоят, туман ва шаҳарлардаги тарғиботчилар гуруҳлари аъзолари учун ўқув-семинарлари ўтказилади.

Арзонлаштирилган китоб ярмаркалари қаерларда ташкил этилади?

Бундай тадбирлардан яна бири маҳаллаларда арзонлаштирилган нархларда ташкил этиладиган китоб савдо ярмаркаларидир. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан йиғинлардаги ахборот-кутубхона марказларининг фондларини марказий нашрлар, бадиий адабиётлар билан мунтазам таъминлаш чоралари кўрилади. Боиси мутолаага ошнолик кишининг нафақат бадиий дидини юксалтиради, балки керак ўринда унга тўғри йўл кўрсатадиган маслаҳатчи ҳам бўла олади. Икки босқичли «Энг китобхон оила», «Энг китобхон ўқувчи» кўрик-танловлар эса маҳаллаларда китобхонликни кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилади.

Яна нималар бўлади?

Карантин қоидалари ҳамда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ўтказиладиган уч босқичли оммавий спорт тадбирлари эса спортсеварлар учун ажойиб совға бўлади. Нуронийлар, ёшлар ва хотин-қизлар жисмоний тарбия ва спорт-чиниктириш тадбирларига кенг жалб қилинади. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш учун республика даражасидаги тренерлар ҳамда ҳар бир маҳаллага ҳудудлардан мураббийлар бириктирилади.

Спорт тадбирларининг барча маҳаллаларда ўтказилиши, уларга кенг аҳоли қатламини қамраб олишда эса маҳалла фаоллари фаол ва ташаббускор бўлиши талаб қилинади. «Бешта муҳим ташаббус – маҳаллаларда» тадбири эса самимий мулоқотлар кўринишида ташкил этилади.

Кимлар қамраб олинади?

Бундан ташқари, ҳудудларда аҳолини камбағалликдан чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш тизими бўйича ижобий тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Маданий-маърифий, тарғибот ва спорт тадбирларига аҳолининг уюлмаган қатлами, «Темир дафтар»га киритилган оила вакиллари, эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда кекса авлод вакиллари, тадбиркор ва фермерларни кенг жалб этиш кўзда тутилган.

Ҳар қандай катта ҳажмли ишни қоғозда «режалаштириш», «ташкил этиш» ва «ўтказиш» жуда осон. Ҳамма гап унинг қай даражада реалликка айлана олишида. Катта режалар билан старт олаётган тарғибот ойликларини кузатамиз, самарали тажрибаларни аҳолига етказишда биз ҳам фаол ва камарбаста бўламиз.

Акси бўлган тақдирда эса мавжуд камчиликларни таҳлилга тортамиз. Зотан, дўст ачитиб, душман кулдириб гапирари.

С.МАХСУМОВА
«Mahalla»



Жамшид Хўжаев БМТ ФАО ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича юқори бошқарув органига раис этиб сайланди.



Яқинда пойтахтимиздаги овқатланиш шохобчаларидан бирида тановул қилиб бўлгач, ҳисоб-китоб қилиш мақсадида кассага бориб пластик картамни тақдим этганимда менга нақд пулда ёки «рауте» орқали тўлов қилишни таклиф этди. Нега, пластик аппарати йўқми ёки ишламаяптими, деган қатъий саволимдан сўнг кассачи акамиз гап тополмай аппаратини чиқариб келди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА

ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Кейинги пайтларда бундай ҳолатга кўп бор дуч келяпман. Шу боис тадбиркорлик субъектларининг пластик аппарати бўла туриб, истеъмолчидан «рауте» орқали тўлов ундиришаётганида қандайдир яширин иқтисодиётнинг аломати бордай.

Қандай ҳолатларда юзага келади?

Хўш, яширин иқтисодиёт нима ўзи? У қандай ҳолатларда юзага келади? Мутахассисларнинг таъкидлашича, яширин иқтисодиёт атамаси турлича таърифланади. Қисқа қилиб айтганда, бу – давлат ва жамиятнинг кўзидан панада, қонун-қоидалар ва мажбуриятларни четлаб ўтган ҳолда хуфиёна фаолият юритишдир.

Табиийки, бу бюджетга тушиши керак бўлган солиқ ва бошқа тўловларнинг тушмай қолишига, натижада давлат ва жамиятнинг манфаатларига зарар етишига сабаб бўлади. Президентимиз томонидан 30 октябрь куни қабул қилинган «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ана шундай ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ ўтказилган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, тураржой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони эса яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат шароитларини яратиш, тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш сингари мақсадларга хизмат қилади.

– Фармонга кўра, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди, – дейди Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Мубин Мирзаев. – Бу чора-тадбирларнинг энг асосий



мақсади хуфиёна иқтисодиётни икки баробарга қисқартириш ва шунинг ҳисобига иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат. Бу ўрта ҳисобда давлат бюджетига ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизи миқдорда тақчилликни қисқартириш имконини яратади. Ўртача 8 триллион сўмга яқин маблағларни ундириб, давлат бюджетига жалб қилиш ҳисобига 5 йил ичида давлат бюджети тушумларини кўпайтириш имкони яратилади.

Махсус комиссиянинг вазифалари нималардан иборат?

Фармон билан яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия ва унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилади. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш махсус комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ҳокимлар раҳбарлик қиладиган яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳудудий комиссияларнинг зиммасига эса жойларда тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профилактик ишларни олиб бориш, яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ноқонуний олиб кирилган ёки контрафакт товарларни сотишга қарши, шунингдек, юк ташиш ҳужжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарлар реализациясига қарши курашиш сингари қатор вазифалар юклатилди.

Тадбиркорларга қандай имтиёз берилди?

2021 йил 1 январдан 2022 йил 1 январгача умумий овқатланиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларининг банк карталари ва

контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умум-белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмайди.

– Энди тадбиркорлик субъекти айланмаси ошади, – дейди Давлат солиқ кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Орифжон Файзиев. – Корхонанинг айланмаси 1 млрд. сўмдан ошгандан сўнг умумбелгиланган солиқ тўловчисига айланади. Баъзилар шундан қочиб мақсадида иложи борича айланмасини беркитишга ҳаракат қилади. Энди бунга ҳожат қолмайди. Чунки банк карталар орқали амалга оширилган тўловлар ушбу миқдорга қўшилмайди. Бу эндиликда тадбиркорларга янада очиқ, шаффоф ишлашга имконият яратиб беради.

Шунингдек, риелторлик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилади. Қурилиш корхоналарига эса ишчиларни иш ҳақини ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 10 фоизидан ошмаган ҳолда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан ёллашга муддатли равишда рухсат берилди.

Кўп функцияли терминаллар кўпайтирилади

– Шуни очиқ тан олиш керакки, мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг вужудга келиши солиқ юкининг юқорилиги билан чамбарчас боғлиқ, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов. – Бу эса, албатта, тадбиркорларнинг ўз даромадларини ва ишчи ўринларини солиқдан яширишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу ҳолат виждонли тадбиркорларнинг

манфаатларига ҳам жиддий путур етказяпти. Президентимизнинг ушбу фармони эса ана шу муаммоларни бартараф этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шу боис Марказий банк зиммасига 2021 йил 1 январга қадар товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда контактсиз технологиялар, банкоматлар ва кўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоқлари сонини кенгайтириш, шунингдек, халқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб этган ҳолда нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

– Фармон асосида солиқ идораларининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан таъминланади, – дейди Давлат солиқ кўмитаси матбуот хизмати раҳбари Елена Исмаева. – Натижада ҳисобва-рақ-фактураларнинг электрон алмашинуви билан бир қаторда, товарларни (хизматларни) етказиб бериш шартномаларини ва инвентаризацияни олиш учун ишончномаларни мажбурий электрон рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилди. Хабарингиз бор, Тошкент шаҳрида QR код ёки фискал белгиси асосида онлайн назорат-касса машиналарининг чекларида акс эттирилган совринли ўйинларни ўтказиш эксперимент тариқасида амалга оширилган эди. Ушбу тажриба яхши натижа бергани боис, у эндиликда янада кенгайтирилиб, бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилади. Бу ютуқли ўйинлар истеъмолчилар томонидан хизматлар кўрсатилганда ёки товарлар харид қилганда чекни талаб қилиб олишни рағбатлантиради. Бу бевосита истеъмолчиларнинг яширин иқтисодиётга қарши ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қонуний фаолият юритишларида давлат билан биргаликда жамоатчилик назоратини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Эндиликда нафақат масъул идора вакиллари, балки жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жалб қилинади. Шу орқали тадбиркорлар ва аҳоли орасида қонуний бизнес нуфузини оширишга ҳамда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан муросасизлик ҳисси шакллантирилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Бундан 3-4 йил олдин ўқитувчининг мақоми унинг дарс ўтиши ёки билими билан эмас, балки пахта чопиқ, терим ва турли ҳашарларда фаол иштироки билан белгиланарди. Ер тилини умуман тушунмайдиган ўқитувчилар, ҳатто фермерлар устидан назоратчи этиб тайинлангани ҳам бор гап. Шукрки, буларнинг барчаси ортда қолди. Бугун ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, мақеи мустаҳкамланди, моддий таъминоти ҳам яхшиланмоқда. Илмга чанқоқ ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириляпти.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Негаки, янги Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари буй кўрсатмоқда.

Фармон лойиҳасида қандай янгиликлар бор?

Кувонарлиси таълим соҳасидаги ўзгаришлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, туб ислохотлар олиб борилиб, янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш мақсадида Президент фармони лойиҳаси ҳам бунинг амалий натижасидир. Мазкур ҳужжат regulation.gov.uz порталига қўйилиб, барча ҳудудларда, маҳаллий кенгашларда ва мактаб жамоаларида ота-оналар иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Фармон лойиҳаси таълимдаги ҳозирги муаммоларни ҳал қиладиган, яқин беш йилда натижасини кўрсатадиган ва кейинги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган мақсадларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, жамиятда ўқитувчининг обрў-эътибори ва мақомини кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортиқча қоғозбозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш ва рағбатлантириш, мактаб инфраструктураси ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалаларнинг ечимлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Таълим-тарбия ва илм-фан соҳаси муҳокама этилди

Кунги кеча давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида ҳам



таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада Финляндия тажрибаси мисол қилиб келтирилди.

– Ушбу мамлакат умумий саводхонлик, табиий фанлар ва математика бўйича дунёда энг илғорлардан бири. Шу боис кўплаб мамлакатлар Финляндияга ўз экспертларини илғор тажриба, қонун чиқариш асослари ва яхши амалиётларни ўрганиб, ўз мактабларида қўллашни ўзлаштириш учун юборади, – дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Дилшода Норбоева. – Ушбу мамлакат таълим тизимида ўқувчилар Осие мамлакатларидагига қараганда ўқишга кам вақт сарфлайди, уйга берилган топшириқлар кам, мактаб текширувлари эса бекор қилинган. Фин мактаблари ўқув муддатининг учдан бирига яқинини дарсдан ташқари фаолиятга бағишлайди. Бу билан бўш ўзлаштирувчи ва истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчиларга кенг имкониятлар яратиб беради. Эндиликда дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикалари ўрганилиб, юртимиз умумтаълим мактабларида ҳам жорий қилинади. Бу борада Халқ таълими вазирлигига ушбу тажриба асосида Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига синов тариқасида татбиқ этиш вазифаси қўйилди.

Хўжалик масалаларига ҳокимлар жавобгар бўлади

Эндиликда мактабларни таъмирлаш, ободонлаштириш, иситиш каби хўжалик масалаларига ҳокимлар жавобгар ҳисобланади. Олий ўқув юртига кира олмаган битирувчилар эса муайян касб-хунар ёки тадбиркорликка жалб этилади. Шу боис келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва босқичма-босқич касбга йўналтириш амалиёти жорий қилинади. Худуддаги sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари эса мактабларга бириктирилади.

Рейтинг тизими жорий этилади

Видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, ҳар бир мактаб рейтинги ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтинги ишлаб чиқилади. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимлар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо берилади.

Рейтингда биринчи бешликка кирган мактаб директорларига маҳаллий бюджетдан устама тўланади. Хусусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илғор ўқитувчисига касаба уюшмалари ҳисобидан

ҳар йили сихатгоҳларга икки ҳафтalik бепул йўлланма берилади.

Мактаб директорлари танлов асосида тайинланади

– Энг асосийси, жойлардаги раҳбарларнинг, шунингдек, маҳаллий кенгашларнинг ушбу муҳим масалага ёндашуви ва эътиборини тубдан ўзгартириш, уларнинг масъулияти, жавобгарлиги ва ҳисобдорлиги тизимлари жорий этилмоқда, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Турсиной Муратова.

– Эндиликда мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевоcита маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси 3 йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили кенгашлар олдида ҳисобот беради. Асосий мақсад – мактабларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш, директорлар ишига ноқонуний аралашувлар ва кадрлар кўнимсизлигига барҳам беришдир. Бу борада Президентимиз Парламент вакиллари, шунингдек, жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатларидан таълим тизимидаги ўзгаришларни халқимизга етказиб, дахлдорлик ҳиссини ошириш, фармон қабул қилинган, ижросини назоратга олиш, ўз тажрибалари билан амалий ёрдам беришни сўрадилар.

Йиғилишда педагог кадрлар малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент давлат педагогика университети педагог кадрлар малакасини оширишда республикада етакчи олийгоҳ этиб белгиланмоқда. Авлоний номидаги малака ошириш институти эса таълим муаммоларини чуқур ўрганадиган илмий-тадқиқот даргоҳи бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир худудда камида биттадан нодавлат олий билим юрти ташкил этилади.

Мактаблар билим билан бирга тарбия, маънавий маскани ҳамдир. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, худудларда яшаб, ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларни кенг жалб қилиш, уларга мактабларнинг директор жамғармасидан ва маҳаллий бюджет маблағларидан ойлик маош тўлаш лозимлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва мураббийлар кунги муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табриқ нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



БУ ЙИЛ 16 МИНГДАН ЗИЁД БОЛА ОТА-ОНА МЕҲРИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН. НЕГА?

Эрталабдан ишга шошяпмиз. Эр-хотин ўғил-қизини кўлидан етаклаб мактабга кетишяпти. Болажонларнинг юзу кўзида севинч. Бири олиб, бири кўйиб ота-онасини саволга тутишмоқда...

Кун шомдан оққанда ишдан қайтаётиб, икки кишининг тортишуви диққатимизни тортди. Аёлнинг кўлида ҳали ёшга тўлмаган чақалоқ бор. У ён-атрофидаги ларга эътибор қилмай эри билан тортишарди. Яқун «Сен билан яшамайман», деган жумла бўлди...

Бир кунда гувоҳ бўлганимиз икки воқелик: бахтиёр ва нотинч оила. Наҳотки ўзаро келишиб яшаш, бир-бирига елкадош бўлиш шунчалар қийин? Эр ва хотиннинг ҳамжиҳат яшашларига нима тўсқинлик қилмоқда? Хўш, жорий йилда юртимизда юқоридаги аёл кўлидаги чақалоқ каби яна қанча мурғак она кўлида қолди? Ўзи ажралишлар сабаблари ўрганиляптими, қандай хулосаларга келиняпти?

Ажралишлар сони қачон камаяди?

— Жорий йилнинг 9 ойи давомида оилавий ажралишлар 19 минг 970 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 минг 608 тага камайган, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги оилавий кадрларни мустаҳкамлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Кўзиева. — Бу кўрсаткич республикамиздаги мавжуд 8 млн. 603 минг 108 та оиланинг 0,03 фоизи парчаланганини англатади. Аҳоли орасида оилавий ажралишлар сони камайган бўлса-да, айрим маҳаллаларда рақамларнинг ўсиши ҳам кузатиляпти. Ажралишларнинг ҳар учтадан биттаси никоҳнинг дастлабки ўн йили ва ундан ортиқ бўлган даврига тўғри келмоқда. Етишмовчилик, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, оилавий муносабатларга ота-она ва бошқа қариндошларнинг аралашуви, эр-хотин характерининг мос келмаслиги, улардан бири зарарли одатларга (ичкилик, гиёҳвандлик ва ҳоказо) ружу қўйиши, кўпхотинлик ва уларга қонуний жазо белгиланмагани, эркак ёки аёлнинг ишлаш учун чет давлатларга чиқиб кетиши оилалар мустаҳкамлигига раҳна солмоқда.

Камайган рақамлар ютуқ дегани эмас

Очиғини айтиш керак, умумий ҳолат ва оилавий ажралишларнинг оқибатлари хавотирли, йўналишда илмий асосланган тавсия ва ечимлар, «касаллик»ни даволаш борасида қўлланилаётган чоралар етарли самара бермаяпти.

Олиб борилаётган ишлар ҳам, албатта, исзис кетмаяпти. Чунончи, жорий йилда ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг 88,5 фоизи



яраштирилди. Шунингдек, 13 минг 930 та никоҳи қонуний расмийлаштирилмаган оила аниқланиб, уларнинг 69,8 фоизининг никоҳи қонуний расмийлаштирилди.

Қайси ҳудуд энг «илғор»?

Ҳар бир оила ўзига хос. Улар билан ишлашда нафақат ёш, ҳаётий тажриба, балки яшаш ҳудуди ҳам инобатга олиниши керак. Шунинг учун вилоятлар билан ишлашда биз, асосан, ҳудудий масъулларга таянамиз. Таассуфки, ҳудудий масъуллар фаолиятида ҳам баъзи камчиликлар кўзга ташланяпти. Хусусан, республика бўйича оилавий ажралишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Тошкент вилоятида 666 тага, Андижонда 458 тага, Самарқандда 530 тага, Фарғонада 394 тага, Наманганда 310 тага камайган. Аммо Қашқадарёда 208 тага, Хоразмда 15 тага кўпайган. Энг юқори ажралишлар

сони эса Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келяпти.

Асосий сабаб...

Маълумотларда келтирилишича, бу йил республика бўйича 16 минг 471 нафардан зиёд вояга етмаган бола ота ёки онанинг меҳридан маҳрум бўлган. Мурғакларнинг айби нимада? Нега улар катталарнинг хатоси учун товон тўлаши керак?

Ўрганишлар таҳлили ажралишларга 68 фоиз оилавий келишмовчилик, 16 фоиз фарзандсизлик, 1 фоиз миграция, 2,2 фоиз томонлардан бирининг ичкилик, гиёҳвандликка берилиши, 3 фоиз учинчи шахсларнинг аралашуви ва 10 фоиз ҳолатда бошқа сабаблар асос бўлганини кўрсатди.

да вилоят босқичлари ўтказилди. Маҳаллаларда «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ва «Бувижонлар мактаби» кенгашлари ташкил этилди. Шунингдек, нотинч оила, ичкиликка ружу қўйган шахслар, диний оқимга мойил кайфиятдаги оила фарзандларига фахрийлар бириктирилди.

Бундан ташқари, махсус рўйхатдан чиқарилган, авф этилган ҳамда нотинч оила аъзолари билан доимий мулоқотлар ўтказилди. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан ҳам манзилли ишланди. Натижада улардан 6 минг 488 нафари рўйхатдан чиқарилди.

Қандай таклифлар бор?

Ҳақли савол туғилади: бундан бўёғига нималарга эътибор қаратилади? Камчиликлар таҳлили қандай хулосаларга олиб келди?

— Аввало, ФХДЁ ва суд органлари билан никоҳ ва ажрим масалаларида маҳаллалар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши лозим, — дейди Д.Кўзиева. — Ижобий натижа бераётган хориж тажрибасига асосан низолар кўп ҳудудларда бир ёки бир неча маҳаллалар учун оилавий низоларни кўриб чиқишга мослашган, яъни, оила низоларини кўриб чиқувчи судлар ихтисослашувини ташкил этиш вақти келди. Ёш оилалардаги ажралишларга турли касалликлар сабаб бўлаётгани инобатга олиниб, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриқдан ўтиш қоидаларини бузиш, сохта ва қалбаки маълумотномалар берганлик учун жиноий жавобгарлик санкцияларини кучайтириш шарт. Маҳаллаларда яраштирилган оилаларнинг кейинги ҳаётдан доимо хабардор бўлиш мақсадида мониторинг ишларини тизимли йўлга қўйишимиз керак.

Умумий сарҳисоб ажралишлар сони камайганини кўрсатяпти. Бироқ у ҳам ҳазилакам рақам эмас. Демак, ҳали қилиниши, эътибор қаратилиши шарт бўлган бўшлиқлар кўп. Ўйлаймизки, маҳалла ва оила масалаларига шахсан масъул этиб белгиланган вазирлик йўналишдаги ишларни жонлантиради. Зотан, миллат эгалари тарбияланаётган масканддаги муҳитнинг соғлом ва барқарор бўлишига бош-қошлик айна ташкилотга ишонилган.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

Фуқаролик кодексининг янги таҳрири муҳокамага қўйилди.

Марказий банкнинг маълумотларига кўра, 2020 йил тадбиркор аёлларга тижорат банклари томонидан хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка жалб қилиш мақсадида 372,8 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу 2019 йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир.



КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚАЙ ДАРАЖАДА КЎМАК БЕРЯПТИ?

Кишини қувонтирадиган рақам. Бироқ ҳақли савол туғлади: хўш, бу маблағлар ўз эгаларини қандай топди? Хотин-қизлар ишбилармонлигини ривожлантиришга масъулларнинг жараёндаги иштироки қандай бўлди? Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қошидаги Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари бу борада нималар қилди? Шундай марказ борлигидан аёлларимизнинг хабари борми? Тузилма ўтган вақт ичида чиндан ҳам ҳақиқий кўмакчига айлана олдимми?

Шу саволлар билан **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг оилавий қадриятларни мустақамлаш бошқарма бошлиғи Мукаррам НУРМАТОВА**га муурожаат қилдик.



Мукаррам НУРМАТОВАга муурожаат қилдик.

Маблағни ким ажратади?

— Барча вилоятларда Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилган, — дейди **М.Нурматова**. — Уларда 42 та, ҳар бир ҳудудда 3 тадан штат бирлиги мавжуд. Марказларни сақлаш, моддий-техник базасини мустақамлаш Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Хусусан, жорий йил жамғарма томонидан 3 млрд. 418 млн. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

2020 йил октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан 2777 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларининг кредитлаш бўйича ёзма равишда берилган тавсияномалари асосида 57 млрд. 600 млн. сўм кредитлар ажратилган.

Марказлар нима билан банд?

— Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан узоқ муддат бола парваришида бўлган, оғир шароитдаги аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори касблар бўйича қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этади. Фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш бинолардан жойлар ажратилишига ёрдамлашади. Бундан ташқари, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализациясида фаоллик кўрсатади. Норасмий ишлаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ёрдамлашади.

Марказ ва қишлоқ аёллари бир-бирига қанчалик яқин?

— Чунончи, жорий йилда ижтимоий шароити оғир 14 мингдан зиёд хотин-қиз доимий ишга, 179,9 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 4,4 минг нафари тадбиркорлик соҳаларига жалб этилди. 11 минг нафар хотин-қизга банклар томонидан 1 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан кичик бизнес лойиҳалари учун жами 33 млрд. 521 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Худудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 13 мингга яқин аёл тикувчилик, пазандалик, тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқув курсларида ўқитилди. 4873 нафари эса маҳаллалардаги тажрибали уста-хунармандларга бириктирилди. Карантин даврида

КЎМАК БЕРЯПТИ?

маҳаллаларда «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Хунармандчиликни ривожлантириш» ва «Yoshlar – kelajagimiz» дастурлари доирасида 30 298 нафар оқила ўз бизнесини бошлади.

Эътиборга муҳтожлар эътиборга олиндимми?

— Биргина тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида айни пайтда 129 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектини хотин-қизлар бошқаряпти. Бундан ташқари, 107 мингга яқин хотин-қиз яқка

ширилди. Бу ерда хотин-қизлар тикувчилик, сартарошлик, пазандалик, психолог, компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик кўникмалари каби ўқув курсларида ўқитилди.

Самарадорликни ошириш учун

— Аммо бу натижалар биз кўзлаган марра эмас. Эндиликда марказнинг худудий туман ва шаҳар бўлинмаларини ташкил этиш режалаштириляпти. Шу орқали чекка худудлардаги опа-сингилларимизни ҳам ишбилармонликка жалб этишни мақсад қилганмиз. Хотин-қизлар тадбиркорлигини янада самарали йўлга қўйиш учун «Аёллар дафтари»га киритилганларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилади. Ҳар ойда мониторинг ўтказилиб, муҳокама қилиш тизими йўлга қўйилади. Бу белгиланган вазифалар ижросини тизимли таъминлаш ва мавжуд камчиликларни ўз ўрнида ҳал этиш имконини беради.

Аёлларнинг касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, хунарга ўргатиш бўйича қисқа муддатли 136 та маҳалла гузарларида касб-хунарга ўқитиш курсларини ташкил этиш ишлари эса аллақачон старт олган.

Шунингдек, тадбиркорлик марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйган, ўқув курсларини тугатган хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятларини бошлаши ҳамда энг кўп иш ўринларини яратишига кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўймоқчимиз. Бу ўзаро соғлом рақобат муҳитини яратади.

Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.

“Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 1558 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун жами 33 млрд. 521 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди.”

тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди.

Шунингдек, оғир турмуш шароитида яшовчи 4248 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Узоқ йиллардан буён ишсиз ёки чет давлатдан қайтган, пандемия муносабати билан ишсиз қолган 90 мингдан ортиқ аёлнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Бундан ташқари, жорий йилда афв этилган 38 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Хусусан, пойтахтимизнинг Яшнобод ҳамда Юнусобод туманларида замонавий типдаги «Кунлик ишчилар маркази» фойдаланишга топ-



Олима аёлларнинг умумий 5,5 млрд. сўмлик илмий лойиҳаси молиялаштиришга тавсия этилди.

Кейинги пайтда бозор ва дўконларда маҳсулотларнинг нархи сезиларли қимматлашиши аҳоли орасида турли эътирозли фикрларни уйғотмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қайси маҳсулотни олиб қараманг, кечаги баҳоси устига яхшигина нарх кўшилганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Аслида нарх ошиши ҳар йили кузатиладиган ҳолат. Лекин бу йилги пандемия даврида у рекорд даражага чиқди.

БОЗОРЛАРИМИЗДА АСОСИЙ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИНФЛЯЦИЯСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?



Албатта, ушбу ноқулай вазиятнинг ишлаб чиқаришга жиддий салбий таъсири туфайли нархлардаги катта тафовут кузатилиши табиий. Ўз навбатида, ҳалқумини ўйлаган айрим ноинсоф кимсалар пайтдан фойдаланиб, сунъий тарзда маҳсулотларни қиммат пуллашга уриниш билан ҳам бунга катта ҳисса қўлишди. Ҳозир бу ҳақда фикр юритмоқчи эмасмиз.

Гап шундаки, маҳсулотларнинг баҳоси ҳамма жойда бир хил эмас: қаердадир нисбатан баландроқ бўлса, айрим жойларда паст. Турли омилларни ҳисобга олиб бундай бўлишини табиий деб ҳисоблаш мумкин. Шуниси борки, бу омиллар ичида мавжуд шарт-шароитлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар сабаб юзага келганлари ҳам борлигини кўздан қочириб бўлмайди. Айниқса, асосий истеъмол маҳсулотларидаги шундай фарқнинг мавжудлиги муаммоли ҳолат. Хўш, бугунга келиб одамларнинг кундалик турмушида кўп истеъмол қилинадиган товарларнинг нархларида қандай ўзгаришлар юзага келган? Бу борада ҳудудлардаги тафовутлар қандай кўриниш олган ва бунга қайси омиллар сабаб бўлмоқда?

Инфляция ошиши озиқ-овқат нархлари эвазига шаклландими?

— Марказий банк томонидан эълон қилинган «Худудларда асосий товар ва хизматлар инфляцияси» ҳисоботида кўра, охириги 12 ой давомида истеъмол нархлари индексида (ИНИ) пасаювчи тенденция кузатилган, — дейди иқтисод фанлари номзоди, доцент Анвар Исломов.

— Хусусан, 2019 йилнинг сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг сентябрь ойига келиб 11,7 фоизга тенг бўлди. Мазкур даврда, озиқ-овқат товарлари инфляцияси умумий инфляция даражасидан юқори кўрсаткичларда шаклланган

ни кузатилиб, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларда эса нархларнинг ўсиш тенденцияси умумий инфляциядан паст даражада қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг август ойига келиб ИНИ ҳамда унинг асосий таркибий қисмларида йиллик ўсиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасайди. Буни 2019 йилнинг август ойидаги тартибга солинадиган нархлар ҳамда иш ҳақи оширилишининг таъсирлари тугаб бориши билан изохлаш мумкин. Бироқ сентябрь ойида истеъмол нархлари инфляцияси сезиларли ошиб, 1,4 фоизга тенг бўлди. Инфляция ошиши асосан, озиқ-овқат нархлари эвазига шаклланди. Хусусан, тухум (6,5 фоизга), гўшт маҳсулотлари (3,8 фоизга), гуруч (2,8 фоизга), ўсимлик ёғи (2,8 фоизга) ҳамда мева ва сабзавотларнинг мавсумий (3 фоизга) қимматлашиши кузатилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида республика бўйича инфляция даражаси 6,3 фоизни ташкил этди. Худудлар кесимида нархлар айрим худудларда юқори даражада ўсиши кузатилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида йил бошига нисбатан нархлар ўртача 8,9 фоизга, Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида мос равишда 6,7, 6,6 ва 6,5 фоизга ошди. Шунингдек, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида инфляция республика кўрсаткичига нисбатан пастроқ даражада шаклланди.

Картошка нархи юқори даражага етди

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат товарлари инфляциясига таъсир кўрсатган асосий омилларга гўшт маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, буғдой уни, картошка, гуруч ва тухум сезиларли даражада қимматлашгани сабаб бўлди. Бу даврда аҳоли энг кўп истеъмол қилган озиқ-овқат маҳсулотлари орасида картошка нархи

юқори инфляция даражасига етди. Республика бўйлаб картошка нархи ўртача 34 фоизга ошган бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич деярли икки бараварни — 65 фоизни ташкил қилди. Фарғона вилоятида эса аксинча, картошканинг нархи атиги 14 фоизга ўсган.

Тухум нархида ҳам турли хил ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, республика бўйлаб тухум нархида инфляция ўртача 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, Жиззах вилоятида бу кўрсаткич 26 фоизга, Қорақалпоғистон Республикасида 23,1 фоизга ошган, Фарғонада эса 1 фоизга пасайган.

Дастурхонимизни нон ва нон маҳсулотларисиз тасаввур этолмаймиз. Таққослаганимизда қайсидир худудларда аҳоли бу маҳсулотларни қимматроқ харид қилган бўлса, баъзи худудларда нисбатан арзон баҳода сотиб олган. Жумладан, бу борада энг юқори ўсиш Самарқанд вилоятида (14,8 фоиз), энг паст даража Сурхондарё вилоятида (6,3 фоиз) кузатилди. Республика бўйича эса ўртача 10,4 фоизга ошган.

Шунингдек, гуруч нархининг энг юқори ўсиш даражаси — Қорақалпоғистон Республикасида (17,5 фоиз), Жиззах (15,7 фоиз) ҳамда Қашқадарё (15,4 фоиз) вилоятларида, энг паст ўсиш даражаси — Сурхондарё (7,0 фоиз) ва Наманган (8,1 фоиз) вилоятларида, ўсимлик ёғи нархида эса Сирдарё (15,8 фоиз) ва Наманган (15,0 фоиз) вилоятларида энг юқори, Қорақалпоғистон Республикаси (6,9 фоиз) ва Навоий (7,7 фоиз) вилоятларида эса энг паст даража кузатилди.

Дастурхонимиз тўкин бўлсин, десак...

Айтиш жоизки, сабзавот нархлари инфляцияга пасайтирувчи омил сифатида хизмат қилди. Хусусан, сабзавот нархлари республика бўйича ўртача 24,9 фоизга арзонлашди (бу борада энг яхши кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (37,4 фоиз) қайд этилди). Бунинг боиси, бу йил

деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда ўсиш кузатилди. Хусусан, сабзавот маҳсулотлари етиштириш ўтган йилга нисбатан қарийб 200 минг тоннага кўп бўлиб, ҳисобот даврида 7,6 млн. тоннани ёки ўсиш 2,7 фоизни, полиз маҳсулотлари 1,4 млн. тоннани ёки ўсиш 104,2 фоизни, мева ва резаворлар етиштириш 2,1 млн.тоннани ёки ўсиш 103,9 фоизни ташкил этди.

Аммо республикаимизда чорвачиликда озуқа захираси, наслчилик ва маҳсулдорлик билан боғлиқ муаммоларнинг сақланиб қолиши тирик вазнда гўшт етиштириш ҳажмини ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан -0,5 фоизга, тухум етиштириш эса -3,6 фоизга секинлашишига олиб келди. Бошқа маҳсулотлар нархининг қимматлашуви ҳам шу каби омиллар сабаб юз берди.

Албатта, кундалик истеъмолимиздан жой олган маҳсулотларнинг шу тарзда қимматлашуви юртдошларимизнинг умумий турмуш даражасига таъсир кўрсатмоқда. Пандемия шароитида иқтисодий субъектлари фаолиятидаги узилишлар ва иқтисодий фаолликнинг секинлашиши ҳисобига шу даврда аҳолининг реал умумий даромадлари 0,3 фоизга пасайгани эса одамларнинг харид қобилиятини янаям чеклади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, худудларда дастурхонларимиз тўкинлиги манбаи бўлган асосий озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотлар нархларини жиддий назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш, бу борада баъзи худудлардаги салбий кўрсаткичларга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасида кўрилатган чоралар етарли даражада эмас. Мазкур вазиятни барқарор ҳолатга келтириш эса аниқ натижа берадиган, тизимли ишларни йўлга қўйишни талаб этади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»



Ўзбекистон товарларни АҚШга божсиз етказиб бериш ҳуқуқини сақлаб қолди.

Тахририятимиз томонидан «Депутатни танийсизми?» сўрови асосида туркум мақолалар тайёрлаш бўйича таклифимиз кўпчилигининг қизиқишига сабаб бўлди. Аксарият фуқароларнинг фикрича, депутатлар ўз ваколатини тўлиқ бажармаяпти, халқ ишончини қозона олмаяпти.



МАҲАЛЛА АҲОЛИСИ

ДЕПУТАТНИ ТАНИЙДИМИ?

Сайловчилар фикрича, депутатлар ишламаяпти

Дилдора НИЁЗОВА

(исм-фамилияси шартли):

— *Ассалому алайкум! Мен Тошкент шаҳри Учтепа туманида яшайман. Чиндан депутатлар сайлов пайтида маҳаллага серкатнов бўлишадими, кейин кўринмай қолишади. Мисол учун, бизнинг «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинидан сайланган депутатни, ҳатто, сайловолди учрашувларида ҳам кўрмаганмиз. Чунки тарғибот пайти бошқа 4 та партия номзодларининг суратлари, маълумотларини кўрганмиз. Гарчи учрашувга келмаса-да, негадир Ўзбекистон экология партияси номзоди сайланди. Афсуски, халқ бу инсонни танимайди.*

Ўлмасой НИШОНОВА:

— *Ассалому алайкум! Мен Фарғона вилояти Тошлоқ туманида истиқомат қиламан. Ҳозирда турмуш ўртоғимнинг саломатлиги тушиб қолганмиз. Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор. Сектор раҳбарлари фаол иш олиб бораёти, аммо, ҳали бизнинг депутат ким ва у қандай юмуш билан бандлигини билмаймиз.*

А.ИКРАМОВ:

— *Салом, янги рукн очилгани билан табриклайман. Биз ҳам 12-сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодини қўйган Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакили Зухра Шодиевага ишонч билдиргандик. Лекин депутат бўлганидан кейин деярли кўрмадик.*

Назир ПЎЛАТОВ:

— *Мен маҳаллада раис ўринбосари бўлиб ишлайман. Туман депутатини танийман. У йилда бир ё икки марта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсади. Битта фуқаромиз иш топиб беришни сўраб мурожаат қилганди. Катта ваъдалар берди. Аммо орадан бир йил ўтса-да, қайтиб кўринмади. Маҳаллада ишлаб ҳам халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатини танимайман.*

Нега депутатлар сайловдан кейин кўринмай қолади?

— *Бунинг икки сабаби бор, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев. — Биринчиси, депутатлар бўлса, иккинчиси фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқини яхши билмаслигидир. Яъни ўзлари сайловларда иштирок этишмайди ёки кимга овоз беришганини билишмайди. Яна бир жиҳатни билиб олиш керак. Улар икки хил бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланадиган ва маҳаллий кенгашлар депутати. Уларнинг вазифа ва ваколати ҳам шундан келиб чиқиб белгиланади. Қонунчилик палатаси депутатининг функционал вазифасини мен учга бўламан. Биринчиси, қонун ижодкорлиги, иккинчиси, қабул қилинаётган қонунлар устидан назорат, учинчиси эса фуқаролар, сайловчилар билан ишлаш. Тан олиш керак, бизда ҳамон депутатнинг бу вазифаларга эмас, балки асфальт ётқизиш, свет тушириш каби маиший муаммоларни ечишга масъул деб кўришади. Бу юқорида айтганимиздек, ҳам депутатларнинг, ҳам сайловчиларнинг айби. Сайловчилар шу каби фикрга келиб қолишига эса депутатлар айбдор. Чунки азалдан номзодлар сайлов жараёнида шу каби тизимдан фойдаланишади. Бу овоз сотиб олишнинг қоғозга ўралган варианты, дейиш мумкин. Аслида асфальт ётқизиш, электр билан таъминлаш ҳаммаси ижро ҳокимиятининг вазифаси. Агар маҳаллага асфальт ётқизиш керак бўлса, депутатни ҳокимга бориб, шуни қилиб бер, дейишга ҳам ҳақ-*

қи йўқ. Бу билан қонунни бузаётган бўлади. Унинг вазифаси қабул қилинган қонундан келиб чиқиб, ижросини талаб қилиш. Яъни депутатлик сўрови киритади, холос.

Афсуски, шундай вазиятда ижро ҳокимияти қандайдир баҳона билан бу ишни бажармаса, депутатни қўллайдиган ричаги, таъсир кучи йўқ. Натижага эришиш учун аслида жамоавий ҳаракат қилиш самара беради. Жамоавий, айтай-

аҳолида депутатнинг вазифаси мана шундай майда вазифаларни бажариш, деган қараш шаклланиб қоляпти.

Маҳаллий депутатлар ҳам аҳоли билан ишламайдими?

— *Биринчидан, улар жамоатчилик асосида ишлайди. Иккинчидан, ўша ҳудудда кенгаш раи-*



лик, палата бўлиб ишланса, шундагина парламентнинг кучи кўрилади. Лекин афсуски, бизда жамоавий тарзда ишлаш тизими йўқ. Айнан шу сабаб ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасига берилган ваколатлардан унумли фойдалана олмаймиз. Бунинг ҳам объектив ва субъектив сабаблари бор. Асосийси, бизда ижро ҳокимияти мавқеи анча юқори. Қонунчилик палатаси ҳали ўз ваколатидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Балки шунинг учундир аҳолига яхши кўриниш учун ўз ваколатимизга кирмайдиган майда маиший нарсалар билан банд бўлиб қоляпмиз. Натижада

си ҳоким экандир. Яъни ижро ҳокимияти раҳбари бир пайтнинг ўзида ҳудуддаги қонун чиқарувчи кенгашнинг раиси бўлиши бу ерда манфаатлар тўқнашувига олиб келади, — дейди Дониёр Ғаниев. — Табиийки, бунинг ортидан Кенгаш сайловчилар истагандек фаолият юрита олмаяпти. Парламентар республикаларни кўрадиган бўлсак, уларда ҳоким, яъни, ижро ҳокимиятидан кўра, кенгашнинг ваколати кучли. Бизда эса ҳаммасини ижро ҳокимияти ҳал қилади. Маҳаллий кенгаш ижро ҳокимияти истаган нарсаларни тасдиқлаб бериш билан шуғулланади. Минг афсус, қанча қоғозга ўраб гапирмайлик, ҳақиқат шу.

Хулоса

Албатта, депутатлар фаолиятида ижобий ўзгариш ҳам бор. Мисол учун охириги йилларда маҳаллий Кенгашда ҳам, Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам фаоллик ошяпти. Умид қиламизки, босқичма-босқич барча ўз ваколати бўйича ишлайди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

«10 минг қадам юрган пул олади» деган хабар тарқалиши билан, ёшу қари бирдек қизиқиш билдира бошлади. Бу ким учундир кўп қадам бўлиши мумкин, аммо кимларгадир арзимаган гап, кундалик иши давомида босиб ўтиладиган масофа, холос.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ РИВОЖЛАНГАН МАҲАЛЛА 10 МЛН. СЎМ БИЛАН РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 30 октябрда қабул қилинган «Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида инсон саломатлигига оид ана шундай муҳим янгиликлар акс этган.

Фармонга биноан аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида «Соғлом турмуш тарзи» (www.1hls.uz) платформаси яратилади. Жисмоний ҳаракат ва юришни тарғиб қилишга қаратилган платформа доирасида бир сутка давомида 10 минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан ўтказиб берилади.

Бундан ташқари, ҳар ойда бир марта туман ва шаҳар бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўм, ҳудудлар бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 млн. сўм қўшимча равишда пул маблағи берилади.

Бугун кўпчиликини «Платформа қачон ишга туширилади?», «У қандай ишлайди?», «Кимлар қай йўсинда рўйхатдан ўтиши мумкин?»

деган саволлар ўйлантирмоқда. Ана шундай саволларга жавоб олиш ва масалага аниқлик киритиш мақсадида **Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** мутасаддилари билан боғландик.

Синовлар нимани кўрсатди?

— «Соғлом турмуш тарзи» платформасининг яратилишидан аввал, чуқур таҳлил қилиш ва ўрганишлар талаб этилди, — дейди **Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи Исомиддин Пўлатов**. — 35-50 нафар мутахассислардан иборат жамоамиз билан биргаликда дунё тажрибасини ўргандик. Ҳозирда мавжуд бўлган барча қадамни ҳисоблаш дастурларини синовдан ўтказдик, камчиликларини аниқладик. Мақсадимиз, яратиладиган дастур ана шундай нуқсон ва камчиликлардан холи бўлишини таъминлаш. Бу иш амалга ошса, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ортади, одамлар соғлиқ учун кўпроқ пиёда юришга ҳаракат қилади. Доимий пиёда юриб турадиган одамларда эса қон айланиши яхшиланади, фаоллик ортади. Ортиқча вазндан ҳам халос бўлиш мумкин. Бу юрак касаллиги ва қон босимини кўтарилишидан азият чекадиган фуқаролар учун фойдали.

Қандай рўйхатдан ўтилади?

— Мазкур платформага www.1hls.uz сайти орқали рўйхатдан ўтиш мумкин, — дейди **И.Пўлатов**. — Унда иштирок этиш истагида бўлган фуқаролар 18 ёшдан катта бўлишлари лозим. Шунингдек, жараён давомида фуқародан ID рақами ёки ИНН рақамларини киритиш талаб қилинади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) маълумотлари асосида рўйхатдан ўтишни тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Шунингдек, ким қаерга, нима мақсадда юраётганини GPS орқали кузатиш ҳам йўлга қўйилади. Кимдир уйда ўтириб, шунчаки юради ёки юргандек

бўлиш ҳам эҳтимолдан холи эмас. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилар эканмиз, аввало, саломатлик учун ҳақиқатан ҳам бир кунда камида 10 минг қадам юришни амалга оширишимиз керак.

Айтиш лозимки, платформа ҳали ишга тушмади. Мутасаддининг таъкидлашича, бунга вақт керак. Боиси унда шаффофлик, холислик бўлиши, турли камчиликлар бартираф этилиши зарур. Аммо 2021 йил 1 мартга қадар, фармонга биноан ишга туширилади.

Ойига 9 млрд...

Биласизми, 10 минг қадам юрган кишига бериладиган кунлик 3000 сўм маблағ арзимаган кўриниши мумкин, аммо умумий аҳоли сонига ҳисобланганда катта суммага айланади. Масалан, ўртача 100 минг одамга ҳисоблаганда бир оининг ўзида 9 миллиард сўм кетади. Ҳа, бу оз мунча маблағ эмас.

— Фармонда ушбу маблағ Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланиши айтилган, — дейди **Исомиддин Пўлатов**. — Дастлаб, «Beeline» компанияси томонидан илгари сурилган интернет трафиғи бериш лойиҳасини кўриб чиқдик. Аммо кейин фуқароларга имтиёз беришни ўйладик. Ягона дарча хизматларидан фойдаланишда 50 фоиз чегирма беришни йўлга қўймоқчи ҳам бўлдик. Бироқ, буни бюджетдан қоплашнинг ўзи бўлмади. Шу сабабли ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқиб, қунига 3000 сўмдан берилишида тўхталдик.

Овқатланиш рационали ишлаб чиқилади

Шунингдек, фармонда ортиқча вазнга эга бўлган шахслар учун ўртача кунлик овқатланиш меъёри ва рационали ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқиш ва уни аҳоли орасида доимий тарғиб қилиш бўйича ҳам алоҳида кўрсатмалар берилган. Ҳўш, рацион қандай ишлаб чиқилади? Унда нималар инobatга олинади?

— Аҳоли орасида ортиқча вазн ва семизлик касаллигининг келиб чиқиш сабабларидан бири

аҳолининг тановул қилаётган овқатларининг энергетик қувватини билмаслигидадир, — дейди **Соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова**. — Энг ачинарлиси, одамлар бир хил типдаги озиқ-овқатларни истеъмол қилишга одатланган. Яъни ёғли, туз ва шакар миқдори кўп бўлган овқатлар ёки хамир таомлар, фаст-фудларни хуш кўриб, такрор ва такрор истеъмол қилишади. Натижада умумий рационда ёрмалар, сут ва қатиқ маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар, кўкатларнинг ўрни камайдди. Кунлик овқатланиш рационини ишлаб чиқишда аҳолининг ёши, жинси, турмуш тарзи, касбидан келиб чиқиб, уларга мос келадиган меъёрларни яратиш кўзланган. Бу инсонларнинг саломатлигини яхшилаш, иммунитетини кучайтиришга ёрдам беради. Қолаверса, ортиқча вазнга эга бўлган шахсларни озишга ундайди.

«Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла»

Фармонга биноан, республикамизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида «Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла» танлови ташкил этилади. Ҳар чоракда бир марта ўтказиладиган танловда маҳалла аҳолиси доимий равишда жисмоний тарбия машғулотларига жалб этилиши, соғлом овқатланиш ва соғлом турмуш тарзига риоя этилишига қаралади. Шунингдек, маҳаллада зарур спорт инфратузилмаси мавжудлиги, ўтказилган мусобақалар сони, маҳалла аҳолисининг касалланиш даражаси пасайиб бориши кўрсаткичлари эътиборга олинади. Танловда **биринчи ўринни** эгаллаган маҳаллага **10 миллион сўм**, иккинчи ўрин учун 5 миллион сўм ва учинчи ўринга 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти берилди. Маблағлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан ғолиб маҳалла фуқаролар йиғинларининг тижорат банкида очилган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ноилахон АҲАДОВА
«Mahalla»

Кузатишлар давомида жуда қизиқ ҳолатга дуч келинди. Ўзбекистон фуқаролари орасида энг кўп қадам юрувчилар аравакаш ҳамда чўпонлар экан. Улар кунлик меҳнат фаолияти давомида энг кўп масофани босиб ўтар экан. Қадамни ҳисоблаш дастури синовдан ўтказилганда iPhone компаниясининг барча моделлари энг ишончлиси ва тўғри ҳисоблайдигани бўлиб чиқди.

Бадминтон бўйича Ўзбекистон кубогига старт берилди.

Ун беш йиллар олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда давлат гранти асосида кўпроқ ўрин ажратиларди. Ўша пайтлар тўлов-контракт бўйича таълим олиш имконини қўлга киритган ёшлар орасида талабалардан воз кечиш, келгуси йил грант ўринларига уриниб кўришни мўлжаллаш ҳоллари бўларди.



ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ



АЖРАТИШДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КУТИЛМОҚДА?

Балки авваллари олий таълим мутлақо бепул бўлгани учун одамлар текин билим олишга одатланишгандир, дейишингиз мумкин. Йўқ, бунга, асосан, қўли калталиқ сабаб бўларди. Бу ҳолат ҳозир ҳам учрайди. Лекин ҳозир грант бўйича кам ўрин ажратилиши учун абитуриентлар аввалбошданок тўлов-контракт асосида бўлсаям ўқишга илинишни чамалаб ОТМга ҳужжат топширадilar.

Сир эмас, бугунги кунда олий ўқув юртларига қабул қилиш қамрови ошган. Бу дегани тўлов-контракт асосида таълим олиш учун иқтисодий имконият қидираётган ёшлар сафи кенгайган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан таълим кредитлари ажратилиши ушбу муаммога маълум даражада ечим бўла олади. Шундай бўляпти ҳам. Аммо таълим кредитлари олишга даъвогар бўлган ёшлар у қадар кўп деб ҳам айта олмаймиз.

Бунинг сабаби эҳтиёж камлигидан эмас, балки мазкур кредитларни олиш жараёни бироз мураккаблигидан, десак хато бўлмайди. Яъни бу жараёнда ҳужжатбозликларга дуч келиш мумкин. Банк соҳасининг ўз қонунийлари борлиги, у ижтимоий кўмак ташкилоти эмаслиги, ҳар қандай маблағни

олиш учун хат-ҳужжат тақдим этилиши кераклигини яхши тушунамиз. Гап шундаки, кредитлаштириш тизимидаги мураккабликлар мазкур молия муассасаларининг муваффақиятидан дарак бермайди, қолаверса, у мижозлар талабини қондирмаса, буни замонавий иш услуби деб бўлмайди.

Ҳўш, таълим кредитлари ажратилиши соҳасида яна қандай муаммолар бор ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Кимлар имтиёзга эга?

— Олий таълим муассасалари талабаларига таълим кредитлари бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори, шунингдек, мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Низомга кўра амалга оширилмоқда, — дейди **Марказий банк ахборот хизмати раҳбари Акмал Назаров.** — Унга кўра, мазкур кредитлар тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун уларнинг ўзига, оналарига ёки васийларига берилиши мумкин. Олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриятга қабул қилинган талабаларга — 10 йилгача, магистратура босқичи талабаларига — 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Бу борада чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлиги бор инсонлар имтиёзга эга бўлиб, уларга таълим кредитлари фоизсиз берилмоқда.

Ҳозирги карантин даврида таълим кредити ажратиш хизматини масофавий равишда кўрсатилиши тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади.

Кутилаётган ўзгаришлар

— 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тўлов-контракт маблағларини тенг улушларда бўлиб, камида тўрт маротаба тўлаш имконияти яратилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулшана Худоёрова.** — Жорий ўқув йилида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар учун стипендиясиз базавий тўлов-контракт миқдорларига 10 фоизли чегирма берилган. Пандемия шароити инобатга олиниб, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабаларга тавсия этилган абитуриентлар учун табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорларининг энг пастки чегараси 10 баравардан 8 бараваргача камайтирилган. Уларни олий таълим муассасалари томонидан оширмаслик ҳамда белгиланган стипендиясиз базавий тўлов-контракт миқдорларига 10 фоизли чегирмани қўллаган ҳолда табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорини ҳисоблаш белгиланган.

Яқинда Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаевнинг парламент сўровига юборган жавобида бу борада янги имкониятлар яратиш масаласи кўриб чиқилаётгани маълум қилинди. Хусусан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тижорат банклари томонидан республика олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар учун таълим шаклидан қатъи назар, (кундузги, сиртқи, кечки, иккинчи мутахассислик) таълим кредитлари ажратилишини жорий этиш кутилаётир.

Режалаштирилаётган ўзгаришлардан яна бири — жорий ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим шаклига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида тавсия этилиб таҳсил оладиган талабаларга тўлов-контракт маблағларининг умумий миқдорини бутун ўқув даври мобайнида (5 йил ичида) тенг улушларга бўлиб тўлашга имконият яратишдир.

Хориж тажрибаларини жорий этиш зарур

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим кредитлари берилишини ривожлантириш борасида илғор давлатлар тажрибасига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Айрим хорижий давлатларда талабалар учун ижтимоий ссудалар ажратилиши, таълим заёмлари чиқарилгани, таълим кредитлари фоизсизлиги, уларни қайтаришнинг узоқ муддатлилиги, жумладан, 25 йилгача этиб белгиланганини мисол келтиришимиз мумкин. Хусусан, Европа мамлакатларида талабаларга олий таълим билан боғлиқ қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида ижтимоий-моддий ёрдам бериш тизими қўлланилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, олий таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари ташкил этилса, шунингдек, кредитни қайтариш муддатини янада узайтириш имкониятлари кўриб чиқилиб, бу ишни талаба ўқишни тугатгандан кейин камида бир йил ўтиб амалга оширишга киришилса, бу борада бир қадар енгиллик яратилган бўларди. Энг асосий масалалардан яна бири эса — кредит фоиз ставкаларини мамлакатда инфляция даражасидан келиб чиқиб белгилашдир.

Умуман олганда, ёшларимизнинг олий таълим олишини кенг рағбатлантириш, бўлажак етук мутахассисларни тайёрлашга эришиш учун ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлов жуда ҳам зарур. Шу маънода иқтидорли талабаларга шу жиҳатдан кўмак бериш, керак бўлса, уларни ҳомийликка олиш тизимини яратиш ва бунда шаффофликни таъминлаш кўзланган натижани беради. Нима бўлганда ҳам, юртимизда олий маълумотли кадрлар сони ва сифатини ошириш вазифаси таълим кредитларини ривожлантириш, айна йўналишдаги ижтимоий ёрдам тизимини йўлга қўйишсиз амалга ошириш мушкул.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Бугунги пандемия шароитида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида 276 967 нафар талаба (жами талабаларнинг 76 фоизи) таҳсил олаётгани ва жорий йилда 85030 нафар талабанинг ўқишга қабул қилиниши (жами квотанинг 74,6 фоизи) таълим кредитларига бўлган талабанинг ортишига олиб келиши кутилмоқда.

Тошкент вилоятида ТАТУ филиали ташкил этилади.

МАҲАЛЛА ХОДИМИ КЎМИР ЕТКАЗИБ БЕРИШГА МАЖБУР..(МИ?)



Маълумки, қишқировли кунлар яқинлашган сари унга тайёргарлик ҳақида ўйлай бошлаймиз. Айниқса, газ етиб бормаган ҳудудлар аҳолисини бошқа турдош ёқилғи маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича аниқ тизим яратилгани одамларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қилмоқда.

Дарҳақиқат, қонунчиликка мувофиқ, газ бўлмайдиган ҳудудларда аҳолини кўмир маҳсулоти билан узлуксиз равишда таъминланиши кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, қиш мавсумида газ бўлмайдиган ҳудудларга етарли миқдорда кўмир етказиб бериш бўйича тегишли ҳужжатлар тасдиқланади (Вазирлар Маҳкамаси – вилоят ҳокимликлари – туман ҳокимликлари). Шундан сўнг туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган аҳолини кўмир билан таъминлашга оид жадвал маҳалла фуқаролар йиғинига етказилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини келиб тушган аризаларга мувофиқ, кўмирни сотиб олиш бўйича реестрни шакллантиради ва уни кўмир омборларига етказиб беради. Кўмир омборлари маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган реестрга ва тасдиқланган жадвалга асосан аҳолини кўмир маҳсулоти билан Молия вазирлиги томонидан тасдиқландиган нархлар асосида узлуксиз таъминлаш чораларини кўради.

Бир қарашда ҳаммаси яхши. Барча чоралар аҳолининг қишда қийналмаслиги учун хизмат қилади. Аммо масаланинг иккинчи томонини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Эътибор берсангиз, бу ишларнинг барчасида маҳалла фуқаролар йиғини масъул этиб белгиланган. Афсуски, ҳудудларда маҳаллий ҳокимлик вакиллари маҳалла ходими кўмирга эҳтиёжманд оилалар рўйхатини тузиш билан бирга, уни етказиб беришни ҳам юкламоқда. Савол туғилади — бу ишлар шундоқ ҳам ўз вазифасидан ортмаётган маҳалла ходимларига ортиқча юклама бўлмаяптими?



«Ўз ишимизга улгура олмаяпмиз»

— Маҳалла фуқаролар йиғини барча жабҳада аҳоли билан яқин бўлиши керак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Ирода Абдурахимова (мурожаатчи исм-фамилияси тахририятга маълум бўлса-да, унинг илтимосига кўра сир сақланмоқда). — Бунга эътироз йўқ. Фақат баъзи ҳолларда биз ўз ишимизга улгура олмаяпмиз. Мисол учун, фуқаролар йиғинида куз-қиш мавсуми учун кўмир маҳсулоти маҳалла томонидан тақдим этилган рўйхат асосида берилади. Ҳар ҳафта фуқароларни рўйхатга киритиш, кейин уни кўмир қонига олиб бориб аҳолига тарқатиш билан банд бўляпмиз. Натижада ўз вазифамизга қирадиган ишларимиз қолиб кетяпти.



— Мен Фарғона вилояти Ёзёвон туманида яшайман, — дейди тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Нодира Файзиева (исм-фамилияси шартли). — Маҳалламиз чўл ҳудудида жойлашган бўлиб, 136 та хонадонда 770 та аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг муаммоларини, шу жумла-

ДАРВОҚЕ...

Республикаимиз миқёсида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги 6 та «Ўзтемирйўлөнилғитаъмин» бошқармасига қарашли бирлашган ёқилғи омбор хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аҳолини кўмир билан таъминлаш мазкур хўжаликлар зиммасига юклатилган бўлса, фуқаролар туман ёки шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган маҳалла оқсоқоллари тақдим этган рўйхат асосида, белгиланган миқдорда қаттиқ ёқилғини харид қилишлари мумкин.

дан, кўмирга бўлган эҳтиёжини уйма-уй юриб аниқлаётимиз. Аксарият одамларимиз кўмирга эҳтиёжманд. Шу сабабли рўйхат бўйича уларга ёрдам берилмоқда. Афсуски, маҳсулотни омбордан олиб келиш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари зиммасига юкланмоқда. Шу каби муаммоларнинг чеки йўқ. Ваколатимиздаги вазифаларни бажаришга улгуриб бўлмаётгани ҳақиқат. Кўмир олиш учун маҳалладан тайинланган ишончли вакилнинг тоғдек сабри бўлиши керак. Ҳафталаб омборда навбат кутиш зарур. Аҳолига 60-65 км.дан кўмир олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Манзилли тарқатилмаса ҳам, кўмир омборларини ҳеч бўлмаста, туман марказларида ташкил қилиш зарур. Чунки бизда кўмир вилоят марказидан олиб келинади. Туман маркази билан маҳалламиз

ўртасидаги масофа 30 км. бўлса, вилоят омборидан олиб келиш учун 60-65 км. масофани босиб ўтишга тўғри келади. Табиийки, бунда маҳсулот таннархи ҳам ошиб кетяпти.

«Маҳалла ходими кўмир етказиб беришга мажбур эмас!»

— Чиндан ҳам, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида газ етиб бормаган ҳудудларни кўмир билан таъминлаш муҳим ҳисобланади, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ободонлаштириш, томорқа ва экология масалалари бошқармаси бошлиғи Наврўз Мусаев. — Бу ишларни ташкил этишда Бош прокуратурада штаб тузилган. Соҳага тааллуқли вазирликлар қатори бизнинг вазирлик ҳам штаб аъзоси ҳисобланади. Вазифамиз аҳолининг кам таъминланган қатлами, «темир дафтар»га киритилган оилаларнинг кўмир маҳсулотига эҳтиёжини ўрганиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш. Ўз навбатида, бу рўйхат туман ҳокимликларига тақдим этилади. Маҳалла фуқаролар йиғинининг вазифаси мана шу ерда тўхтайдими. Ундан кейинги масалаларни секторлар маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ҳал этиши керак. Маҳалла ходимига кўмир олиб кел, дейишга, уни кўмирхонага юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Агар қайсидир ҳудудда шундай ҳолат кузатилса, бизга маълум қилишсин. Керак бўлса, туман ҳокими, сектор раҳбари билан боғланиб, муаммони ечишга амалий ёрдам берамиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, маҳалла ходимлари фақат рўйхат шакллантиришга масъул, холос. Уларни ўз ваколатидан ташқари ишга мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундай экан, фуқаролар йиғини ходимлари ҳақ-ҳуқуқлари бузилган тақдирда тахририятимизга маълум қилишларини сўраймиз.

Тахририят ушбу масала юзасидан бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳам фикрини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказишни бошлади. Сиз ҳам ушбу сўровномада фаол қатнашиб, фикр-мулоҳазаларингизни қолдиришингиз мумкин.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



Мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчи фуқаролар сони шу йилнинг 9 ойида 239 мингга ортган.

Суд ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг хаёлига аввало, судма-суд юриш, ишнинг ойлар давомида ҳал этилмай қолиши, энди ҳал бўлади деганда, «Бу бизнинг судга тегишли масала эмас экан, бошқа судга мурожаат қилинг», деган жавоб олиш келади.



СУДЛАРДАГИ САРСОНГАРЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ... (МИ?)

Ҳа, бугун фуқароларнинг судлардаги сарсонгарчилиги жамиятимиздаги оғриқли нуқталардан бирига айланган. Аслида судга адолат истаган инсонлар мурожаат этишади. Мақсад – ўзларини қийнаган муаммо ёки масалага қонуний ечим топиш. Бироқ бу жараён айрим сабабларга кўра, ойларга, ҳатто, йилларга чўзилиб кетади. Натижада фуқаролар суд биносига қатнайвериб сарсон бўлишади. Шу боисдан баъзан одамлар судга мурожаат қилишни истамайди. Бугун фуқаролар «отанга бор, онанга бор» қабилида суд биносига бориб, ҳал бўлмай қолган ишни кейинги судга қолаверишидан безор. Хўш, бундай сарсонгарчиликка нималар сабаб бўлмоқда? Қачонгача халқ судма-суд юради?

— Фуқароларнинг судларда сарсон бўлишининг сабаблари қатор омилларга боғлиқ, — дейди

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Элбекжон Турғунбоев.



— Буни биргина апелляция бериш мисолида кўриб чиқсак.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, биринчи инстанция суди қарорига нисбатан апелляция ёки кассация тартибида шикоят ёхуд протест берилади. Апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар юзасидан назорат тартибида шикоят келтирилади. Бу эса фуқароларнинг ортиқча овора бўлишига, ишларнинг бир неча инстанцияларда такрор ва такрор кўрилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, жиноят ишлари суд мажлисида кўриш учун тайинлаш босқичида ишни тўхтатиш, тугатиш ёки камчиликлар аниқланган тақдирда айблов ҳулосаси ёки далолатномаси тасдиқланганда уни прокурорга қайтаришни тартибга солувчи алоҳида институт йўқ. Шунингдек, далилларни номақбул деб топиш учун асос бўлган тақдирда, тарафлар илтимоснома киритганида бу муаммоларни ҳал қилишни тартибга соладиган институт ҳам мавжуд эмас. Шу сабабли, судлар



томонидан жиноят ишларини кўриш бошланганидан сўнг мазкур муаммоларни ҳал этишда муддат асосиз ўтиб кетади. Бу эса процесс иштирокчиларининг ортиқча вақт сарфлашига, сарсон бўлишига олиб келади.

Сабаби нима?

Чиндан ҳам, бугунги кунда ушбу босқичда тарафлар иштироки чеклангани сабабли суд жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья яқка тартибда ҳал этишга мажбур. Оқибатда, судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун иш ҳал этилмайдиган қолади. Асосий босқич — умумий суд мажлисида барча иштирокчилар қақчилганлиги боис, фуқароларнинг овора бўлиб келгани қолади. Бундан ташқари, ҳудудларда фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича судлар фаолият юритмоқда. Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича 2 та ёки 3 та туманга битта туманлараро суд фаолият олиб боради. Фуқаролар эса қай бирига мурожаат қилишини билмай қолади. Баъзан, билмай бошқа судга мурожаат қилишади. Ойлар давомида судда маълум бир иш кўрилади-да, яқунда бошқа судга тааллуқли эканлиги маълум қилинади. Табиийки, буларнинг барчаси фуқароларнинг сарсонгарчиликларига сабаб бўлмоқда. Хўш, мазкур вазиятда фуқароларнинг ҳам, судларнинг ҳам манфаатлари йўлида муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

Бугун ана шу муаммо ижобий ҳал бўлиш арафасида. Жорий йилнинг 28 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

навбатдаги мажлисида депутатлар жиноят процессида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институтини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Дастлабки эшитув институтини

Мазкур лойиҳанинг афзаллиги нимада? У амалга ошса судлардаги сарсонгарчиликка барҳам бериларми?

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институтини жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасида муҳокама қилинди, — дейди **Э.Турғунбоев**. — Унга кўра, жиноят иши судга келиб тушган судья тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриши мумкин. Жиноят ишлари айблов далолатномасини, тиббий йўсиндаги мажбуллов чораларини қўллаш тўғрисидаги тасдиқлаган қарорни прокурорга юборишади. Унда назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштиришга ва ишдан номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқаради. Дастлабки эшитув тайинланган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай жараён бошланиши ва давомийлиги ўша кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг иштирок этишига хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят ишлари умумий кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини беради. Қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишуви принципга сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради. Қолаверса, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга ва унинг олдида белгиланган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Унга биноан, Судьялар олий кенгаши Олий суди билан биргаликда 2020 йил 1 ноябрга қадар янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши керак эди. Хўш, лойиҳа ишлаб чиқилди?

— «Судлар тўғрисида»ги қонун дастлаб, 1993 йил 2 сентябрда, янги таҳрирдаги эса 2001 йил 14 сентябрда қабул қилинган, — дейди судья **Э.Турғунбоев**. — Сўнгги йилларда суд соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тизимда бўлаётган ўзгартишлар «Судлар тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этади. Ҳозирда «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур жараёнда судлар томонидан таклиф ва мулоҳазалар ҳам берилган.

Нима бўлганда ҳам лойиҳалар амалга ошсин, яхши ўзгаришлар қилинсин, асосийси, оддий халқнинг оғири енгил, мушқули осон бўлсин деймиз. Зеро, судма-суд юриб ўтказиладиган вақтни жамият учун фойдали бирор ишга сарфлаш мумкин. Ана шунда фуқаролар ҳам мамнун бўлади, судлар ҳам бир ишни қайта-қайта кўравермайди.

Ноилахон АҲАДОВА
«Mahalla»



Истеъмолчилардан ариза қабул қилишнинг янги тизими ишга туширилди.



Бугун кимнидир хайратга солиш ниҳоятда қийин. Замоннинг тезкорлиги, технологиялар тараққиёти инсониятни янгиликларни оддий қабул қилишга ўргатиб қўйди. Аксарият соҳалар эса аллақачон рақамлашган. Инновацион ғояларнинг ранг-баранглиги, ҳатто, онгу шууримизни шошириб қўяётир.

Хўш, Ўзбекистонда-чи, вазият қандай? Бизда ҳам инновацион ғоялар илгари суриляптими? Анъанавийлик касб этаётган инно ҳафталиклар бизга нима берапти? Бундан бирон натижа чиқиши қанчалик ҳақиқатга яқин? Пандемия даврида ўтказилаётган ҳафталик аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади?

– Бу йил «InnoWeek.uz – 2020» онлайн форматда ишлайди, – дейди **Инновацион ривожланиш**

вазирининг рақамлаштириш ва ахборот технологиялари бўйича маслаҳатчиси Бобур Раҳимов. – Унда қатнашувчилар

учун потенциал мижозлар, инвесторлар, инвестиция фондлари, шериклар билан алоқа ўрнатиш учун тўлақонли интерактив хизматлар кўрсатилади. Кўрғазмада иштирок этадиган технологик компаниялар ғоялари ва ишланмаларидан эса амалиётда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фойдаланади. Ушбу форматдаги тадбирлар иштирокчиларга реал вақт режимида онлайн мулоқот қилиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, виртуал реаллик технологиялари асосида ишлайдиган, Марказий Осиёдаги энг йирик технологик платформалардан бири бўлган бу тизимда макон ва вақт ичида чекловлар йўқ; куннинг исталган вақтида исталган одам, истаган жойидан 3D кўрғазмага ташриф буюриши мумкин. Шу билан бирга, барча маълумотлар ташриф буюрувчи учун қулай шаклда тақдим этилади: бир неча сония ичида ўзингиз қизиққан йўналишларни топишингиз мумкин.

«InnoWeek» — Ўзбекистонга нима беради?

«InnoWeek.uz – 2020» доирасида ўтказилаётган барча тад-

ИННОВАЦИОН ҲАФТАЛИК БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

бирларда нафақат технологиялар дунёга намойиш этилади, балки соҳа вакиллари билан танишиш, алоқаларни ўрнатиш ва, албатта, потенциал инвесторларни топишга ёрдамлашади. Унда 30 дан зиёд мамлакат, нуфузли халқаро ташкилот ва компаниялар вакиллари, Австрия, Буюк Британия, Нидерландия, Италия, Исроил, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг илм-фан ва инновациялар соҳасидаги етакчи мутахассислари қатнашяпти.

Халқаро экспертлар фикри қандай?

– Ҳозирги мураккаб даврда илм-фан, техника, инновация соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим, – дейди **Инновацион зоналар халқаро ассоциациясининг бош ижрочи директори (IASP) Эбба Лунд.** – Тадбиркорлар, инноваторлар ва технологияга

асосланган компаниялар ҳамшиша ҳамкорлик қилиши, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаши бугуннинг талаби. IASP 1984 йилда ташкил этилган бўлиб, глобал миқёсда илмий парклар, технопарклар, инновацион худудлар, технологик инкубаторлар каби лойиҳаларни бирлаштиради. Аъзоларимиз тажриба алмашиш, билимлари билан ўртоқлашиш, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш орқали ўзаро манфаатли фаолият юритади. Ўз навбатида, «InnoWeek–2020» ҳам турли соҳа вакиллари бирлаштириш, мутахассисларни йиғиш, инновация ва янги технологияларни ўрганиш, шунингдек, иложи борича янги алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ғоялар трансфери майдони

– Халқаро инновациялар ҳафталиги, бу – инновацион ютуқларни намойиш этиш ва инновацион ғояларни алмашиш учун ажойиб майдон, – дейди **Хитой Халқ Республикасининг «Ипак Йўли»**

юқори ва янги технологиялар зоналари ассоциацияси бош котиби жаноб Чжан Женчжун. – У нафақат Ўзбекистоннинг инно-

вацион йўналишини белгилаши, балки глобал инновацияларни ривожлантиришга ижобий туртки бериши мумкин. Ҳозирги дунёда инновациялар ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб, унга ҳаётнинг барча соҳаларида талаб катта. Чунки инновациялар мамлакатларимиз ва минтақаларимиз ривожланишини тезлаштиради, одамларга янада фаровонлик, қулайлик келтиради. Шу билан бирга, биз ривожланиш жараёнида жуда кўп муаммоларга дуч келяпмиз. Ҳозирги глобал эпидемия шароити шошилишимиз, уни енгиш ва олдини олиш учун кўпроқ инновацион усуллارни ишлаб чиқишимизни талаб қилияпти.

Келажак дунёси ҳақида

– Биз ўзгарувчан замон ва янги талабларга ҳамшиша мослашиб боришимиз керак, – дейди **Исроил Иқтисодиёт вазирлигининг Инновациялар бўйича бошқармасининг раҳбари Ами Аппелбаум.** – Рақамли инқилоб нисбатан ёш саналадиган рақамли технологияларнинг шиддат билан ривожланишига олиб келди ва буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Бутун дунёда давлатлар томонидан ҳам, иқтисодиётнинг реал сектори томонидан ҳам янги технологияларга эҳтиёж бор. Негаки, янги технологияларнинг қай даражада ишлатилиши мамлакат аҳолисининг яшаш даражасини белгилайди, илғор турмуш тарзини тарғиб этади. Биргина қишлоқ хўжалиги соҳасини олайлик. Эҳтимол, сиз 2050 йил аҳолини боқиш учун дунёда етарли озиқ-овқат бўлмайди, деган фикрдадирсиз. Бироқ қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳосилдорлигини икки баробар-



га оширилиши аҳолини етарли озиқ-овқат билан таъминлаш учун кифоя қилади. Шу боис биз қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига янгидан-янги технологияларни жорий этмоқдамиз. Атроф-муҳитнинг зарарланиши, чиқиндиларнинг кескин кўпаяётгани инсоният олдидаги энг катта муаммолардан бири. Қайта тикланадиган энергия – жамиятимизнинг анъанавий ёқилғилардан энергия олишнинг янги усулларига ўтишдаги жамиятимизнинг илк қадамларидир. Дунёдаги ҳаётни барқарорлаштириш учун муҳим бўлган яна бир соҳа – сувни қайта ишлашдир. Исроил бугунги кунда саноат, қишлоқ хўжалиги ва уй хўжаликларида фойдаланилган сувнинг 91 фоизини қайта ишлаб, фойдаланмоқда. Дунё шунчалик шиддат билан ривожланиптики, энди у 5G алоқаси каби илғор мулоқотни, маълумотларни рақамлаштиришнинг ноёб усулларини талаб қилмоқда. Аммо маълумотлар етарли даражада ҳимояланмаган бўлса, рақамлаштириш зарар келтиради. Бу эса кибертехнологияларнинг бутунлай янги авлодининг яратилишига олиб келди. Биз инкубаторлар, акселераторлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорларга янги экотизимда мамлакат, компаниялар ва тадбиркорликни қандай ривожлантириш мумкинлигини намойиш этишимиз керак. Жаҳон бозорига мос келадиган маҳсулотларни яратиш бўйича йўл-йўриқларни кўрсатишимиз даркор. Бу каби тадбирлар шу каби фикрларни ўртоқлашиш, мавжуд тажрибалар билан танишиш имконини беради.

Шунингдек...

Бу йил «Илм-фан, таълим ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида «**Рақамли Ўзбекистон – 2030**» стратегияси қабул қилинди. Бу минтақалар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини рақамли равишда ўзгартиришни назарда тутди. Инновацион ғоялар ҳафталиги доирасидаги таклифлар ва экспертлар фикрлари эса дастурларни самарали амалга оширишда қўл келади.

Садоқат МАХСУМОВА
тайёрлади.



ДХМда илк марта имконияти чекланганлар учун сурдо-онлайн платформаси ишга тушди.

Фарғона вилоятининг асосий суғориладиган майдонлари қўшни республикалардан оқиб келувчи Норин, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх ва Исфара дарёларига боғланганлиги сабабли экин майдонларини сув билан таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу манбаларни тежаш, ҳар томчисидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.



ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ:

ФАРҒОНАДА СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАЙДИ...(МИ?)

Шу мақсадда соҳа ривожини йўлида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш муҳим омиллардан. Шу кунга қадар вилоятдаги 17 минг 200 гектар майдонда сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Асосий мақсад — олтинга тенг сув манбаларидан оқилона фойдаланиш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашдир.

Сувни, пулни тежайди

Президентимиз жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига қилган ташрифи чоғида вилоятда сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан ўринли таклиф ва тавсиялар бериб ўтди. Хусусан, сувдан оқилона фойдаланиш, бу борада тежамкор технологиялар, илғор иш тажрибаларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди.

Натижада Кува туманидаги «Мўминжон Ашуров» фермер хўжалигида экинларни томчилатиб суғориш технологияси ишга туширилди. Хўжаликдаги 50 гектар майдон ана шундай замонавий қурилмалар ёрдамида масофадан туриб суғориляпти.

— Суғоришнинг бу усули ҳар жиҳатдан фойдали, — дейди фермер Каримжон Ашуров. —

Масалан, 50 гектар экин майдонидаги экинларни суғориш учун бир кеча-кундуз кифоя. Шунча майдон оддий усулда суғорилса, ўн кундан ортиқ вақт, сув керак бўлади. Қолаверса, экинларни озиклантириш, зарарли ҳашаротларга қарши курашиш ҳам аниқ ҳисоб-китоб асосида олиб борилади. Бу борада Туркиянинг «Yildirim damlama tomchilatib sug'orish» корхонаси билан ҳамкорлик қилялмиш. Шу мақсадлар учун 200 минг доллар миқдорида инвестиция киритилди. Айни кунда яна 40 гектардан ортиқ экин майдонларида суғоришнинг ана шу самарали усулини жорий этиш устида иш олиб бораётиб. Сарф қилинган харажатларнинг бир қисми субсидия тарзида тўлаб берилади. Бундан ташқари, беш йил муддатга ер ва сув солиқларидан озод қилинганмиш.

Истиқболли лойиҳа йиллар давомида сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган дашт ерларига ҳам янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Шу кунга қадар фақат тош-шағалдан иборат бўлган 50 гектар майдон боғу бўстонга айланди. Бу ерда янги гилос боғлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, ҳудуддаги яна 30 гектар ер томчилатиб суғориш технологияси асосида ўзлаштирилади. Бу борадаги ишларни тизимли олиб бориш мақсадида иккита сув кудуқлари қазилди, умумий ҳажми 400 минг куб сув сигимига эга бўлган ҳавза қурилди. Тежамкор технологиялардан фойдаланиб,

суғориш ишларини олиб бориш, сув миқдорини 40, электр сарфини 30 фоизгача тежаш имкониятини беради.

— Янги технологиялар, аввало, сув ресурслари, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш маҳсулотларини иқтисод қилиш билан бирга, пахта, ғалла, сабзавот ва мевали боғлар ҳосилдорлигини 15-20 фоизга оширди, — дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Алломжон Фозилов. — Муҳими, самарали ва

тежамкор усулда иш олиб бориш истагида бўлган фермер хўжаликлари тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг таклиф ва талабларини инобатга олиб, 2021 йилда 24 минг 678 гектар экин майдонларида сувни тежовчи технологиялар ишга туширилади. Лекин соҳа ривожини билан боғлиқ муаммолар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинларини ушбу технологиялар асосида етиштириш бўйича малакали мутахассислар етишмайди. Шунингдек, сув тежовчи суғориш технологияларига техник хизмат кўрсатиш сервис марказлари йўқ.

Ёмғирлатиб суғориш, томчилатиб суғоришдан афзалми?

Риштон туманидаги «Қайрағоч ҳосилдор» фермер хўжалиги 20 гектар ерда синов тариқасида ёмғирлатиб суғориш усулида ҳосил етиштирмоқда. Фермер хўжалиги кейинги уч йил давомида халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда иш олиб борди. Самарали ҳамкорлик доирасида фермер Ҳасанбой Боййигитов Америка Қўшма Штатларига бориб тажриба алмашиб қайтди.

— Техас штатида фермер хўжаликлари далалари, пахта заводларидаги иш жараёни билан танишиб, пахта етиштириш бўйича тажриба алмашдик, — дейди фермер. — Хўжалигимизда бу йил 29,6 гектар ерга «С-82-90» навли чигит қадаб, ҳар гектардан 40 центнердан ортиқ ҳосил олдик. Мен нафақат ғўзани, балки бошқа экинларни ҳам ёмғирлатиб суғориш усулини қўллаш тарафдориман. Биз 20 гектар ердаги ғўзани 7 кун суғорамиз. Агар ёмғирлатиб суғорсак, ўша харажатнинг ўндан бири ҳам кетмайди. Лекин ўша самарани беради. Энг муҳими, сувни тежовчи усулда ғўза баргидан ҳам, томиридан ҳам қувват олади. 2021 йилдан 20 гектар ерда ёмғирлатиб суғоришни йўлга қўймоқчиман. Ёмғирлатиб суғориш усули харажатлари дастлабки ҳисоб-китобларимга кўра, 900 млн. сўмга тушади. 20 гектар ерни суғориш учун 4 киши кечасиyo

кундузи ишлайди, ёмғирлатиб суғориш жараёнини битта сувчи назорат қилади. Эътибор беринг, 7 кунда бажариладиган иш 7 соатда якунланади.

Бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади

Фарғона шаҳридаги «Palma invest piast» масъулияти чекланган жамияти бу борадаги истиқболли корхоналардан. Янги ишлаб чиқариш тармоғида бир кунда 4 тоннадан ортиқ 16 дан 400 диаметргача бўлган полиэтилен қувурлар, томизғичли ленталар тайёрланади. Бу ерга 360 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари олиб келинди, 20 та янги иш ўрни яратилди.

— Маҳсулотларимизга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда, — дейди иш бошқарувчи Нодирбек Нишоннов. — Ҳар бир фермер, деҳқон хўжалиги талаб ва истакларини ҳисобга олиб, маҳсулот ишлаб чиқарамиз, технологияларни экин майдонларига жойлаш, ишга туширишда ёрдам берамиз.

Шу кунга қадар томчилатиб суғориш жиҳозлари учун керакли бўлган бутловчи қисмларнинг асосий қисми четдан олиб келинган. Бу кўп вақт, ортиқча маблағ талаб этди. Янги ишлаб чиқариш тармоғи бу борадаги ортиқча овозгарчиликларга барҳам берди, маҳсулот таннархини 15 фоизгача арзонлатди, юздан ортиқ янги иш ўринлари яратишга хизмат қилди.

Айни кунда маҳаллий тадбиркорлар томонидан сув тежовчи технологиялар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Сирасини айтганда, тежамкор технологиялардан фойдаланиб суғориш ишларини олиб бориш орқали сув, минерал ўғит, иш ҳақи ва бошқа агротехник харажатлар сезиларли даражада қисқаради. Бу фермер хўжалиklarининг иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини яхшилаш ҳамда даромад олиш ҳажмининг янада ортишини кафолатлайди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Фарғона вилоятида жами 336,7 минг гектар суғориладиган майдонлар бор. Ушбу майдонларни сув билан таъминлаш бўйича 2260 км. ирригация тизимлари, 170 та насос станцияси, 923 та суғориш дренаж кудуқлари мавжуд.

Бу йилги пахта мавсумида 150 дан ортиқ мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Инсон учун ўз уйига эга бўлиш энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан саналади. Тан олиш керак, бунда ҳаммининг ҳам ер олиб, уй кўтариш ёки тайёр хонадонни сотиб олишга қурби етавермайди. Афсуски, беш қўл баробар эмас. Хўш, нима қилмоқ лозим? Каталакдек ҳовлида 10-15 жон биргаликда умргузаронлик қилаётганлар, неча йилларки, ижарама-ижара юриб, сарсон бўлаётганлар ҳаёт завқини сурмай, яшаб ўтиб кетавериши керакми?



УЙЛАР НИМАНИНГ ҲИСОБИГА 30 ФОИЗ АРЗОНЛАШАДИ?

Бугун ана шундай оилаларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида давлатимиз томонидан аҳолига қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан республикамизнинг барча ҳудудларида арзон уй-жойлар қурилаётгани, улар қулай ипотека кредитлари асосида ажратилаётгани аҳолининг, айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг мушкулени осон қиляпти. Юзлаб оилаларнинг неча йиллик орзуси ушалиб, уйли бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилда қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп қаватли тураржойлар барпо этилмоқда. Сардоба сув омборидаги ҳодисадан кейин Сардоба ҳамда Мирзаобод туманларида қисқа муддатда 86 та беш қаватли уй қуриб битказилди. Давлатимиз раҳбари мазкур тажрибадан фойдаланиб, лойиҳаларни такомиллаштириш, уйларни аҳоли учун янада арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Хўш, бу йўналишда қандай янгиликлар бор? Арзон уйлар қурилишида қандай ўзгаришлар бўлади? Улар одамлар эҳтиёжини қай даражада қондира олади? Уйлар ниманинг ҳисобига арзонлашади?

Барча ҳудудларда арзон уйлар қурилади

Айтиш керакки, Президент топшириғи асосида беш қаватли уйлар лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, хонадонларнинг жойлашуви ва хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилди. Қурилиш материаллари лойиҳага мос ўлчамда ишлаб чиқарилади, исроф бўлмайди. Давлатимиз раҳбари 26 октябрь куни қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида бундай тураржойларни аҳоли зич жойлашган барча туманларда қуриш зарурлигини таъкидлади.

Унга кўра, март ойдан бошлаб бундай уйларни қуриш режалаштирилмоқда. Айниқса, аҳоли зич жойлашган жойларда уларни қуриш талаби бор. Бунда, энг авва-



УМУМИЙ МАЙДОН
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАЙДОН
ФОЙДАЛИЛИК (Фойдали/Умумий майдон)

1302,0 м²
880,0 м²
67,5 %

ло, уй-жойга муҳтож аҳоли қатлами ҳисобга олинади. Шунингдек, тураржойларни ипотека кредити асосида ажратиш масаласи ҳам кўриб чиқилади.

— *Вазирлар Маҳкамасига, ҳокимликларга уйларнинг етишмовчилиги тўғрисида кўплаб хатлар, талаблар келиб тушмоқда, — дейди Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидояттов.* — Вилоятларда ҳам, шаҳарларда ҳам мазкур муаммо борлиги сабабли янги лойиҳадаги уйлар янада қулай, арзон ва сифатли бўлиб, технологияни бузмаган ҳолда қисқа вақт ичида қурилади. Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиб, дизайн, қулайликлар яратиш, оптималлаштириш бўйича стандартларимизни янгиландик. Ушбу лойиҳада ортиқча жойлар бўлмайди, улар ҳаёт учун қулай шароитларга эга бўлади. Бундай уйнинг умумий майдони — 1302 кв.м., фойдаланиладиган майдони — 880 кв.м. (67,5 фоизи)ни ташкил этади.

Нархлар 30 фоизгача арзонлашадими?

Айтиш керакки, янги лойиҳадаги уйлар 1 подвезд, 5 қават ва 20 та хонадондан иборат бўлади. Лойиҳада барча коммуникация тармоқлари кўзда тутилган бўлиб, уйларни арзонлаштириш ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қатор омиллар мавжуд. Хусусан, хонадон-



ларнинг жойлашуви ва хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилиб, ҳовли ва йўлақларга сенсорли электр чироқлари қўйилади. Ҳисоблагичлар ҳам ҳар жойда эмас, балки бир жойга тўпланади. Ювиниш хонаси ҳам оптималлаштирилади.

Шунингдек, барчага қулай бўлиши учун биринчи қават зиналари ташқарига чиқарилиб, ногиронлиги бўлган шахслар учун пандуслар қурилади. Бу каби тежамкор чоралар натижасида уйларнинг нархи ўртача 30 фоизгача арзонлашади.

— *Эндиги вазифа шаҳар ва туманлардаги уй-жойга эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантириш, ер майдонларини аниқлаш ва шулар асосида қайси ҳудудга қанча уй қуриш зарурлиги бўйича таклифларни ишлаб чиқишдан иборат, — дейди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Рустам Ҳикматуллаев.* — Бу бўйича белгиланган тартибда ишлар бошлаб юборилди. Бу жараёнда сифатига таъсир қилмаган ҳолда уйларни арзонлаштириш, муҳтож оилалар учун муносиб шарт-шароит, айниқса, молиявий қулайлик яратишга ҳам эътибор қаратилади. Уйларни барпо этишда Сирдарё тажрибасидан фойдаланилади.

«Илк меҳмонимиз — Президент!»

Юқорида Сардоба ҳамда Мирзаобод туманларида янги лойиҳа асосида 86 та беш қаватли уй қурилганини айтиб ўтдик. Бугун бу уйлар ўз эгаларига топширилмоқда. Хўш, у ердаги шароитдан аҳоли мамнунми?

— *Сув тошқинига қадар Мирзаобод туманидаги «Саховат» маҳалласида яшар эдик, — дейди Ғофуржон Усубалиев.* — Тақдир бизни бир синовдан ўтказди, бардошли бўлдик. Бизга ҳам янги барпо этилган «Янги Ўзбекистон» маҳалласидан уч хонали уй совға қилинди. Ҳамма шароити бор. «Биз бугун Тошкентда яшаймиз» деб ҳам ҳазиллашиб, ҳам жиддий айтамыз. Рост-да, ошхонамиздан тоза ичимлик суви оқиб турган бўлса, чироғимиз, газимиз узил-маса, ҳалол ризқ топса, яна нима керак?! Янги уйимиз ҳақиқий ўзбеккона услубда қурилгани билан жуда ёқди. Хоналар алоҳида, меҳмон келса ҳам хижолат бўлмаймиз. Алоҳида фахр билан айтишим керакки, уйимизнинг илк меҳмони Президентимиз бўлди.

— *Дарҳақиқат, бундай уйлар чуқур ва пухта уйланган бош режа асосида бунёд этилмоқда, — дейди Р.Ҳикматуллаев.* — Яъни бунда ўзбек оиласининг миллий анъаналари ҳисобга олинган. Хоналар шинам ва кенг, алоҳида-алоҳида. Коммунал тизимлар бўйича муаммо йўқ. Энг муҳими, уйлар арзон. Негаки, ундаги барча замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материалларнинг бирортаси четдан келаётгани йўқ. Ҳаммаси ўзимиздан чиқади.

* * *

Инсон зоти борки, ҳаётда ҳаммиша бахтли яшасам, дейди. Турмушининг фаровон бўлишини, орзу-ниятларининг ушалишини истайди, ҳеч кимдан кам бўлмасликка интилади. Шу маънода ўз уй-жойига эга бўлиш — ҳар бир инсоннинг ўзини бахтли ҳис қилиши, тўқин яшашида муҳим омиллардан биридир. Ўйлаймизки, янги лойиҳа асосида қуриладиган, бошқа уйлардан 30 фоизгача арзон бўлиши кутиладиган уйлар ҳам уларнинг айтиш эзу истакларини рўёбга чиқаришига замин яратади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Самарқандда 25 қаватли уй қурилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 1992 йилда ташкил топган. Ўтган 28 йил давомида компания монопол ҳуқуқларини сақлаб келди. Шу муддат ичида юртимизда на янги авиакомпания тузилди, на бундай тусдаги компания хориж мамлакатларидан жалб этилди. Фақатгина 2018 йил 27 ноябрдаги Президент фармони асосан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК негизда «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Uzbekistan Airports» АЖ ташкил этилди.



САМОЛЁТДА ФАҚАТ ПУЛИ КЎПЛАР УЧМАЙДИ...

Авиация монополиясига қачон чек қўйилади?

Рақобат бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат барчага аён, бироқ буни миллий авиакомпания вакиллари тан олгиси келмаяпти. Боз устига, рақобат муҳити йўқлиги сабабли фаолият самарадорлигини оширишни ҳам хоҳламаяпти. Йўқса, сўнги 10 йил давомида парвозлар сони атиги 15 фоизга ошганини нима билан изоҳлаш мумкин? Шунингдек, самолётларнинг кам миқдордалиги янги йўналишларни ўзлаштириш, парвозлар сонини кўпайтириш имкониятини ҳам чекламоқда. Парвозлар тоифасини танлашнинг мураккаб тизими эса хизматлар тўғрисида салбий тасавурларнинг шаклланишига олиб келаётир.

Монопол мавқе ва рақобатбардош бўлмаган нарх сиёсати шунга олиб келдики, авиачипталар нархининг сунъий равишда оширилиши натижасида фуқароларимиз Россия ва Туркия каби асосий йўналишларга Ўш (Қирғизистон) ёки Чимкент (Қозоғистон) шаҳарлари орқали учиганга мажбур бўлмоқда. Турли ҳисоб-китобларга кўра, бу — йилига миллион нафар йўловчи демакдир.

Нарх сиёсати туфайли мамлакат ичидаги авиаташувлар сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Очиги, бугунги кунда белгиланган

ички нархлар у даражада чўнтақбоп эмас. Масалан, Тошкентдан Қорақалпоғистонгача парвоз қилмоқчи бўлсангиз, йўлқиранинг ўзига 100 АҚШ долларидан кўпроқ маблағингиз бўлиши керак. Самолётда эса фақат пули кўплар учмайди...

Юқоридаги каби масалалар ўз-ўзидан соҳага «янги қон» зарурлигини кўрсатади. Бунга эса янги авиакомпаниялар ташкил этиш, хориж компанияларини жалб қилиш, зарур шарт-шароит яратиш орқалигина эришиш мумкин. Транспорт хизматларига бўлган талабнинг ўсиб боришини қондириш учун лоукостер компаниялар ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бунда уларнинг фаолият олиб бориши учун норматив таъминот талаб қилинади. Бу маҳаллий аэропортларга жон бағишлайди, меҳнат мигрантларининг ҳаётини хавф остига қўйиб, Қозоғистон чўллари орқали автобусда эмас, арзон нархларда яқин хорижга боришларига имконият яратади.

Нега лоукостерлар ташкил этилмаяпти?

Айтиш керакки, миллий авиакомпания 2018 йил бошида лоукостерлар очилиши ҳақида эълон қилганди. Бир йил ўтгач, мавжуд самолётлар парки билан лоукостер бизнес моделини амалга ошириб бўлмади, шу боис гибридавиаташувлар йўлга қўйилиши маълум қилинди. 2020 йил бошида эса Транспорт вазирлиги вакиллари Ўзбекистонда яқин 2-3 йил ичида камида 5-6 та авиакомпания очилишини таъкидлади. Мана, 2020 йил ҳам якунланяпти. Лекин лоукостер у ёқда турсин, бу — йўналишда қандай ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам ҳеч қандай расмий хабар берилмаяпти. Нега?

— Ҳақиқатан ҳам, миллий авиакомпания қошида лоукостер ташкил этишни режалаш-

тирган эдик, — дейди «Uzbekistan Airways» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Умид Хусанов. — Аммо режаларимизни қайта кўриб чиқиб, лоукостерни ташкил этмай туришга қарор қилдик. Айни вақтда компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқяпмиз. Бунда тариф сиёсатимизни ҳам қайта кўриб чиқамиз. Сир эмас, нархлар харажатларга боғлиқ. Пандемия доирасида биз таннарх тузилишини, харажатларни камайитиришни тўлиқ ишлаб чиқдик. Ҳозирда биз уйлаган аниқ чора-тадбирлар мавжуд. Ҳозир рақамларни эълон қила олмайман, аммо биз харажатларни камайитириш учун барча чораларни кўрдик. Умид қиламанки, пандемиядан кейин тўлиқ ишга тушганимиздан сўнг натижа бўлади ва чиндан ҳам, йўловчилар буни кўришади.

Лоукостерлар нима ва у қачон бизга кириб келади?

Лоукостерлар, бу — кам бюджетли, эксплуатация харажатлари паст бўлган авиакомпания бўлиб, унинг чипталари бошқа авиакомпанияларникидан анча арзон бўлади. Бундай авиакомпанияларнинг самолётлари беш юлдузли комфорт бўлмади мумкин, аммо парвозлар нархи кўпчилик учун ҳамёнбоп бўлади.

Лоукостерлар одатда йўловчи класс битта, сиғими унча катта бўлмаган самолётлардан фойдаланади, кўналға сифатида чекка аэропортларни танлайди, бортда максимал даражада пуллик хизматлар (овқатланиш, жой танлаш ва бошқалар)ни таклиф этади, катта авиакомпанияларни қизиқтирмайдиган нисбатан кичик шаҳарларга учеди. Бундан ташқари, лоукостерлар аэропортларга имкон қадар камроқ пул тўлаш учун «энг арзон» парвоз вақтини танлайди, ҳеч қандай қўнишларсиз «А пунктдан Б пунктга» таъминоти асосида парвоз қилади, бир самолёт бир кунда бир неча рейсни амалга оширади, авиакомпания ходимлари бир нечта турли вазибаларни бир вақтнинг ўзида бажаради.

Нима учун монополия йўқ бўлиши керак?

Хўш, нега ҳануз монополия сақланиб қолмоқда? Нега ҳалигача ташқи рақобатдан кўркамиз? Ваҳоланки, авиация монополиясига чек қўйилса, талай ижобий натижаларга эришиш мумкин. Жумладан, ташқи рақобат таъсирида авиакомпания ҳам янада ривожланиши, рақобатбардош бўлиши мумкин. Шунингдек, истеъмолчиларга танлаш имконияти яратилади ва улар ҳамёнбоп нархларда авиачипталар сотиб оладиган бўлади. Авиакомпаниялар миқдорларга ҳамёнбоп нархларда юқори сифатли хизмат кўрсатишни бошлайди.

Бундай ўзгариш туризм соҳаси кескин ривожланиши ва кўшимча иш ўринлари яратилишига олиб келади. Зеро, юқори нархда таклиф этилаётган авиачипталар сайёҳлик оқими ривождаги тўсиқлардан биридир. Европа тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, туристик оқимлар мавжуд ҳудудлар ва меҳнат мигрантларининг катта оқими ҳаракатланаётган масканларда арзон нархда хизмат кўрсатувчи авиакомпаниялар ривожланган. Тахминларга кўра, бундай компаниялар ўзбек авиабозорида йилига кўшимча 3-4 миллион йўловчини қамраб олиши мумкин.

Умуман олганда, лоукостерлар камдан-кам ҳолларда йирик авиакомпаниялар билан тўғридан-тўғри рақобатлашади. Одатда, уларнинг ўз йўриғи ва ўз аудиторияси бўлади. Европада лоукостерлар сон-саноксизлигига қарамай, йирик авиакомпаниялар ҳеч нарса бўлмагандек — аввал қандай ишлаган бўлса, шундай ишлашда давом этмоқда. Албатта, бу ўринда айримлар авиация либераллаштирилиши миллий авиакомпания учун зарба бўлиши ва кўпчиликнинг ишсиз қолишини тахмин қилиши мумкин. Лекин унутмаслик керакки, авиация монополиясини тугатиш орқали биз йўқотадиган нарсамиздан фойда кўрадиган ва ўрганадиган нарсамиз кўп бўлади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

«Uzbekistan Airways» АЖ тизимида юк ташишни ривожлантириш кўшимча даромад манбаи сифатида кўриб чиқилмаган. Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмида юк ташиш 0,03 фоиз улушни ташкил этади, бу эса жаҳон миқёсидаги 35 фоиздан анча паст бўлиб, юк ташиш салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатади.

Марказий банк олтин қўймаларни сотувга чиқарди.



КУНЛИК МЕХНАТ МАРКАЗЛАРИ: бандликни таъминлашга ёрдам берадими?

Инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири — меҳнат қилиш ҳуқуқидир. У шу орқали нафақат даромад топади, балки ўзини жамиятга, атрофдагиларга керакли эканини ҳис этади.

Меҳнат ҳуқуқи таъминланмаган...

Тан олиш керак, демографик ўсиш ҳолатига мос равишда меҳнат бозорига ҳам ҳар йили олдингига қараганда кўпроқ ишчи кучи кириб келяпти. Кўплаб завод ва корхоналарнинг ишга тушиши, ўзини ўзи банд қилиш амалиётининг йўлга қўйилгани, меҳнат ярмаркаларининг ўтказилаётгани маълум маънода бандликни таъминлашга ҳисса қўшаётган бўлса-да, бироқ ҳали-ҳануз, халқ тили билан айтганда, «мардикор бозорлари»га кўзимиз тушяпти.

Айни жараёнда эса яна бир қатор жиҳатлар юзага чиқадики, уларнинг ечими ҳали тўлиқ таъминланмаган.

Жумладан, кўп ҳолларда иш берувчилар томонидан арзимас сабабларга кўра хизмат ҳақини қисман ёки умуман бермаслик ҳолатлари учрайди. Ёлланма ишчилар деярли ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз фаолият олиб боради. Масалан, оғзаки келишувлар, меҳнат дафтарчасининг юритилмаслиги каби ҳолатлар унга пенсия ёшига етганда панд бериши тайин. Улар ўзларини суғурта қилдирмайди. Ваҳоланки, уй бузиш, дарахт кесиш, чуқур қовлаш, юк ташини каби кўплаб оғир ва хавфли ишларни бажаришади. Бу ҳолатларда жароҳат олиш эҳтимоли жуда юқорилиги барчага маълум. Даволаниш борасидаги имтиёз ҳақида эса гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

«Қайсидир ташкилот бизга ёрдам беришга мажбур, деб ҳисобламайман...»

Афсуски, ишсизлик муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этаётган айни пайтда «мардикор бозорлари»да аёлларни ҳам кўришимиз, оғир шароитларда меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ҳаётда қийналган, иш сўраб кўп эшикларга бош урган, ҳеч қандай натижа чиқмагач, мардикорлик қилаётган аёлларнинг кўлида касб-ҳунари йўқ, аксарияти маълумотсиз, муқим шахсий тураржойга эга эмас.

— Ҳўжайиним билан бирга

беш йилдан буён Чилонзорда мардикорлик қиламиз, — дейди сурхондарёлик Нилуфар исмли аёл. — Ижарада яшаймиз, ҳалол меҳнатимиз орқасидан болаларимизни ўқитяпмиз. Очиғи, бу йиллар давомида турли характердаги одамларни кўрдик. Кимдир ишла-тиб, пулини беришни истамаса, бошқа бири аҳволимизни эшитиб, уйдан-да жой беришга тайёр. Кимдир ёки қайсидир ташкилот бизга ёрдам беришга мажбур, деб ҳисобламайман. Бироқ озгина кўллаб юборишса, доимий ишимиз бўлса, ҳаётимизни изга тушириб олардик. Нима бўлса-да, фарзандларимиз биздек қийналмаслиги учун меҳнат қилгилар. Бу ишимиздан уялмаймиз.

Мардикор бозори, бу — меҳнат бозори. У ерга эҳтиёж доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бу меҳнат бозорини шунчаки тартибга солиш керак. Токи аёллар кўчада изиллаб иш изламасин. Пулини ололмаса, арз қилиш учун асоси бўлсин. Хуллас, бу аёллар меҳнатини муҳофазалаш керак. Бунинг учун эса арзимас шароит талаб қилинади: минимал жиҳозланган (ёзда салқин, қишда иссиқ) бино, бозорга кириш-чиқишни суратга олиб турадиган камера, турникет ва ишчи ёллаш билан шуғулланадиган фирмалар. Ҳўш, булар қачон жорий этилади?

Мазкур марказлар ишга туширилиши орқали иш изловчиларни рўйхатга олишда эскича ёндашувга барҳам берилади. Бўш иш ўринлари билан танишиш имконияти яратилади. Иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида мулоқот қилиш учун майдон юзага келади.

Маҳаллада янги лавозим жорий этилади...(ми?)

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг «Кунлик меҳнат марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси айни



Аутсорсинг хизмати йўлга қўйилади

мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳужжат билан Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari Кунлик меҳнат марказларига айлантирилади. Марказларда бир марталик ишга ёлланувчиларга меҳнат қуроллари ва махсус кийимлар берилади, уларнинг маънафати ҳимоя қилинади, иш топишда кўмаклашилади. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишига имконият яратилади.

— Бундан ташқари, «Mening ishim» буюртмалар биржаси онлайн-майдони ишга тушурилиб, унда ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолият турлари тўғрисида ҳамда буюртма берувчилар ҳақида маълумотлар эълон қилиб борилади, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги масъул ходими Раҳимжон Маҳкамов. — Шунингдек, мобил қурилмаларда ишлашга мўлжалланган махсус илова ишлаб чиқилади. Бир марталик ишлар тўғрисидаги кунлик маълумотлар ва ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолият турлари тўғрисидаги эълонлар онлайн майдон орқали бепул эълон қилинади.

Яна бир эътиборли жиҳат: эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинларида ишсиз, вақтинча ишини йўқотган, хорижга ишлаш учун кета олмаган ҳамда хориждан қайтиб келиб ишсиз бўлиб қолган, битирувчилар, шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг ишсиз аъзоларига манзилли ёрдам кўрсатиш ва бандлигини таъминлаш ишларида фуқаролар йиғинига кўмаклашиш учун «Бандликка кўмаклашувчи жамоатчи» жалб этилади.

Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,32 бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгиланади ҳамда иш ҳақи бўйича тўловлар Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, марказларда вақтинчалик иш билан таъминлашда аутсорсинг ва аутстаффинг хизматлари йўлга қўйилади.

— Аутсорсинг хизмати ташқи меҳнат ресурсларидан вақтинча фойдаланишни англатади, — дейди Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ойгул Сатторова. — Дейлик, фермер хўжалигига беш кунга чопиқ учун 50 нафар ишчи кучи керак. Шу вақт оралиғида фермер доимий равишда 50 кишини ишга ололмайди. Вақтинчалик ишга шартнома орқали қонуний ишчи олиш вақт ва ортиқча овозгарчилик талаб қилади. Шунинг учун фермер ноқонуний равишда вақтинча одам ёллашга мажбур бўлади. Аутсорсинг шароитида бу 50 кишини махсус ширкат фермерга етказиб беради. Беш кундан сўнг улар бошқа ишга йўналтирилади. Аутсорсингнинг афзаллиги шундаки, ишчилар мустақил иш изламайди ва бўш турмайди. Ўз навбатида, улар бу корхонада вақтинчалик эмас, балки доимий ишга олинади.

Умуман олганда, мазкур марказлар ишга туширилиши орқали иш изловчиларни рўйхатга олишда эскича ёндашувга барҳам берилади. Бўш иш ўринлари билан танишиш имконияти яратилади. Иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида мулоқот қилиш учун майдон юзага келади. Шунингдек, рўйхатдан ўтган иш изловчиларнинг зарурий иш қуроллари билан боғлиқ муаммолари барҳам топиб, меҳнат муҳофазасининг кафолатлинишига эришилади. Эътиборлиси, марказларда кўрсатиладиган барча хизматлар бепул бўлади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Абдуҳаким Ҳожибоев соғлиқни сақлаш вазири этиб тасдиқланди.

Ҳарбий врач қандай бўлишини йигитлар яхши билишади. Барчамиз ўсмирлик пайтимиздаёқ минг истиҳола, хижолат билан «войнкомат»-нинг айланма хоналаридан ўтганмиз. Қаттиққўл, ғазабнок докторларнинг саволларига жавоб берганмиз. Соҳанинг камчиликлари ва муаммолари ҳам йигитларга аён.

Ёдингизда бўлса, 1980 йиллар охири 1990 йилларда тиббий хулосага «негоден» тамғасини бостириш учун врачлар билан келишадиганлар кўп бўлган. Кейинроқ ҳарбийлик, хизмат имтиёзли соҳалардан бирига айланган, аксинча турли йўллар билан «годен» олиш учун урина бошланди. Бунинг оқибатлари ҳам барчамизга маълум. Рухияти ҳарбий тартиб ва қоидаларни кўтармай, хизмат пайти ўз жонига қасд қилганлар тўғрисида деярли ҳар йили эшитар эдик. Вазият 2012 йилдан соҳага жиддий эътибор қаратила бошлангач ўнгланди. Тизим қатъий назоратга олинди.

Юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Ҳарбий тиббиёт факультети ташкил этилгани бу борадаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 22 октябрдаги «Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур факультет негизда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилаётгани тизимни янги босқичга кўтарди, албатта. Мавзу юзасидан Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Абдувоҳид АЗИМОВнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Дарҳақиқат, мазкур қарор билан ҳарбий шифокор кадрлар тайёрловчи академиянинг очилиши назарда тутилаётгани соҳа зобитларини тайёрлаш ва малакасини оширишдек улкан мақсад йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди Абдувоҳид Азимов. — Ҳарбий тиббиёт соҳаси соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим бўғини саналади. Чунки Ватан посбонларининг жанговар шайлигида саломатлик асосий ўринда туради. Шундай бўлса-да, бугунгидек пандемия шароитида ва фавқулодда ҳолатларда унинг оқибатларини бартараф қилишда иштирок этадиган, ташкилий-профилактика ишларини олиб борадиган тор доирадаги юқори малакали ҳарбий тиббиёт мутахассисларга эҳтиёжимиз бор эди.

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ бугунги кун талабларига жавоб беряптими?



Президентимиз қарорига мувофиқ ташкил қилинаётган Ҳарбий тиббиёт академияси айнан Қуролли Кучларни малакали ҳарбий тиббиёт ходимлари билан бутлашни янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятлидир.

Ҳарбий врачлар тайёрловчи алоҳида муассаса йўқ эди

Миллий армиямиз ташкил этилган дастлабки даврларда кўшинлар тиббий таъминотида кўпдан-кўп муаммолар мавжуд бўлган. Шулардан энг асосийси — вакант лавозимларни тўлдириш масаласи эди.

— Йиллар давомида бу муаммо ҳал этилди, — дейди Абдувоҳид Азимов. — Бу борада, албатта, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультетининг муносиб ҳиссаси бор. Шундай бўлса-да, тизимда ҳарбий тиббиёт мутахассисларининг узлуксиз касбий тайёргарлигини таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, кўникмаларини замонавий талабларга мослаштиришнинг амалий тизими жорий қилинмагани, яъни факультетда тор доирадаги мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмагани энг катта муаммоларимиздан бири эди. Мутахассисларнинг етишмаслиги, малака ошириш тизимининг яхши йўлга қўйилмагани эса ўз-ўзидан тиббий хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилади. Юқоридаги қарор мазкур масалаларга ижобий ечим бўлди. Қарор шу жиҳати билан ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Хужжатга кўра, эндиликда Ҳарбий тиббиёт академиясининг курсантлар таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларининг Даволаш факультетининг 5-курс ва янгилик сифатида Тиббий профилактика факультетининг 4-курс

талабалари қабул қилинади.

Таълим қандай ташкиллаштирилади?

Қарорга кўра, академияда ўқиш икки йиллик бўлиб, икки босқичли ҳарбий тиббиёт ўқув дастури асосида амалга оширилади. Шундан биринчи йили бакалаврият, иккинчи йили ҳарбий интернатурадан иборат бўлади. Ҳарбий интернатуранинг ўзига хослиги — у ерда Қуролли Кучлар учун тор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Таълим жараёнига халқаро стандартларга асосланган илғор педагогик ва инновацион тиббиёт технологиялари, замонавий ўқув дастурлари жорий этилади.

Академиянинг бакалаврият босқичини тамомлаган курсантларга тиббий хизмат лейтенанти ҳарбий унвони ва ҳарбий врач дипломи берилди. Ҳарбий интернатурани битирганларга эса тиббий хизмат катта лейтенанти ҳарбий унвони ва тегишли мутахассислик берилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома берилди.

Илмий изланишлар учун шароит яратилади

Қарорга кўра, эндиликда республикамиздаги ҳарбий тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳарбий шифокорлар тор доирадаги мутахассисликларни эгаллаб, малакасини оширмоқчи бўлса, академиянинг клиник ординатура, магистратурасида таҳсил олиши мумкин. Илм йўлидан кетаман, илмий тадқиқот билан

шуғулланаман, деган илмий-педагог кадрлар эса докторантурада ўқишлари мумкин. Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали академиянинг ўқув ва клиник базаси, шунингдек, асосий таъминот маркази ҳисобланади.

— Бундан ташқари, қарорга биноан, Ҳарбий тиббиёт академияси тузилмасида Ҳарбий тиббиёт илмий-тадқиқот институти ҳам ташкил қилинмоқда, — дея гапини давом эттирди Абдувоҳид Азимов. — Мазкур илмий-тадқиқот институтининг ташкил қилиниши ҳарбий тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга, ютуқларга ва шу билан бирга, юқори самарадорликка эришишга йўл очади. У айнан бугунги давр учун гоёат муҳим аҳамиятга эга. Чунки институтда санитария-эпидемиологик манбалар, ҳодисалар, омиллар ва биологик хавфсизлик тўғрисидаги қарашларнинг шаклланиши илмий жиҳатдан ўрганилади, биологик таҳдидларга тезкор жавоб қайтарадиган самарали тизим яратилади ва ривожлантирилади.

Шунингдек, институт биологик хавфсизлик соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш, аҳоли ва шахсий таркибнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий асосланган ишланмаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, таҳдидларга қарши илмий асосланган мажмуавий тадбирларни ишлаб чиқиш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Ҳамма гап устозларда

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий тадқиқот фаолиятига шартнома асосида етакчи миллий ва хорижий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва экспертлари жалб этилади. Халқаро тажриба ўрганилади. Аминмизки, янги қарор ҳарбий соҳада кадрлар тайёрлаш масаласида мавжуд айрим камчиликларнинг барҳам топишига хизмат қилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Самарқандда МДХга аъзо давлатлар
Қуролли Кучлари Штаб бошлиқлари учрашди.



Кузнинг салқин кунлари бошланиши билан олис ҳудудларда яшовчи аҳоли қишда уйини иситиш, бир қумғон сувни қийналмай қайнатиш чорасини излай бошлайди. Негаки, кўпгина ҳудудларга табиий газ етиб бормаган. Электр тармоғида ҳам тез-тез узилишлар кузатилади. Кўп ҳолларда эса муқобил энергия — суюлтирилган газ ва кўмир ўз вақтида етказиб берилмайди. Куз-қиш мавсуми бошланишидан олдин берилган ваъдалар кўпинча айтилган куниек унутилади, гўё.

Биргина мисол: юртимизга куздаги ilk совуқ оқим кириб келиши билан табиий газнинг босими пасайиб кетгани ҳақида хабарлар тарқала бошлайди. Шу билан бирга, вилоятларда суюлтирилган газни етказиб бериш билан боғлиқ муаммолар ҳам аён бўлмоқда. Хўш, бундай масалалар қачон ўз ечимини топади? Табиий газни етказиб беришдаги муаммоларни бирдан ҳал этиб бўлмас экан, суюлтирилган газ билан таъминлашдаги қинғирликларни тартибга солиш шунчалик мушкулми?

Сенаторлар нимадан норози?

— Ўрганишлар, табиий газ қувурлари тизимининг аҳволи, тармоққа оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ушбу соҳада қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар ҳали ҳам сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда, — дейди Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов. — Таъкидлаш керакки, 766,4 км. узунликдаги газ қувурлари ўз вақтида алмаштирилмаган ва ҳозирда уларни тўлиқ алмаштириш, капитал таъмирлаш зарур. Агар ушбу қувурларни зудлик билан алмаштириш бўйича чоралар кўрилмаса, табиий газ йўқотилиши кундан-кунга ортиб боради. Бундан ташқари, «Худудгазтаъминот» АЖ тасарруфидаги 16,7 минг км. ерости пўлат газ қувурларини электрокимевий ҳимоя қилиш учун жами 1305 та ҳимоя воситалари ишлатилди. Ушбу воситалар ҳар 2-3 км. масофада ишлатилишини ҳисобга олсак, атиги 2610 км. ерости пўлат газ қувурлари ёки 16 фоизи электрокимевий ҳимоялангани аниқ бўлади. 14,1 минг км. ерости пўлат газ қувурлари умуман ҳимояланмаган.

Энди ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ ҳам онлайн назорат қилинадими?



Тўғри, 25-30 йил олдин ётқизилган газ қувурларини алмаштириш имконсиз. Бироқ газ қувурларини фойдаланишга яроқли ҳолатда сақлаш бўйича ҳам чоралар кўрилмаган. Шунингдек, турли ҳудудлардан суюлтирилган газ билан таъминлаш борасидаги камчиликлар акс этган мурожаатлар сони ошиб бораётти. Уларда етказиб беришда муддатнинг узоклиги, айрим ҳудудларда белгиланган нархдан юқори маблағ йиғилаётгани, газ миқдорининг камлиги каби муаммолар акс этган.

Хўш, бундай мурожаатлар қанчалик ҳақиқатга яқин? Агар бу ҳақиқат бўлса, ушбу муаммо қачон ўз ечимини топади? — Бугунги кунда халқимизни суюлтирилган газ билан таъминлашда ҳам қатор муаммолар юзага чиқиб қоляпти, — дейди Қ.Бурҳонов. — Жумладан, 2020 йил январь-февраль ойларида «Худудгаз Тошкент» МЧЖ томонидан тасдиқланган тарқатиш режасига биноан, Ўрта Чирчиқ минтақасининг ҳар бир оиласига ойига 20 кг. суюлтирилган газ берилиши керак эди. Бироқ ҳар бир оилага атиги 12,2 кг.дан газ етказиб берилган. Афсуски, бундай мисоллар талайгина.

Нега газ чеклови жорий этилмоқда?

Таъкидлаш керак, 1 ноябрдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, ресторан ва кафелар учун табиий газдан фойдаланишга чекловлар жорий этилди. Бунда муқобил ёқилғи турларига (суюлтирилган газ, кўмир ва бошқалар) босқичма-босқич ўтиш дастури амалга ошириляпти.

— Хўжалик юритувчи субъектларнинг амалдаги шартномала-

рида куз-қиш даврида газ етказиб беришга чекловлар киритилиши кўзда тутилган бўлиб, шунинг учун ҳам улар муқобил ёқилғи манбаларига эга бўлишлари керак, — дейди «Худудгазтаъминот» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Абдусамат Саидвалиев. — Шу маънода айни кунларда пойтахтнинг юқори босимли газ қувурларига уланган йирик улгуржи истеъмолчилари «Худудгазтаъминот» АЖдан аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига газ етказиб бериш барқарорлигига таъсир кўрсатмаслик учун уларни «саноат коллектори»га ўтказиш тўғрисида хабарнома олган. Олдинда йилнинг совуқ мавсуми турибди, демакки, табиий газ таъминоти узилишларсиз ва керакли ҳажмда, биринчи навбатда, аҳоли хонадонлари, шифохоналар ва таълим муассасаларига етказиб берилиши керак.

Муаммонинг ечими борми?

— Албатта, ҳар нарсанинг вақти ўтганидан сўнг таъмирлаш ишлари бўлади, — дейди «Худудгазтаъминот» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари в.б. Баҳодир Ваҳобов. — Тан олиш керак, айрим ҳудудларда суюлтирилган газ билан таъминлашда узилишлар бўлди. Суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи заводлар ҳар ой профилактика ишларини олиб боради. Яъни янги технологияларни жойлаштириш, линияларни очиш каби ҳолатларда узилишлар бўлади. Ҳозирги кунда бундай узилишларни бартараф қилганмиз. Шунингдек, жойлардаги масъулларнинг ўз ишига панжа орасидан қараши ҳам турли тушунмовчиликларга сабаб бўляпти. Энди бунга ҳам тўла барҳам берилди.

ДАРВОҚЕ...

ID-картада барча маълумотлар кўриниб туради. Бу билан энди нарх-наво ни асоссиз ошириш муаммоси бўлмайди. Шу билан бирга, бу тизимда газ баллон тарқатиш оралиғи 45 кун бўлса, 45 кун ичида фақатгина бир марта пул ечиб олинади. Яъни 45 кун ичида иккинчи бор газ баллон олишнинг имкони бўлмайди. Автоматлаштирилган тизимда белгиланган маблағ тегишли муддатда ечиб олинади. Яъни ҳайдовчи экспедитор ва таъминотчи ходимлар томонидан газ баллон учун қўлдан нақд пул олинишига йўл қўйилмайди.

Бунда суюлтирилган газнинг аҳоли хонадонларига тез ва сифатли етказилиши учун ID-карталарни жорий этилди. Шу орқали газнинг охириги истеъмолчига етиб борганича бўлган вазият назоратда туради. Суюлтирилган газни етказиб берувчи техник машиналар қачон қайси кўчани газ билан таъминлаб келаётганини онлайн равишда кўриб туради.

Айтиш керакки, бунда 17 та рақамдан иборат махсус ёрликлар ҳар бир маиший газ баллонига ўрнатилади ва телефон орқали «E-gaz» дастурига киритилади. Бу орқали дастурда газ баллонининг маълумоти шакллантирилади. Ҳар бир ID-карта рақами бир истеъмолчига бириктирилади. Ушбу дастурдан маҳалла ва улардаги истеъмолчиларга бириктирилган ID-карталар танлаб олинади.

Хулоса ўрнида

Доимо соҳадаги ижобий ўзгаришлар ҳақида айтилади, аммо ҳаётда ушбу янгиликларнинг акси яққол кўзга ташланмайди. Умид қиламизки, бу йилги куз-қиш мавсумига кўриляётган чоралар, ўзгаришларни юртдошларимиз ўз ҳаётида ҳис этадилар. Зеро, ҳозиргидек пандемия даврида қуруқ ваъда бериш билан кутилиб кетиш мумкин эмас.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»



Сифатли дори-дармонлар қўллашни рағбатлантириш плюс дастури доирасида АҚШ Ўзбекистон ҳамкорлик қилади.

ОДАМ

САВДОСИ:

БМТ ҳисоботларига кўра, ҳозирда дунё бўйлаб ҳар йили 2,7 миллион киши одам савдоси қурбонига айланяпти. Шунингдек, глобал миқёсда 40 миллиондан ортиқ киши мазкур иллатнинг замонавий кўринишларидан азият чекмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар борлиги эса ачинарлидир.

Тан олиш керакки, мамлакатимиздан чет элларга ишлаш учун меҳнат мигранти сифатида кетадиганларнинг кўпчилиги, уларни муҳофаза қилиш тизимининг яхши ишламаслиги ва бошқа қатор сабабларга кўра, мазкур ҳолат билан боғлиқ нохушликларни тез-тез эшитиб тураемиз. Ҳўш, Ўзбекистонда бу борада вазият қандай?

3 марта сотиб юборилган аёл

Албатта, Ўзбекистонда мазкур масала айрим Африка мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё давлатларидаги сингари ўткир муаммо ҳисобланмасда, одам савдоси қурбонлари учраб турибди.

— Марказимиз Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашишда кўмаклашувчи жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади, — дейди Республика «Истикболли авлод» ижтимоий-ахборот маркази психологи Дилфуза Аҳмедова. — Жорий йилнинг ўтган даврида марказимизга 1604 та турли йўналишларда мурожаатлар келиб тушган бўлса, шулардан 18 тасида фуқаролар одам савдоси қурбони бўлганини маълум қилган. Мурожаатлардаги 6 та ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатирилган. Биргина мисол: хоразмлик Зарина Худойбердиевани (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уч марта ўз яқинлари сотиб юборган. Биринчи марта уни ўз онаси 7 ёшида бошқа бир фарзандсиз оилага сотади. Уни асраб олган ўқитувчи аёл қизчани етти йил тарбиялайди. Лекин хасталик сабаб дунёдан ўтгач, қизини ҳақиқий онаси олиб кетади ва ўз хушторларидан бирига иккинчи марта ҳам катта пулга сотиб юборади. Бир ҳафтадан сўнг эса қиз янги «эгаси» қўлидан Жиззах шаҳрига қочиб келиб, тўйларда раққосалик қила бошлайди.

Озроқ вақт ўтиб, рафиқаси оламдан ўтган катта ёшли эркек билан шаръий никоҳ асосида яшайди. Аммо ҳомиладорлигининг еттинчи

муаммо нега барҳам топмаяпти?



ойига борганда, эрининг фарзандлари уни ўйдан чиқиб кетишга мажбур қилишади. Шундан сўнг, Зарина бошқа бир форишлик аёл билан танишиб, унинг алдовлари асосида ўша ердаги хонадонлардан бирида фоҳишалик қилишга мажбурланади. Телефони, паспорти, боласининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси тортиб олинади. Яхшики, ёш жувон ўз жонига қасд қилиш даражасига етиб бораётганида вазият бошқа томонга ўзгариб кетди. Зарина бир йил мобайнида биринчи марта ташқарига — Жиззах шаҳрига чиқади.

Имкониятдан фойдаланиб, одамлардан телефон сўраб, ички ишлар органига аҳоли тўғрисида хабар бера олади. Зарина ва унинг фарзанди Жиззах вилояти «Аёллар реабилитация ва ижтимоий мослашув» марказига жойлаштирилиб, айбдор саналган қатор шахсларга нисбатан жиноий иш очилди. Ҳозирда ваҳшийлар чангалидан қутқариб олинган аёл касбга ўқитилмоқда.

Аниқ статистика мавжуд эмас...

Бутун дунёда одам савдосига қарши кураш авжига чиққан, тарғиботлар тинмаётганига қарамай, у билан боғлиқ муаммолар барҳам топмаяпти. Халқаро ташкилотлар ҳисоботларида одам савдоси масаласида баъзи давлатлар бошланғич, баъзилари транзит ёки сўнгги манзил сифатида кўрилиши айтилади. Масалан, ҳозирда одамлар камиди 127 та мамлакатдан «сотувга чиқмоқда» ва улар 137 давлатда эксплуатация қилинмоқда. Бу дунёдаги барча мамлакатлар у ёки бу даражада мазкур ўргимчак тўрининг бир қисмига айланиб бўлганидан дарак беради.

Шу билан бирга, мазкур муам-

монинг аниқ кўламини билиш жуда қийин, зеро, жиноий фаолият яширин содир этилади. Аниқ статистика мавжуд эмас. Халқаро даражада одам савдоси қурбонларининг атиги 0,04 фоизигина аниқланган бўлиши мумкин, холос.

Одам аъзоларини сотиш мазкур «бизнес»нинг ўта шафқатсиз турларидан бири ҳисобланади. Масалан, ўтган йили Қозоғистон Республикасида ана шундай разил иш билан шуғулланувчи йирик жиноий тўда устидан суд бўлиб ўтган эди. Энг ачинарлиси, жиноий тўда қурбонлари орасида Ўзбекистон фуқаролари ҳам бўлган.

Ҳисоботларда таъкидланишича, айни турдаги жиноятлар одам савдосининг 1 фоизидан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этади. Жиноятчилар йилига 600 миллиондан 1,2 миллиард долларгача даромад кўришмоқда.

Одам савдосида фақат бир кишигина айбдор эмас...

Ҳозирда Ўзбекистонда, асосан, чақалоқлар ва болалар савдоси билан боғлиқ жиноятлар фош этилмоқда. 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар олдинги йилга нисбатан 22 фоизга камайган бўлса-да, чақалоқлар савдоси 38 фоиздан 43 фоизгача ошган.

— Одам савдосида фақатгина аёллар ёки бир киши айбдор эмас, — дейди Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева. — Масалан, чақалоқлар билан боғлиқ ҳолатларнинг 30 фоизидан кўпроғида тиббиёт ходимларининг аралашуви мавжуд. Унга шароит яратиб бераётган, шу нарсага ундаётган муҳит ҳам борлиги маълум. Бундай ҳолат ўзбек жамияти учун мутлақо

ДАРВОҚЕ...

Жиноят кодексининг 135-моддасига кўра, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар ушбу ҳаракатлар ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

хос эмас. Шунинг учун бу масалага бошқача ёндашишимиз керак.

Болафурушлар камаймаяпти...

Афсуски, Ўзбекистонда чақалоқлар савдосига оид кўплаб ҳаётий мисоллар мавжуд: 2019 йилда чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар 72 нафар шахс томонидан содир этилганди. Жорий йил статистикаси ҳали ошкор қилинмаган бўлса-да, кузатилган ҳолатлар аҳвол яхши томонга ўзгармаганидан далолат беради.

Масалан, шу йилнинг июнь ойида Сардоба туманида яшовчи аёл бир ойлик чақалоғини 18 минг АҚШ долларига сотаётган вақтда қўлга олинди. Пахтачи туманида яшовчи жувон эса боласини 3 миллион сўмга баҳолаган. Фарғонада 1 ёшли фарзандини 1,5 минг долларга сотаётган шахслар қўлга тушган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, одам савдосига қарши кураш бора-бора аҳолининг турли қатламлари, айниқса, аёллар ва вояга етмаган шахсларга мазкур иллатнинг фаровон турмуш-ҳаётимизга соладиган хавфи ва салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, яъни аҳоли гавжум жойларда, маҳалларда, турли таълим муассасаларида, давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилотларда тарғибот ишларини олиб бориш, кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш асосий вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Тахририятимизга Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Мушкент» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 60 ёшли Шоди Раҳимовдан шикоят хати келди. Унда айтилишича, йиғин раиси Отабек Бойсариев сўнгги пайтларда фуқароларнинг арзу додларига мутлақо кулоқ солмай қўйган.

Моддий ёрдам учун ажратиётган маблағ ночор оилалар қолиб, аксарият ҳолларда ўзига тўқ хонадонларга берилмоқда. Йиғин ҳудудида бир пайтлар ташкил этилган сартарошхона, новвойхона ва пойабзал тузатиш устaxonаси каби хизмат кўрсатиш объектлари сабабсиз ёпиб қўйилган ва хоказо...

Хатда келтирилган фактларни ўрганиш мақсадида мазкур маҳаллада бўлиб, Шоди Раҳимов, Отабек Бойсариев, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбарлари ҳамда маҳалла аҳли билан учрашдик.

Ҳозирда инспектордан сўнг юролмай, тўшакка миҳланиб қолган Шоди ака қарийб 10 йил давомида мазкур маҳаллага раҳбарлик қилгани, аммо ҳеч бир кимса унинг ҳолидан хабар олмайётгани, йиғин раиси кўп ҳолларда муҳим масалалар бўйича фаоллар билан маслаҳатлашмаётгани, ёрдам пули ва нафақа тайинлашда адолат тамойили бузилаётгани ҳақида куюниб гапирди.

— Маҳалладан бирор киши келармикан, аҳволимни сўрармикан, деб туну кун эшикка термилиб ётаман, — дейди Ш.Раҳимов. — Ахир, ўша ерда 10 йил умрим ўтган, ҳамма вақт одамларнинг дарду ташвиши билан яшаганман, энди кераксиз одамга айланиб қолдимми? Раис ҳар замонда мендан маслаҳат сўраб турса, асакаси кетадимми? Менга унинг моддий ёрдами эмас, озгина эътибори керак, холос. Агарда соғайиб кетсам, йиғин қошидаги бирорта жамоатчилик комиссиясига раҳбарлик қилмоқчиман.

Ҳамма ўзича ҳақ...

Бизнинг ташриф буюрганимизни эшитиб, Шоди Раҳимов ётган хонага маҳалладошлар, хотин-қизлар кириб келишди.

— Ўғилларим ишсиз, икки келин, неваралар билан қийналиб кун кўряпмиз, — дейди Фазолат Қодирова. — Невараларим учун нафақа пули сўраб, маҳаллага мурожаат қилдим. Аммо раис ёрдам бермади.

— Мен ҳам моддий ёрдам сўраб, бир неча бор йиғин раисига мурожаат қилдим, лекин у киши ҳатто эшитишни ҳам истамайди, — дейди Норпўлат Баҳодиров. — Ҳеч кимга ёрдам бермайдиган маҳалла раисининг бизга нима кераги бор?

Хўш, Ш.Раҳимов ва унинг ҳамқишлоқлари нимага маҳалла раиси-

Нега ОДАМЛАР

маҳалла раисидан норози?



дан норози бўляпти?

— Ўзингиз биласиз, ёрдам пули, болалар учун нафақалар ажратиш масаласи битта раиснинг ўзига боғлиқ эмас, бу борадаги аризаларни йиғин қошида тузилган махсус комиссия белгиланган меъёрлар асосида кўриб чиқади, — дейди «Мушкент» йиғини раиси Отабек Бойсариев. — Қолаверса, юқорида шикоят қилган аёлларнинг боқувчиси бор, айримларининг томорқаси катта. Комиссия нафақа тайинлашда шуларнинг барчасини инобатга оляпти.

Шу орада етиб келган туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Насим Ҳусанов гап нима ҳақда кетаётганини билгач, масалага ўз муносабатини билдирди.

— Бу ерда, назаримда, кўпроқ маҳалла раиси айбдорга ўхшаяпти, — дейди у. — Шунинг учун бўлим мутахассисларидан иборат махсус комиссия тузиб, бу муаммони атрофлича ўрганиш, айбдорларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўришни таклиф қиламан.

Н.Ҳусановнинг гаплари йиғилганларга, шикоят муаллифи Ш.Раҳимовга ҳам унчалик хуш келмади, шекилли, уларнинг бири олиб, бири қўйиб, яна эътироз билдира бошлади. Бошлиқ ўринбосари махсус комиссия йиғин ҳудудидаги барча кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларнинг томорқаси, яшаш шароити, даромадларини ўрганиб, кейин бир хулосага келишни айтганидан сўнг эса арзчилар нимагадир бирдан жимиб қолишди.

— Кўрдингизми, бу одамларнинг ўзларида ҳам айб бор, — деди Н.Ҳусанов. — Чунки улар орасида меъёридан ортиқ томорқага ёки бошқа бир даромад манбаига эга бўла туриб, яна маҳалладан ёрдам пули талаб қилаётганлари ҳам анчагина. Яна бир гап. Ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда фуқаролар йиғини ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини амалга ошириш ҳам талаб даражасида эмас.

Кимга қандай чора қўрилди?

Орадан бир ҳафта ўтиб, Шоди Раҳимовнинг шикоятига келтирилган фактлар масаласи қандай ечим топганини, кимларга қандай чора қўрилганини билиш мақсадида яна Насим Ҳусанов билан боғландик. Унинг айтилишича, айна пайтда туманда пахта йиғим-терими қизгин бораётгани туфайли одамларни ишдан қолдирмаслик мақсадида махсус комиссиянинг ўрганиши бироз кечиктирилган. Аммо бу масала бўлимда муҳокама қилиниб, йиғин раиси Отабек Бойсариевга огоҳлантириш берилган. Маҳалладаги муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг мурожаатларини ўрганиб чиқиш учун раисга бир ой муҳлат берилган. Шундан сўнг бу масала мазкур йиғиннинг ўзида, фаоллар иштирокида батафсил муҳокама қилинади.

Йиғиндаги ҳозирги муҳитни аниқлаш, юзага келган вазиятни юмшатиш учун раис нималар қилаётганини билиш учун Отабек Бойсариевга сим қоқдик.

— Ш.Раҳимов ва бошқаларнинг эътирозлари асосида фаоллар иштирокида фаолиятимни қайта кўриб чиққанимдан сўнг, вазият ижобий томонга анча ўзгарди, —

дейди у. — Ҳозир йиғин ҳудудида илгари кимнингдир айби билан ёпилиб қолган новвойхона ва сартарошхона қайта очиш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлар ҳисобидан саховат кўрсатиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўряпмиз. Шоди ака билан эса бундан буён «устоз-шоғирд» бўлишга келишдик. Ҳафтада бир марта у кишининг олдида бориб, маслаҳатларини оляпман.

Қарс икки қўлдан...(ми?)

Мазкур шикоят хатини ўрганиш жараёнида бир ҳақиқатга амин бўлдикки, бир пайтлар халқ хизматида бўлган, эл дарду ташвиши билан яшаган, ҳозирда эса кексайиб, кучдан қолган собиқ раҳбарлар, оқсоқоллар, кўпни кўрган меҳнат фахрийларини эътиборсиз қолдирмаслик, уларнинг ҳолидан хабар олиб, маслаҳатларини тинглаб туриш лозим экан. Чунки доим одамлар орасида юрган кишилар бирдан ёлғизланиб қолишса, ўзларини унутилгандек, чеккага суриб қўйилган кераксиз буюмдек ҳис қиладилар. Натижада сал нарсадан асабийлашиб, ортиқча шикоятбозликни келтириб чиқаришади.

Юқоридаги ҳолатга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бу вазиятда маҳалла раисининг ҳам, амалдаги меъёрий ҳужжатлардан беҳабар бўлган айрим фуқароларнинг ҳам айби бор. Ана шу беҳабарлик боис баъзи одамлар оиласида бироз етишмовчилик юзага келса, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ўрнига дарров маҳаллага қараб чопишади. Ваҳоланки, маҳалла соғин сугир эмас. У ҳаммага бирваракайига ёрдам бера олмайди. Раиснинг айби шундаки, ана шу оддий ҳақиқатни у одамларга тўғри тушунтириб бера олмаган. Бунинг устига, унинг олдида ёрдам сўраб келаётган фуқароларнинг арзларини кўпинча охиригача эшитиб, уларга керакли маслаҳатларни бермаган.

Бир сўз билан айтганда, бу вазиятда қарс икки қўлдан чиққан. Хайриятки, йиғин раиси ўз хатоларини тушуниб етди, Шоди Раҳимов эса бизнинг ташрифимиз туфайли маҳаллада соғлом муҳит шакллана бошлаганини, одамларда раҳбарга ишонч уйғонаётганини таъкидлади.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



Озиқ-овқат саноати уюшмаси раиси вазифасига
Баҳодир Умиршайхов тайинланди.

Нега лоқайдлик ортидан

ОДАМЛАР

САРСОН бўлиши керак?

Кейинги йилларда халқимизнинг давлат идораларига бўлган ишончи янада ошди. Бунга одамлар дардига кулоқ тутиб, мурожаатларга ўз вақтида эътибор қаратилётгани асосий сабаблардан бири бўляпти. Аммо ҳамон давлат идоралари халққа хизмат қилиши кераклигини тўла тушуниб етмаган ёки бунинг уддасидан чиқа олмаётган мутасаддилар учраб турибди. Қорақалпоғистон Республикасининг олис ҳудудларида ечимини кутаётган долзарб масалаларнинг кўплиги ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

«Таъмирлаш ишлари қўл учидан бажарилган»

Тахририятимизга Тахياتош туманидаги «Халқлар дўстлиги» маҳалласида истиқомат қилувчи юртдошларимиздан келган мурожаатда ҳам айнан оддий аҳолини қийнаётган муаммолар ҳақида сўз юритилган. Мазкур ҳолатни атрофлича ўрганиш мақсадида маҳаллага бориб, одамлар дардига кулоқ тутдик.

— Йиллар давомида уйлари-миз таъмирталаб бўлиб қолган эди, — дейди ҳудуддаги 13-уйда яшовчи Эльмира Торебаева. — Шу яшловнинг томини ёпиш, йўлакларни таъмирлаш, уй олдида пиёдалар йўлакчаси, болалар майдончасини қуриш, кўча чиқроқларини ўрнатиш ишлари 2017 йилда бажарилди. Бироқ бугун ушбу юмушларнинг қай даражада амалга оширилгани барчага аён бўлиб қолди. Оддий мисол: болалар майдончаси сифатсиз жиҳозлар сабаб хароб аҳволга келиб қолди. Ўтган уч йил ичида йўлакча ер билан тенглашиб, айрим жойлари кўмилиб боряпти. Уй йўлакларининг ҳам фақат ички томони оқланган, эшиклар эса бундан 30 йил олдин қурилган ҳолича қолиб кетган. Агар ёмғир сал кўпроқ ёрса, эшик ва ертўла деразасидан сув кириб, ичкари қўлга айланади. Бизни қийнаётган оғриқли масалалардан яна бири — канализация билан боғлиқ. Мана, бир ойдан бери ертўладаги

канализация қувури ёрилиб, «подвал» сувга тўляпти. Ширкат вакиллари келиб, бир-икки марта насос орқали сувни торттиришди, лекин икки кун ўтгач, яна шу аҳволга тушиб қолди. Мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Униси-унга, буниси-бунга бор дейди, лекин масалани ҳал қилиб берадиган масъул йўқ.

Айтиш керакки, туман марказидан олисда жойлашган ҳудуддаги кўп қаватли уйлар ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Уйлар орасига кириб борар экансиз, бу ердаги ҳолат, атрофдаги манзара кишини ранжитади. Яқин йилларда манзилда ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган, деган таассурот уйғонади. Аҳоли ҳам тозалик ишларига унчалик эътибор қаратмаган. Биринчи қаватда яшайдиган айрим фуқаролар ноқонуний равишда эшик, темир панжаралар билан уйи атрофини ўраб олган. Ён-атрофни эса ёввойи ўтлар босиб ётибди.

Уйлардан 20-30 қадам нарида турли ноқонуний, тартибсиз қурилиш ишлари олиб борилган. Атроф эса чиқинди билан тўла. Бундан 5-6 ой олдин кучли ёмғир натижасида 5-уйни электр билан таъминлайдиган «щит» қисқа туташув сабаб ишдан чиққан. Туман электр таъминоти муаммони ечишнинг осон йўлини топиб, уни 13-уйдаги тармоққа улаб қўйган. Энг ёмони, бунинг оқибатида 13-уйнинг ташқи бурчагида ҳаёт учун хавфли бўлган электр симлари очик ҳолатда қолиб кетган. Уйлар олди зах босиб ётибди.

Муаммо бизнинг чегарадан нарида

Мазкур муаммони ўрганиш жараёнида туман уй-жой коммунал

хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси Камол Бектаев ва мазкур уйларга масъул «Қурилишчи» ширкати раҳбари Омонбой Аллабергенов етиб келди.

— Ширкатимизга 10 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 368 та хонадон аъзо, — дейди А.Аллабергенов. — Ҳар куни шу ердаман. Муаммони бартараф этиш учун ҳаракатдамиз. Биз уйларнинг канализация-

сигача бўлган ораликка масъулмиз. Ундан нариёғи бошқа ташкилотга тегишли.

Айтишларича, уй ёнидаги «колодец»гача, яъни унинг бир томонига туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими жавобгар экан. Ўйлашимизча, бу муаммо бизга тегишли эмас, дейишга асос бўлмаслиги керак. Негаки, айнан шу масала ширкатга аъзо бўлган хонадон эгаларига салбий таъсир қиляпти. Бундай лоқайдлик, менинг вазифамга кирмайди, деган ёндашув мазкур хонадонларда юзага келаётган муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилишига тўсқинлик қилиши шубҳасиз. «Колодец»нинг бир томони билан иккинчи томони орасидаги масофа эса бир метр ҳам чиқмайди. Аммо мутасаддилар унга қўшни давлат чегарасидек муносабатда бўлади.

— Мазкур муаммони бартараф этиш бўйича туман сув таъминоти бўлимига топшириқ берилган, — дейди К.Бектаев. — Негадир улар масалани ҳал этишни пайсалга солиб келмоқда. Тез орада муаммони бартараф қиламиз.

«Қувурлар эскирган...»

Қизиқ, туман ҳокимлиги томонидан топшириқ берилсаю, сув таъминоти бўлими муаммони бартараф этишга киришмаса?! Ширкат раҳбари эса насосда сув торттириш билан овора. Шу тариқа муаммонинг асл сабаби ечимсиз қоляпти. Мурожаатни ўрганиш вақтида туман сув таъминоти бўлими мутахассислари билан боғланишнинг имкони бўлмади. Аммо кейинроқ бўлим бошлиғи Шавкат Ёқубов биз билан боғланиб, мазкур вазият ҳақида маълумот берди.

— Дарҳақиқат, Тахياتош тумани-

«Колодец»нинг бир томони билан иккинчи томони орасидаги масофа бир метр ҳам чиқмайди. Аммо мутасаддилар унга қўшни давлат чегарасидек муносабатда бўлади.

да канализация билан боғлиқ муаммолар мавжуд, — дейди Ш.Ёқубов. — Марказий канализация қувури 1956 йилда қурилган. «Халқлар дўстлиги» маҳалласидаги канализация эса 1976 йилда тортилган ва, табиийки, қувурлар эскирган. Айни пайтда битта гуруҳ мазкур муаммони бартараф этишга юборилди. Шу ҳафтанинг ўзида 45 метр ораликка янги қувур тортирилиб, марказий канализация линиясига уланади.

Ш.Ёқубовнинг таъкидлашича, Жаҳон банки кредити ҳисобидан 2021 йилда Тахياتош туманида 33 километр масофадаги канализация қувурларини реконструкция қилиш режалаштирилган. Бунинг натижасида туманда ушбу соҳадаги барча муаммолар ечимини топади.

Хулоса ўрнида...

Ҳудуд аҳолиси билан учрашган чоғимизда, улар мутасаддиларга кўп маротаба мурожаат қилиб, натижага эриша олмаганини айтишган эди. Вазиятни ўрганишга боришимиз билан мурожаатга эътибор қаратилди. Бу бизни қувонтирди, албатта, аммо ўйлантирадиган жиҳат шундаки, масала ҳал этилиши учун оддий одамлар ОАВга мурожаат қилиши шартми? Шундоқ ҳам вазифаси ҳисобланган ишни бажариш учун одамлар шунчалик сарсон бўлиши нима учун керак? Бу каби саволлар туғилар экан, муаммонинг ечими учун бошланган ҳаракатлар фақат хўжақўрсинга бўлмаганига ишонгимиз келади. Умид қиламизки, ушбу эзгу амал ўз вақтида амалга ошади ва одамларни қийнаб келаётган муаммо тез орада бартараф этилади. Биз эса мавзуга яна қайтаемиз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



Ўзбекистон 2180 тоннадан
ортиқ ёнғоқ экспорт қилди.

Бугун аҳоли муаммоларига ечим топиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига ҳисса қўшиш ҳар бир мутасадди ходимдан масъулият талаб этади. Афсуски, жойларда бу вазифани унутган, ё бўлмаса, бунга панжа орасидан қараётган масъуллар ҳам йўқ эмас. Навоий вилояти Навбахор тумани маҳаллаларида бўлиб, одамларни қийнаётган ана шундай муаммолар билан танишдик.

«Янгийўл»нинг йўллари янгиладими?

Навахор туманидаги «Янгийўл» маҳалласини оралаб юрарканмиз, машҳур хонанданинг «Чанг кўчалар» кўшиғини эсладик. Ҳофиз бу кўшиқни куйлаганига чорак аср бўлди, чамаси, лекин, афсуски, ҳамон ўнқир-чўнқир, ёзда чанг, қишда лой кўчалар йўловчилар таъбини хира қилмоқда. Дарвоқе, маҳалланинг номи «Янгийўл»! Аммо худуднинг «эскидан қолган», яъни йиллар давомида яхши-ёмоннинг пойига поёндоз бўлган ички йўллари ачинарли аҳволда.

— Ички йўллارни таъмирлашга ёрдам сўраб, депутатимиз Рустам Ҳайитовга кўп марта мурожаат қилганман, — дейди маҳалла фаоли Мехринисо Адизова. — Бироқ натижа бўлмаган. Депутатларнинг ўзи бу йўллардан юрмайди-да. Сайлов арафасида кўринишади, холос. Хусусан, 12-мактабгача таълим муассасасига борадиган йўлнинг аҳоли ачинарли. Ҳеч бўлмаса, болажонларимиз боғчага борадиган йўлни эпакка солиш керак. Симёғоч ва трансформаторлар эскилиги боис шамол бўлса ёки ёмғир ёғса, чироқ ўчади, баъзида икки-уч кунлаб ёнмай ҳам қолади. Авария ҳолатидаги ток узаткичлар одамлар ҳаёти учун хавфли. Аммо мутасаддилар бунга сира эътибор қилишмаяпти.

Мехринисо опа билан суҳбатимиздан сўнг янгийўлликлар умиду ишонч билан бир овоздан сайлаган депутат Рустам Ҳайитов билан телефон орқали боғланиб, сайловчининг эътирозини етказдик.

— Шаҳарда яшасам-да, ўзим ҳам шу қишлоқда улғайганман, ота-онам «Янгийўл» маҳалласида яшади, — дейди Рустам Ҳайитов. — Шу боис бу қишлоқнинг обод бўлишини чин дилдан истайман. Кўни кеча сайловчилар билан учрашув ўтказдим. Қишлоқдошларим ҳақиқатан ҳам носоз йўллар ҳақида ҳақли эътирозларини билдиришди. Навбахор тумани ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юбордим. Ички

кўчаларни таъмирлаш бошланди, десам ҳам бўлади. Асфальт қилинмаса-да, таъмирталаб кўчаларга, жумладан, болалар боғчасига борадиган йўлга шағал ётқизилади. Шунингдек, маҳалла кўчаларига йўл белгилари ҳам ўрнатилмапти.

Масъуллар нима дейди?

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Рустам Ҳайитовнинг «маҳалла ички йўллари таъмирлаш бошланди» мазмунидаги жавобидан бирмунча таскин топган бўлсак-да, мазкур ҳолат бўйича Навбахор тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Лазиз Йўлдошевнинг ҳам фикрини билмоқчи бўлдик.

— Биз жамоамиз билан пахта йиғим-теримидамиз, йўллар ҳақидаги барча саволингизга кейинроқ жавоб беришим мумкин, — дейди у. — Бугун сизга маълумот беришга вақтимиз йўқ.

Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг жавобидан англадикки, пахта йиғим-терими мавсуми тугагунча «Янгийўл»нинг йўллари обод бўлмайди. Шундан сўнг электр энергияси таъминоти борасидаги муаммоларга изоҳ



излаб Навбахор тумани электр таъминоти корхонасида бўлдик.

— «Янгийўл» маҳалласи худудидаги трансформатор ва симёғочлар ҳақиқатан ҳам маънан эскирган, — дейди корхона раҳбари Тохир Курбанов. — Бироқ ҳозир таъмирлаш ишлари кетаётган худудлардаги симёғоч ва трансформаторлардан тузукроқ. Бу маҳаллада чироқ ўчиб туриши ҳам рост. Лекин ҳеч қачон 2-3 кунлаб ўчмаган. Авария ҳолатлари бўлганда, зудлик билан чора кўрилиб, бартараф этилади.

ҚИШЛОҚДАГИ МУАММОЛАР

масъуллар эътиборидан четда. Нега?



«Янги куч»да кучлилар яшайди!

— Биз томонларда иродаси бақувват, кучли инсонларгина яшайди, — дейди Навбахор туманидаги «Янги куч» маҳалласидан Наргиза Собирова. — Айниқса, қишда қийин бўлади. Чунки табиий газ етиб келмаган. Ойда бир бериладиган суюлтирилган газни ош-овқат тайёрлаш учун сарфлаймиз. Иситиш эса ўтин ва кўмир билан. Яхши кўмир ҳам анқонинг уруғи. Маҳалланинг ёрдами билан арзонроқ нархда олганимиз қиш яримламай тугайди. Кейин кунимиз ўтинга қолади. Қишлоғимиз қирнинг тағида жойлашгани боис қиш ҳам қаттиқроқ келади, уйларни ўтин билан иситиш мушкул. Йўлларимиз ҳам абгор ҳолатда. Ёгингарчилик бўлса, ботқоққа айланади. Бугунги ҳаётни интернетсиз тасаввур қилиш қийин, ҳамма тезкор ахборотга ўрганипти. Маҳалламизда эса мудом антенна йўқ, интернет тугул, телефонда суҳбатлашиш мушкул. Шунингдек, маҳаллада мактабгача таълим ташкилоти ҳам мавжуд эмас.

Наргизанинг эътирозларини тинглагач, «Янги куч» маҳалла фуқаролар йиғини сари йўл олдик. Маҳалла раиси Хуршид Эшназаровнинг айтишича, худудда аввал боғча бўлган, бироқ бир муддат талаб бўлмагани боис кимошди савдосига кўйилиб, сотиб юборилган. Бугун у тўйхонага айлантирилган. Жорий йилда давлат-хусусий шерикчилик асосида боғча қурилиши режалаштирилганди, бироқ бунга ҳам пандемия халақит берди. Туман мактабгача таълим бўлими мутасаддилари эса келгуси йилда боғча қурилишини айтишган.

«Бир келиб кетинг қишлоғимизга...»

Навахор тумани қишлоқларидаги муаммо фақат йўл, электр энергияси, табиий газ ёки боғчадан иборат эмас. Худудда аҳолига

сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Жумладан, «Қоражон» ва «Қизил ой» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси худуддаги қишлоқ врачлик пунктлари ёпилганидан норози.

— Биз ва кўшни «Қоражон» маҳалласидагилар «Кескантерак» йиғинида жойлашган қишлоқ оилавий поликлиникаси хизматидан фойдаланамиз, — дейди «Қизил ой» маҳалласидан Сабоҳат Жўраева. — Йўл олислигидан ташқари, поликлиника биноси тор, бир хонада тўрт нафар мутахассис шифокор хизмат кўрсатади. Бу шифокорларга ҳам, беморларга ҳам ноқулайлик туғдиради. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида муассаса йўлаклари ва хоналарида одам гавжум бўлиши яхши эмас.

— Кейинги пайтда аҳоли ўртасида турли касалликларга чалиниш кўпайгани боис оилавий қишлоқ поликлиникаларида одам йиғилиб қолишига сабаб бўляпти, — дея вазиятга изоҳ беради туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Нажмиддин Шодиев. — Худуд шифокорлари билан суҳбатлашиб, тушунтирдик, улар имкони борича, хонадонма-хонадон юриб, асосан, чақириқлар асосида беморларни текширади. Зарур ҳолатлардагина беморлар поликлиникага келади. Оилавий қишлоқ поликлиникаларидаги вазиятни ҳозирча фақат шу йўл билан яхшилашимиз мумкин.

Мақоламиз аввалида машҳур кўшиқни элаган эдик. Келинг, кейинги йилларда анчайин «хит» бўлган яна бир кўшиқни ёдга олайлик: «Бир келиб кетинг қишлоғимизга...» Йўқ, бу гал келсангиз, «Обод қишлоқ»ни мақтамаймиз, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқларимизда ҳали муаммолар бир талай...

Холбиби САҒАРОВА
«Mahalla»

Нега БУГУНГИ КУН рассомларини танимаймиз?

Халқимиз доимо даҳо санъаткорларни улғайтирган. Хусусан, Камолдин Бехзод даҳоси билан танилган рассомчилигимиз кейинчалик Раҳим Аҳмедов, Ўрол Тансиқбоев, Рўзи Чориев каби қатор ижодкорлар сабаб дунё маданий цивилизацияда ўз ўрнини мустаҳкамлади. Хўш, бугун-чи, худди ўша устоз ижодкорлар каби катта санъаткорлар борми?

Ўзбек рассомчилигидаги ижодий жараён қай аҳволда? Нега рассомларимиз асарлари халқаро даражага чиқмаяпти? Айни саволларга жавоб топиш учун Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон давлат сатира театри рассоми Эркин ОРОЛОВни суҳбатга чорладик.

Сатира театрига нега томошабин кам киради?

— Буни аниқ сабаб билан изоҳлаш хато бўлади, — дейди Э.Оролов. — Театрга томошабиннинг кам келишига сабаб бўлаётган, бир-бирига боғланиб кетган жуда кўп омиллар бор. Масалан, сатира театри сахнасида телевидение ёки санъат саройларидаги каби енгил-елпи кулги намойиш этилмайди. Бу театрда чинакам санъат асари даражасига чиққан ҳажвий асарлар сахналаштирилади ва шундай бўлиши шарт! Бундай ҳажвий англаш, унинг замиридаги фалсафани тушуниб етиш учун кулиш эмас, мушоҳада қилиш зарур. Афсуски, бугун аксарият замондошларимиз кишини ўйга толдирадиган, мулоҳазага чорлайдиган асарларга унчалик эътибор бермайди. Негаки, улар енгилроқ ҳазм бўладиган, бир марта кулса, арзийдиган томошаларни хуш кўради.

Бу билан фақат томошабин айбдор демоқчи эмасман. Тан олиш керак, бугун театрда намойиш этилаётган барча сахна асарларини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Қолаверса, театрнинг шаҳар чеккасида жойлашгани, унинг рекламаси билан боғлиқ ҳолатлар ҳам бор.

Шунингдек, ўша енгилроқ ҳисобланган кулги билан чинакам санъат асарининг олтин ўрталигини топиш керак. Бунинг учун закий, қолипларни ёриб чиқишдан чўчимайдиган режиссёрлар бўлиши зарур. Негаки, санъат қолига сиғмайди ва айни дамда маълум меъёрларни бузиб



ўтиш мумкин эмас. Зукко ижодкор эса ўша олтин ораликни топа олади.

Рассомчилик халқимизга ҳеч қачон бегона бўлмаган

— Ҳамма замонларда ҳам рассомлар унчалик машҳур бўлмаган. Тўғри, ҳали фото кашф этилмаган даврларда рассомларга эътибор кучлироқ бўлган. Шунда ҳам мухлислар юқори табақадаги инсонлар бўлган. Уларнинг ҳам айримлари учун тасвирий санъат ҳашам, ўзининг мавқеини кўз-кўзлаш воситаси бўлиб хизмат қилган.

Тарихга назар соладиган бўлсак, бу санъат халқимизга ҳеч қачон бегона бўлмаган. Биргина Зараутсойдаги қадим чизмалар шундан шаҳодат беради. Аммо бугун бизнинг ҳаёт тарзимиз мутлоқ бошқа томонга бурилиб кетди. Ҳозир гурунгларида бозордаги нарх-наво ҳақида сўзлаймиз, болаларимиз эса телефон ўйини билан банд. Бошқа вақтларда эса турмуш тарзимизни янада яхшилаш, кўпроқ пул топиш, болаларимизга каттароқ моддий мерос қолдириш ҳақида қайғураемиз. Дунёнинг ана шундай ташвишлари билан банд бўлган миямизда санъатга аталган жой кам қолган, эҳтимол, умуман йўқдир. Шунинг учун ҳам бугун дунё тан олса арзийдиган катта рассомларимизни саноклигина ижодкорлар ва тор доирадаги мухлислардан бошқа ҳеч ким танимайди. Албатта, тасвирий санъат асарларининг чинакам мухлислари, картинани дилдан



ҳис этадиган юртдошларимиз ҳам бор, аммо улар саноклигина.

Одатда сафарларга борганимизда оддий одамлар орасида юраемиз. Шундай вақтларда устоз рассомларимиз уларга таниш бўлган манзараларни чизганини кўриб, ҳайратланганига гувоҳ бўлганмиз. Қишлоқнинг оддий одамлари кўзидан картинани ҳис этганини биласиз ва беихтиёр қадим қоятошларни ўйиб, расм чизган ажодларимиз кўз олдингизга келади. Бу санъат бизга бегона эмаслигига, юрагимизнинг энг чуқур жойида яшаб келаётганига амин бўласиз.

«Санъат миллатнинг маънавий қиёфасидир»

— Юқорида таъкидланганидек, Европада юқори табақадаги шахслар сабаб тасвирий санъат ривожланган. Улар подшоҳлар, амалдор бойлардан олган катта буюртмалари эвазига кун кечириб баробарида санъат ривожига ҳисса қўшган. Бугун ҳам худди шундай буюртмачилар бор. (Юртимизда ҳам, дунёда ҳам!) Аммо аксарият буюртмачиларнинг савияси унчалик баланд эмас. Шу боис рассомлар уларнинг диди билан ҳисоблашиб ишлашга тўғри келяпти.

Рассом харидор топиб, картинани хорижга сотса, божхонадан ўтказиш муаммо бўлмайди. Лекин бошқа давлатларда кўрғазма ташкил этиш, уларда қатнашишда муаммога дуч келади. Кўрғазмада иштирок этиш учун камида 20-30 та картина олиб чиқиб кетиш керак. Уларни божхонадан ўтказиш



учун ҳар бирига маълум миқдорда пул тўлаш лозим. Бундан ташқари, йўлда юк пули ҳам қўшилади. Бунинг барчаси яхшигина сармоёга бориб тақалади. Шу боис бугун ижодий ишлари етарлича баҳосини топа олмаётган ижодкорларимиз бор. Агар уларга моддий жиҳатдан қандайдир рағбатлантириш бўлса, санъатнинг янада ривожига ҳисса қўшилган бўларди. Умуман, санъатни кўпроқ рағбатлантириш зарур. Негаки, санъат миллатнинг маънавий қиёфасидир.

Кўрғазмалар қай аҳволда?

— Юртимизда ўтказиладиган кўрғазмаларда ҳам сезиларли ўзгаришлар қилиш фурсати етган. Яна бир гап: пойтахтимизнинг Сайлгоҳ кўчасида, асосан, энди ижодга қадам қўяётган талабалар, бошқалардан картиналарни сотиб олиб келган юртдошларимиз жой олган. Катта ижодкорлар бундай аҳволда кўчага чиқиб ўтириши ҳеч бир қолипга тўғри келмайди. Шунинг учун бундан ўн йилча илгари рассомлар бирлашиб, сайёҳларни ўзига жалб этиш учун битта жойдан устахона қилмоқчи эди. Аммо бу ташаббус ўша вақтда амалга ошмади.

Бугун юртимизда туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида хориждан келадиган меҳмонлар ҳам кўпайди. Бундан бадий тасвирий ривожлантиришда ҳам унумли фойдаланиш зарур. Агар рассомларнинг ўн йил олдинги орзуси амалга ошса, устоз ижодкорларимизнинг асарларининг хорижга сотилиши кўпайган бўларди. Умуман олганда, бугун ижод қилаётган устоз ижодкорларнинг қадрига етишимиз, фарзандларимиз қалбидан санъатга муҳаббатни янада кучайтиришимиз керак. Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор, фақат ундан тўғри фойдалана олсак бўлди.

«Mahalla» мухбири
Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.



Миллий театр янги
мавсумни бошлади.

БОШ

АЙЛАНИШИ

ҲАЁТ УЧУН
ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

Турган жойида қалқиб кетиш, атрофдаги буюмлар ўзи билан бирга ҳаракатлангандай, чирпирак бўлиб айлангандай бўлиши ҳар бир инсонга таниш ҳолат бўлса керак. Чунки бош айланиши — тез-тез учраши бўйича бош ва белдаги оғриқдан кейинги ўринда турадиган шикоятлардан биридир.

Ҳар қандай киши бир маротаба бўлса-да, бош айланишига дуч келади. Айниқса, катта ёшли инсонларни шифокор қабулига боришга мажбур қилувчи энг асосий сабаблардан бири ҳам айнан шу ҳолатдир. Бош айланишини ҳар ким ўзича талқин қилади. Кўпинча халқ орасида бош айланишини қамқонликдан ёки қон босими кўтарилган бўлиши мумкин, дея ташхислаш урфга кирган. Ҳўш, аслида ҳам шундайми?

Бош нега айланади?


Бош айланиши чарчоқ ва беҳузурликнинг тўсатдан пайдо бўлувчи аломати бўлиб, бунда инсонга уни ўраб турган олам атрофида айланаётгандек туюлади. Бунда мия билан ички қулоқдаги вестибуляр аппарат орасидаги алоқа бузилади. Натижада мия фазодаги назоратни йўқотиб, танани фазода бошқара олмай қолади. Баъзан бош айланишида қайт қилиш маркази ҳам таъсирланади. Одатда, бу узилиш бир неча сонияларга тенг бўлади.

Бош айланиши ҳар қандай ёшдаги кишида кузатилиши мумкин, аммо кексаларда тез-тез учрайди — 70 ёшдан ошган одамларнинг 20 фоизгача бўлган қисми бу муаммага дуч келишади. Катта ёшлилар ўртасида аёллар эркаларга нисбатан кўпроқ азият чекишади. Агарда алкогольдан заҳарланиш, дори воситаларининг ноҳўя таъсири, сувсизланиш, қизиб кетиш ёки иссиқ уриши, автомобиль, поезд ёки кемада сайр қилиш, камқонлик, қонда қанд миқдорининг пасайиб кетиши, қон босимининг тушиб кетиши, бирданига кўп жисмоний машқ-

лар бажариш, қулоқ инфекцияси касалликлари туфайли бош айланиши қисқа давом этса, одатда, зарарсиз бўлади.

Қайси касалликлар аломати ҳисобланади?

Бош айланиши жиддий касалликларнинг аломатлари ҳам бўлиши мумкин — аритмия ва инсультдан тортиб, саратонгача. Шу боис бош айланишининг турларини ажратиш жуда муҳим. Дейлик, бошнинг тез-тез ва узоқроқ айланиши қулоқнинг жиддийроқ касалликларида (вестибуляр нервнинг вирусли инфекциялари, лабиринтит) учрайди. Бундай бош айланишига беътибор бўлмаслик керак. Чунки бу ҳолатда касаллик белгиларсиз бошланиб, инфек-



циянинг мияга ўтиб кетиш хавфи юқори бўлади.

Бирданига ҳолсизлик, кўриш ёки эшитиш, нутқнинг бузилиши билан кечадиган бош айланиши ҳам бор. Бундай ҳолат инсультни билдиради. Агар беморнинг нутқи ўзгариб, юз симметрияси бузилса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Чунки инсульт касаллигида бутунлай тузалиб кетиш тахминан 16 фоизга тенг, қолган 84 фоиз ҳолатда беморнинг ўлими ёки ногиронлик билан тугалланади.

Ўтирган жойдан турилганда қисқа вақтга ортостатик бош



ДАРВОҚЕ...

Халқ таботати нима дейди?

Саллагул (пион) илди-зи — туйилган илдиздан бир чой қошиқ бир стакан қайноқ сувга солинади, иссиқда бир соат тиндирилиб, сузгичдан ўтказилади. Кунига 4-5 марта бир қошиқдан ичилади. Ёки бир чой қошиқ туйилган илди-зи 300 грамм спиртга солиниб, иссиқ жойда 7 кун тиндирилади. Сузгичдан ўтказилади. Кунига 3 маҳал 25 томчидан ичилади.

Арча нинабарглари бир стакан қайнатилган сувга солиниб, бир соат димлаб қўйилади. Сўнгра сузгичдан сиздириб олинади. Тайёр дамламага яримта лимон арчиб тўғралади. Ушбу дамлама эрталабки наҳорда нонуштагача ва нонуштадан сўнг 1 соат ўтиб ичилади. Муолажа 3-4 ой давом эттирилади.

айланиши кўп учрайдиган ҳолат. Кўпинча у организмда суюқлик етишмаслиги билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли куннинг иссиқ вақтларида кўпроқ суюқлик ичиш керак. Агар сизда сувсизланиш йўқ бўлиб, ортостатик бош айланиши бўлса, сизда юрак ритмининг бузилиши ёки юрак етишмовчилиги бўлиши мумкин.

Яна шундай бош оғриқлари бўладими, уларга мутлақо чидаб бўлмайди. Бундай ҳолатда мигрен ташхиси қўйилиб, бундай беморларда ўтиб кетмайдиган бош айланишлар бўлади. Бу ҳолат инсульт ёки инфаркт келтириб чиқариши билан ҳам хавфлидир. Бош айланиши билан бирга кучли бош оғриқлари, юришнинг қийинлашиши ва йиқилиш, кўнгил айниши ва қусиш, хушдан кетиш,

нафас олишнинг қийинлашиши, бўйин мускулларининг тортишиши ва талвасалар кузатилса, албатта, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Даволаш мумкинми?

Бош айланиши алоҳида касаллик бўлмай, 80 дан зиёд турли хасталикларнинг аломати ҳисобланади. Ва айнан шунинг учун тўғри ташхисни аниқлаш узоқ вақт талаб қилади.

Яхши сифатли бош айланиши ўз-ўзидан ўтиб кетади ва ҳеч қачон қайтмайди. Ноқулайлик ҳиссини енгиллаштириш учун бир неча дақиқа ётнинг. Ҳужумдан сўнг секин, мулойим ва эҳтиёткорлик билан ҳаракатланишга урининг, тез-тез дам олинг ва сув ичишни унутманг — бу сувсизланишнинг олдини олишга ёрдам беради. Чекиш ва алкогольдан воз кечинг. Агар инсон соғлиғида жиддий муаммо бўлса, бош айланиши бир неча соатдан кейин ёки бир неча кундан кейин қайталади.

Агар бош айланиши бир дақиқадан кўпроқ давом этса ва мунтазам равишда такрорланса, терапевт ёки невролог кўригига бориш керак. Ҳар бир ҳолатда ўз вақтида ташхис қўйиш ва малакали маслаҳатчининг тавсияси муҳим. Қоидага кўра, бош айланиши ўз-ўзидан ёки асосий касаллик даволангандан кейин йўқолади ва шу вақтгача шифокор ноқулайликдан халос бўлишга ёрдам берадиган дори-дармонларни буюриши мумкин. Ўтиб кетмайдиган бош айланишларида терапевтга мурожаат қилиш керак. Компьютер томограмма ёки магнит-резонанс томограмма каби текширувларни шифокор белгилаб бергандан кейингина амалга ошириш зарур, ўз билганича кўриқлардан ўтиш тавсия этилмайди.

Энг муҳими, бош айланишининг сабабини топишдир. Бу эса касалликни даволаш имконини беради. Кимда бош айланиши такрорланса, даврий ёки доимий характерга эга бўлса, албатта, шифокорга мурожаат қилиб, тўлиқ текширувлардан ўтиши лозим. Шундагина муолажалар самара беради.

Сабоҳат ШОРАСУЛОВА,
олий тоифали шифокор,
невропатолог.



Дунё бўйича коронавирустга чалинганлар
45 миллион кишидан ошди.

ТЕРИ касалликларига нима сабаб бўлади?

Маълумки, тери бутун инсон танасини қоплаб турувчи аъзо бўлибгина қолмай, балки барча ички аъзолар билан узвий боғлиқ ҳолда, қатор муҳим вазифаларни бажаради. Одамнинг соғлиғи юрак-қон томир, асаб, ошқозон-ичак тракти, эндокрин тизими билан бир қаторда, терининг функцияси ва хусусиятига ҳам боғлиқ.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда тери касалликлари билан хасталанган беморлар сони аҳоли орасида кўпайиб бормоқда. Айниқса, бунда тери аллергия касалликлари, псориаз, яъни қипиқли темирлатки, витилиго, алопеция (соч тўкилиши), хуснбузар касалликлари кўп учрамоқда. Турли ички ва ташқи омиллар тери касалликларининг нисбатан оғир кечишига сабаб бўлади. Хусусан, организм иммун тизимининг бузилиши, мода алмашинуви, нейро-эндокрин касалликлари, экологик омиллар, алиментар, асабийлашиш, шу билан бирга, бемор томонидан назоратсиз дори воситаларини қабул қилиш касалликларнинг ривожланиши ва оғир шаклларига ўтиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Темирлаткини стресс ҳолати келтириб чиқарадими?

Баданда қизғиш рангли, тери сатҳидан кўтарилиб турувчи доғ бўлса, билингки, бу псориаз касаллиги (қипиқли темирлатки) аломатидир. Бу доғ атрофида ачишиш, қичишиш ва оғриқ кузатилади. Баъзан эса тирноқлар шикастланиши, бўғимлар яллиғланиши ҳам мумкин. Псориаз касаллиги гоҳида терининг механик шикастланиши ёки таъсирланиши, тери юзасининг қирилиши, ҳар хил совун кукунларини кўп ишлатиш, турли кимёвий эритмалар билан ишлаш, терининг ўта қуруқ бўлишидан келиб чиқади. Стресслар — жисмоний ва руҳий зўриқишлар, бошдан ўтказилган стрептококкли инфекциялар, ўткир ва сурункали касалликлар, айрим дори воситаларининг ноҳўя таъсири ҳам унга сабаб бўлиши мумкин. Касаллик, одатда, териси қуруқ,



юпқа, таъсирчан одамларда кўп учрайди. Аксинча териси ёғли, тери эластиклиги юқори одамларда деярли учрамайди. Шу боис касаллик, асосан, аёлларда кузатилади. Бунинг олдини олиш учун, аввало, беморга парҳез таомлар тавсия қилинади. Овқатланиш рационидан дудланган махсулотлар, шоколад, турли қовурилган махсулотлар, спиртли ичимликлар, қаҳва ва шакар олиб ташланади. Рационни нордон сут махсулотлари, яъни кефир, қатиқ, янги узилган барра кўкатлар, олма, балиқ гўшти билан бойитиш керак. Овқатлар қайнатилган, димланган ҳолда истеъмол қилинади. Ювенилда болалар учун мўлжалланган совундан фойдаланиш керак.

Касаллик келиб чиқмаслиги, агар псориаз билан хасталанган бўлса, даволаш самарали бўлиши, қайта безовта қилмаслиги учун спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, тамаки чекмаслик, ортиқча вазндан халос бўлиш тавсия этилади. Шунингдек, тўғри овқатланиш, соч учун мўлжалланган бўёқлардан фойдаланмаслик, косметика ва парфюмерия воситаларидан воз кечиш лозим. Энг асосийси, маиший-кимёвий воситаларидан узоқроқ бўлиш керак.

Учуқ нима учун чиқади?

Статистик маълумотларга кўра, ер юзидаги 80-90 фоиз киши герпес вирусининг ташувчиси ҳисобланади. Лабга учуқ тошиши ана шу вируснинг кўзғалиши натижасида юз беради. Организмдаги касаллик вируси иммунитет ҳимояси сустлаши билан дарҳол фаоллашиб, кўпая бошлайди. Шу тариқа вируснинг «уйғониши» лаб ёки тананинг бош-

қа аъзоларида тошма тошиши билан намоён бўлади. Кўриб турганингиздек, асосий омил иммунитет бўляпти.

Лабнинг энгил ачишиши, қичишиши ва шишиб қолгандай туюлиши учуқ дарагидир. Одатда, бундай белгилар бир неча соатдан суткага қадар давом этиши мумкин. Агар тошма аломатлари сезилган заҳоти даволаш чоралари кўриلسа, лабдаги яллиғланишнинг олдини олиш мумкин. Аксарият ҳолларда кўрқиш, совуқ қотиш, шамоллаш, гиповитаминоз ҳолатлари ҳам вирусларни кўзғатиб, оддий учуққа сабаб бўлади.

Лабдаги герпес тошмасига кўл билан тегиниб, сўнг бошқалар билан сўрашганида (агар ўша одамнинг кўл терисида бирор очик жароҳат бўлса), шахсий гигиена воситаларидан умумий фойдаланиш, камдан-кам ҳолатда эса ҳаво томчиси йўли билан юқиши мумкин.

Тери касалликлари наслдан-наслга ўтадими?

Терининг ирсий касалликлари генодерматозлар деб аталади. Ҳозир унинг 200 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улар бутун тери касалликларининг 10 фоизини ташкил этади. Уларга ихтиоз, туғма буллёз эпидермолиз, Дарье касаллиги, кератодермиялар, альбинизм, энтеропатик акродерматит касаллиги ва бошқалар қиради. Ушбу касалликлар маълум бир генга боғлиқ бўлиб, наслдан-наслга ўтади.

Касалликнинг келиб чиқишида қариндошлар ўртасидаги никоҳ, онанинг ҳомиладорлик вақтидаги турли хил генитал ва экстрагенитал хасталиклар билан оғриши сабаб бўлади. Шунингдек, наслдан-наслга ўтадиган тери касалликларига тери аллергия касалликлари туркумига кирувчи — атопик дерматит ҳам мисол бўла олади. Ушбу касаллик генетик-детерминациялашган тери касаллиги бўлиб, терининг яллиғланиши, қичиш ҳолати билан кечади.

Хасталикка чалинмаслик учун нима қилиш керак?

Тери касалликларига чалинмаслик учун терини тўғри парвариш қилиш, тери гигиенасига риоя

ДАРВОҚЕ...

Дерматоонкология ҳозирги замонавий тиббиётда ривожланиб келаётган соҳалардан бири бўлиб, ушбу соҳа касалликка ўз вақтида, эрта, замонавий илғор тиббиёт диагностикаси усуллари билан, яъни шу ўринда молекуляр-генетик текшириш усуллари, цитологик, фотодиагностика, иммуногистохимия, гистоморфологик ва бошқа усулларини қўллаш асосида фойдаланган ҳолда аниқ ташхис қўйиш, зудлик билан даво чораларининг кўришига ва касалликнинг олдини олиш учун аҳоли орасида тиббий маданиятни оширишга қаратилган.

қилиш, тери касалликларини ўз вақтида шифокор назоратида, асоратларсиз, тўғри даво муолажасини олиб бориш, қуёш нуридан сақланиш ва қуёш нуридан тўғри фойдаланиш, терини турли хил жароҳатлардан ҳимоя қилиш, билиб-билмасдан терида пайдо бўлган нуқсонларни шифокор кўригисиз даволамаслик зарур.

Илмий изланишлар натижасида шу нарса фанга аниқ бўлдики, инсон қанчаллик тўғри ва соғлом овқатланса, нафақат соғлиғи яхшиланади, балки териси ҳам кун сайин чирой очади. Организм, биринчи навбатда, оқсил ва витаминларга тўйинган бўлиши зарур. Албатта, микроэлементларнинг ҳам тери соғлом нур сочишида ўз ўрни бор. Йод, селен, магний, цинк, мис, кальций, калий ҳам меъёрида бўлиши шарт.

Мунтазам фаст-фуд истеъмол қилиш, ёғли овқатлар меъёрини билмаслик, ширинликларни палапартиш ейишлик ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилишига олиб келади. Озиқ моддаларнинг ёмон сўрилиши овқат ҳазм бўлишини секинлаштиради ёки аксинча. Мана шу бузилишларнинг барчаси терининг ташқи кўриниши салбий ҳолга келишига сабаб бўлади. Шунинг учун дерматологлар бевосита гастроэнтерологлар билан биргаликда ҳамкорликда ишлайди.

Шаҳноза МАВЛОНОВА,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.



Бухорода интегратив ва халқ таъбири клиникаси ташкил этилди.

УНУТИЛАЁТГАН СУННАТЛАР

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким таҳорат олиб: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва Расулуҳу» деса, унга жаннатнинг саккизта эшиги очилиб, хоҳлаганидан кираверади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Таҳоратнинг баданни тетиклаштириш, чиниқтириш, турли касалликлар ва руҳий иллатларни бартараф этишда жуда кўп фойдалари бор. Таҳоратда икки қўлни ювганда қўл мускуллари, билаклар ҳаракатланади. Оғиз ва бурунни чайганда жағ, қўл мускуллари, елка ҳаракатланади. Нафас йўллари очилади.

Бошга масҳ тортиш таҳоратнинг фарзларидан бири қилиб белгиланишида кўп ҳикматлар бор. Қўл бармоқларини ҳўллаб масҳ тортиганда бошдаги томирлар кенгайиб, оғриқлар йўқолади. Киши ўзида хотиржамлик ва роҳатни ҳис қилади.

Бош оғриғининг 95 фоизда айнан бошдаги томирларнинг сиқилиши туфайли оғриқ пайдо бўлади. Бошга ва гарданга масҳ



тортиш билан қон айланиши, асаб тизими фаолияти яхшиланади. Бош оғриғи йўқолади. Ғазабланиб турган ҳар қандай киши таҳорат олгач, ҳовуридан тушади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Албатта, ғазаб шайтондандир. Шайтон оловдан яралган. Олов сув билан ўчади. Агар сизлардан бирингиз ғазабланса, таҳорат олсин», деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Келинг, биз ҳам Расулulloх

соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ таҳоратдан сўнг шаҳодат калимасини айтайлик.

Таомни қандай тановул қилиш лозим?

Каъб ибн Молик розияллоху анху айтади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам учта бармоқлари билан ер эдилар ва қўлларини артишдан олдин уларни ялар эдилар» (Имом Муслим,

Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий ривояти).

Қўл билан ейдиган таомни уч бармоқ: бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар билан ейиш суннатдир. Бундан кўп бармоғини ишга солиш очкўзликдир.

Қаранг, бу жуда ҳам осон, аммо савоби улкан, гуноҳларни кетказувчи, жаннатга етказувчи бўлган амалдир. Лекин дангасалигимиз, бепарволигимиз оқибатида бунга эътибор бермаймиз, амал қилмаймиз. Кўпчилигимиз ҳатто билмаймиз ҳам. Аввал билмасак, энди билиб олдик.

Энди билганимизга амал қилайлик ва бошқаларга ҳам етказайлик. Зеро, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатлари ёйилишига хизмат қилиш у зотга бўлган муҳаббат ва эҳтиромнинг юксак намунаси ҳисобланади. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам суннатларини аниқлик билан етказганларнинг ҳаққиға: «Менинг гапимни эшитиб, ёдлаб, сингдириб, сўнгра етказган одамни Аллоҳ неъматлантирсин», деб дуо қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Даврон НУРМУҲАММАД,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси ходими.

Қандай «канал» ёки «гуруҳ»ларни кузатяпсиз?

Бугунги куннинг долзарб мавзурларидан бири, бу – ижтимоий тармоқларда гуруҳ (профил, группа, канал, бот, саҳифа ва ҳоказо) очиш масаласи. Бу масалада ўта нозик ва ҳушёр бўлинмаса, инсон вафот қилгандан кейин ҳам савоб ёки гуноҳни бу гуруҳни тузиб, ташкил қилганларга ёзилиб тураверади. Чунки гоҳида текширилмаган хабар ёки гумонга асосланган мавзу фитна ва гуноҳга сабаб бўлади.

Айниқса, ҳозирда турли хил номлар билан ташкил қилинган гуруҳларда мусулмонларнинг шаънига муносиб бўлмаган, масалан, бировнинг устидан кулиш, фаҳш ва унга тарғиб қилувчи материаллар (мақола, аудио, видео ёки суратлар)нинг тарқалиши, тарқатилиши одат тусига айланиб бормоқда. Масаланнинг нозик жиҳатидан бири, буни қанча одам кўрса, эшитса, ўқиса гуноҳкор бўлишларидан ташқари, шундан камайтирилмаган ҳолда шу ишни амалга ошираётган ташкилотчиларнинг ҳам номаларига шунча гуноҳ, ҳатто, вафот этганидан кейин ҳам ёзилиб бораверади. Ҳадиси шарифда шундай оғохлантирилади: «Ким бир ёмон одатни жорий қилса, унга у(ўша иш)нинг ва амал қилганларнинг ҳам гуноҳи ёзилур».

Афсуски, бугун биз шунчалар ғафлатга ботиб, дин ва маърифатдан йироқлашдикки, буни диний-маърифий сайтлар ёки шу мазмундаги ижтимоий тармоқлар, телеграм каналлардаги кузатувчилар сонининг камлигидан ҳам кўриш мумкин. Аммо турли «приколлар», кўнгилочар гуруҳ ёки каналлар «одам билан тўлган». Энг ёмони, кераксиз, беҳуда нарсалар билан овора бўлиш киши умрининг заволи, асосийси эса, бу ҳолат инсонни охир-оқи-

бат иймонидан ажралиб қолишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Энди ер юзида ноҳақдан мутакаббирлик қилаётганларни, барча оятларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмаётганларни, тўғрилиқ йўлини кўрсалар ҳам, уни ўзларига йўл тутмаётганларни, агар адашув йўлини кўрсалар, уни ўзларига йўл тутаётганларни Ўз оятларимдан бураман. Бундай бўлиши уларнинг оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлишлари сабабидандир» («Аъроф» сураси, 146-оят).

Бугун ёшларимиз ўз динларини ишончли манбалар(сайт, профил, группа, канал, бот, саҳифа, телеграм канал-гуруҳлар ва ҳоказо)дан фойдаланиб, кишини дунё ва охираат яшилиги, илм-маърифатга етакловчи



гуруҳ ёки каналларни кўриб туриб кирмасалар, бунинг ўрнига лағв, фаҳш, асосиз хабар тарқатувчи ёки «прикол» ва масхарабозликни тарғиб қилувчи гуруҳларни кўриб, дарҳол унга аъзо бўлиш – гуноҳ саналади. Юқориди келтирилган «Ўз оятларимдан буриб қўяман» ояти ҳамда буни тафсир қилган Аллома Қуртубийнинг тафсирларидан шуни англаш мумкин. Шундай экан, қандай канал, гуруҳ, саҳифаларни кузатяпсиз, ўзингиз билан ҳисоблашиб қўйинг!

Юнусхон МАМАРАСУЛОВ,
Марғилон шаҳридаги Саид
Жалолхонтўра жоме масжиди
имом-хатиби.



**Умрага жўнатмоқчи бўлган
фирибгарга жиноят иши қўзғатилди.**

АҚШ да Президент сайлови бўлиб ўтди, НАТИЖА ЭСА...

3 ноябрь куни АҚШ сайловчилари мамлакат президенти, Конгресс аъзолари ва айрим штатлар губернаторлари учун овоз берди. Штатлар бирин-кетин натижаларни эълон қилмоқда. Сайлов кунига 156 миллиондан зиёд овоз бериш ҳуқуқига эга 102 миллиондан ошди америкалик Оқ уйни кейинги тўрт йилда ким эгаллаши бўйича ўз танловини қилиб бўлганди.

Глобал коронавирус пандемияси боис, бу йил овоз бериш жараёни муддатидан олдин ва асосан почта орқали амалга оширилди. Сайлов натижасини ҳал қилувчи олти «ўзгарувчан» штат диққат марказида – Аризона, Флорида, Мичиган, Шимоллий Каролина, Пенсильвания ва Висконсин. Сайлов коллегияси тизимида номзод ғалабаси учун зарур 270 та овознинг 101 таси ана шу штатларга тўғри келади.

Бу галги сайловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, номзодларнинг иккаласи ҳам натижаларни тан олмаслиги мумкин. Сайловда ютқазган номзоднинг мағлубиятини тан олган нутқи Америка демократиясида ҳокимиятнинг тинч йўл билан ўтишини таъминлаб келган. Бу гал икки асосий номзоднинг ҳеч бири сайлов оқшомида мағлубиятини тан олишга тайёр бўлмалиги мумкин.

Бу йил Клинтон Жо Байденга мағлубиятни тан олмасликини маслаҳат қилди. Унинг айтишича, Трамп штаби почта орқали ва сиртдан берилган овозларни тан олмаслиги мумкин. Сўровларга кўра, демократлар республикачиларга қараганда шу усул билан кўпроқ овоз бермоқда. Илк теледебат пайтида Байден барча овозлар ҳисоблаб бўлинганидан сўнггина сайлов натижасини тан олишини айтган эди, бироқ бу вақт олади. Сўровларда ортда кетаётган Трамп эса почта орқали овоз беришда оммавий қонунбузарликлар бўлишига ишора қиларкан, Байден ғолиб деб топилса, сайлов натижасини тан олмаслигини айтган. Унга кўра, сайловчиларга керагидан ортиқча бюллетенлар юборилган.



Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Таҳлилчиларнинг хавотир олишича, агар номзодлардан бири сайлов натижасини тан олишдан бош тортса, халқда сайлов тизимига ишонч пасайиши мумкин. Тортишув узоққа чўзилса, демократия ва кейинги президентнинг қонунийлигига, ишончга путур етади.

Ғолиб қачон аниқ бўлади?

Кўпчилик АҚШда президентлик сайлови ғолиби сайлов куни тунда ОАВ ким ютганини эълон қилгандан сўнг ва мағлуб номзод ўз мағлубиятини тан олгандан кейин аниқ бўлади, деб ўйлайди. Аслида эса сайлов ғолибини расман эълон қилиш бир неча ой вақт оладиган жараён бўлиб, январгача тугамайди. Ушбу жараён америкаликларнинг электорлар (сайлов коллегияси аъзоси) учун овоз бериши, электорлар, ўз навбатида, президентга овоз бериши ва шундан сўнг Конгресс кимнинг ғолиб чиққанини эълон қилиши каби босқичларни ўз ичига олади.

Сайлов коллегиясидан ташқари, президент сайловлари ғолибини тасдиқлаш жараёнида Сенат, Вакиллар Палатаси ва Миллий архив ҳам иштирок этади. Тўрт ой давом этадиган ушбу жараён Америка асосчилари ўзаро келишиб олган тизим асосига қурилган. Улар муносиб етакчи танлашни оддий сайловчиларга ишониб топширишни тўғри йўл деб ҳисобламаган. Аммо Конгрессга ҳам танловнинг ягона ваколатини беришни хошлашмаган.

Пандемия жараёни мураккаблаштириши мумкин

Сайлов бўйича мутахассислар бу йил сайлов бюллетенларини

ҳисоблаш «COVID-19» пандемияси ва почта орқали овоз берган сайловчилар сонининг кўплиги сабабли узоқроқ давом этишини тахмин қилмоқда. Сайлов натижаларини тунда эълон қилишни талаб қилиш кўплаб чалкашликларни келтириб чиқаради ва ишончсизликка сабаб бўлади.

Эҳтимол, баъзи штатлар бу масалада судга берилиши ҳам мумкин, чунки кўпчилик сайлов куни кечаси натижалар эълон қилинишини кутмоқда. Демак, бу жараёни ошқора ва адолатли ўтказишга ҳаракат қилаётган сайлов комиссиялари ва штатларнинг ишини янада қийинлаштиради. Қолаверса, АҚШнинг амалдаги президенти овоз беришда сохталаштиришлар бўлгани юзасидан Олий судга мурожаат қилмоқчи. Олий судда Трамп тарафдори бўлган консерваторлар кўпчилиги боис натижалар бекор қилиниб, текширувлар бошланиши мумкин.

50 та штат, шунингдек, Вашингтон Колумбия округи почта орқали юборилган ва сайлов участкасида берилган бюллетенларни ҳисоблагандан сўнг, ҳар бир штат губернатори электорлар рўйхатини тузади. Ишонч гувоҳномаси деб номланувчи ушбу рўйхатнинг нусхалари АҚШ Миллий Архиви бошлиғига тақдим этилади. Кейин электорлар ўз штатлари пойтахтларида президент ва вице-президентга расмий равишда овоз бериш учун учрашади. Бу декабрнинг иккинчи чоршанбасидан кейин келадиган биринчи душанба куни содир бўлиши керак. Бу йил ушбу сана 14 декабрга тўғри келади. Ҳар бир штатдаги электорлар Овоз бериш гувоҳномаларини тўлдиради ва уларни АҚШ Сенатига, Миллий архивга ва штат расмийларига юборади. Шу билан

Сайлов коллегияси ўз вазифасини тугатган бўлади ва кейинги президентлик сайловларига қадар улар бошқа иш билан шуғулланмайди.

Жараённинг якуний босқичи 2021 йил 6 январда бўлиб ўтади. Шу куни Конгресс сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаш ва ғолибни расман тасдиқлаш учун йиғилади. Жараён, одатда, тантанали равишда ўтказилади, аммо электорлар овозига эътирозлар бўлиши мумкин. 1969 ва 2005 йилларда сайлов коллегиясининг баъзи овозларига эътирозлар бўлган, аммо Вакиллар Палатаси ва Сенат эътирозларни рад этиб, овозларни ўз кучида қолдирган.

2020 йилги сайловлардан сўнг эътирозлар билдириладими ёки йўқми, бу ҳали маълум эмас, аммо Президент Дональд Трамп бир неча бор почта орқали овоз бериш жараёнида фирибгарликлар юз бераётгани ҳақида огоҳлантирган ва шу боис сайлов натижасини савол остига олиши мумкинлигига ишора қилган. Агар халқнинг кўпчилиги овози сайлов коллегияси овози билан мос келмаса, муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Президент Трамп 2016 йилда кўпроқ электор овозини тўплаган, аммо халқ овозини демократ Хиллари Клинтонга бой берган эди.

Ташқи сиёсат қандай бўлади?

Республикачилар партиясининг сайловолди қурултойида Президент Дональд Трамп душманларга қарши тура оладиган, иттифоқчилардан кўпроқ талаб қила оладиган олий қўмондон сифатида кўкларга кўтарилди. Трампнинг рақиби, президентликка демократ номзод Жо Байден эса диктаторлар билан эмас, иттифоқчилар билан елкама-елка туришга ваъда берди. Қурултойда ўз партиясидан номзодликни қабул қилар экан, Трамп Байденни мамлакатни вайрон қилувчи заиф раҳбар деб танқид қилди. Демократлар съезида эса Байден Трампни жаҳон саҳнасида Америка обрўйи ва мавқеини чилпарчин қилган хавфли раҳбар деб атади.

Навбатдаги президент ким бўлишидан қатъи назар, у Американинг иттифоқчилари билан алоқалари ва халқаро саҳнадаги ролини белгилайди.



АҚШ иқлим бўйича Париж келишувидagi иштирокини расман тўхтатди.

ФИТНЕС ВА СПОРТ

бир хил тушунчамми?

Спортнинг соғлиқ ва ташқи кўриниш учун фойдали жиҳатлари ҳақида кўп гапирилган ва ҳар биримиз жисмоний ҳаракат билан шуғулланишимиз зарур эканини яхши биламиз. Шу билан бирга, кўпчилик аёллар ортиқча вазнга қарши курашишда самарали восита сифатида, эркакларнинг аксарияти эса жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун фитнес клубларини танлашади. Фитнес ёш танламайди ва махсус тайёргарликни талаб этмайди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 153 мингдан зиёд фитнес клублари мавжуд бўлиб, уларда 130 миллион нафардан ортиқ аҳоли шуғулланади. Хўш, фитнес клублардаги машғулотларни ҳам спорт дейиш мумкинми? Фитнес ва спортнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?

Қандай фарқли жиҳатлари бор?

Маълумки, юртимизда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича охириги йилларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Чора-тадбирлар натижасида охириги уч йилда спорт билан шуғулланувчи умумий аҳоли сони 4,8 млн. нафардан (14,7 фоиз) 5,6 млн. нафаргача (16,5 фоизга), шу жумладан, спорт билан шуғулланувчи 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 20,8 фоиздан 28,5 фоизга оширилди.

— Спорт, бу — бошқа иштирокчилар билан рақобатлашиш учун бажариладиган жисмоний фаолият тури ҳисобланади, — дейди Миллий Олимпия кўмитаси департамент директори Зафар Имомхўжаев. — Спортда асосий мақсад — фақат жисмоний малака ва кўникмаларни ривожлантиришигина эмас, балки рақибни енгиш ҳам саналади. Спортчидан режа асосида аниқ бир мақсадга йўналтирилган машғулот олиб бориш, барқарор ҳаёт кечириш талаб этилади. Спорт, бу — мусобақада иштирок этиш учун мунтазам машғулотларда қатнашиб, ўз кучи ва тажрибасини ошириш борасида тинимсиз меҳнат қилиш демакдир. Фитнес эса спорт эмас. Бу

соғлиқ гимнастикасининг бутун соҳаси бўлиб, у танани яхши жисмоний ҳолатда сақлашга имкон беради. Фитнес ўтган асрнинг 70-йилларида Америкада пайдо бўлган бўлиб, ҳозиргача бир неча турлари тармоқ сифатида ривожланган. Шу жумладан, юртимизда ҳам фитнес клублари фаолияти энг чекка ҳудудларга ҳам етиб борган. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида олтмишдан зиёд фитнес клублари фаолият олиб боради. Хотин-қизлар орасида ушбу клубларга аъзо бўлиш кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Карантин ҳолатида юртимизда 20 августдан бошлаб барча фитнес клублари санитария-гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда, ўз фаолиятини қайтадан бошлади.

Фитнес машқлари фойдами ёки зарар?

— Фитнеснинг асосий мақсади — инсон танасига оптимал юкламани беришдир, — дейди Ўзбекистон бодибилдинг ва фитнес федерацияси аъзоси, спорт устаси Камолiddин Жўрабоев. — Кўпинча фитнесда шуғулланишни янги бошлаётганлар соғломлаштирувчи фитнес ва профессионал спорт ўртасидаги фарқларни тан олишни истамайди. Одамлар ўз кумирларига қойил қолишади ва улар каби бўлишни хоҳлашади. Кўпинча бу аввал чарчашга (ҳаддан ташқари машаққатли машғулот, ўзидан доимий норозилик, ўзлари ўйлаб кўрган натижанинг етишмаслиги), сўнгра жароҳатлар ва бошқа соғлиқ муаммоларига олиб келади. Шу боис фитнес мураббийи ишининг муҳим қисми, бу — спорт ва фитнес ўртасидаги, профессионал спортчилар ва оддий одамлар ўртасидаги фарқларни тушунтиришдир.

Бугун аксарият ёшлар қисқа муддатда қоматини расо қилишни хоҳлайди. Шу боис кўпчилиги фитнес, бодибилдинг клубларига

қатнайдди. Чунки спортнинг бутурлари ёш танламайди ва ҳамма учун бирдек мос келади. Лекин улар билан шуғулланишнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Кўпчилик бунга амал қилмай, соғлиғига жиддий зарар етказилади. Баъзилар эса озгин бўлса, «аввал тўлишиб, сал вазн олганимдан сўнг шуғулланишга бораман», деб ўйлайди. Бу нотўғри қараш. Машқ залига озгинми-семизми, ҳамма соғлом бўлиш учун боради. Мураббий унинг вазни, бўйи, саломатлиги, олдин қандай касалликларга чалинганини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида дастур тузади ва шу асосда у билан ишлайди.

Фитнес билан шуғулланиш натижасида остеохондроз, бўғимларда туз йиғилишининг олди олинади. Лекин гепатитга чалинганлар эҳтиёт бўлиши керак. Улар оғир кўтармаслиги, енгил машқлар бажариши лозим. Демак, фитнес билан шуғулланишдан олдин саломатлик ҳақида, албатта, мураббийга айтиши керак. Айримлар ёз ойларида эмас, салқин кунлар тушиши билан яна машқларни бошлаш мумкин, деб ўйлайди. Бу ҳам нотўғри ёндашув. Бир кун машқ залида шуғулланилса, бир қадам олдинда бўлади, шуғулланилмаган кун эса икки қадам ортда қолади дегани. Тўғри, мавсумга ҳам қаралади. Лекин бу бутун ёз давомида шуғулланишни буткул тўхтатиш керак, дегани эмас. Фақат ёз ойларида юклама сал камайтиради. Бир меъёрда шуғулланиш киши саломатлиги учун фойдали.

Нималарга эътибор қаратиш керак?

Фитнес — танани ҳаётини фаоллик билан таъминлабгина қолмай, кишининг умумий ҳолатини ҳам яхшилайдди, чарчоқ ва асабийликдан қутулишга ёрдам беради.

ДАРВОҚЕ...

Шимолӣ Америка бозори фитнес соҳасида энг йирик ҳисобланади. АҚШ ва Канадада 60 миллионга яқин одам фитнес билан фаол шуғулланади. Европа мамлакатлари ва Россияда эса жами 46 мингдан ортиқ фитнес клублари мавжуд.



— Фитнес билан гуруҳ бўлиб ёки якка ҳолда шуғулланиш мумкин, — дейди К.Жўрабоев. — Фитнеснинг ҳар қандай тури бутун танани машқ қилдиришга йўналтирилган. Бизда кенг тарқалган турларидан — аэробика, пилатес, йога, зумба тананинг саломатлиги учун кони фойда. Фитнес қон айланишини ҳам яхшилайди ва ҳужайраларни кислород билан таъминлайди. Иммуни-тетни муустаҳкамлаб, бир қанча касалликларнинг олдини олади. Қоматни меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради. Албатта, машқлар билан бирга, тўғри овқатланишни ҳам йўлга қўйиш керак.

Баъзан энди фитнес билан шуғуллана бошлаганлар қисқа фурсатда қадди-қоматини ўзгартиришни истаб, турли кимёвий дори воситаларини қабул қилмоқчи бўлади. Унутмаслик керакки, бундай воситаларнинг айримлари соғлиққа салбий таъсир кўрсатиб, турли хил касалликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шу боис бу борада мураббий маслаҳатига қулоқ тутиш зарур. Тўғри, бундай кимёвий дори воситалари кишини семиртириши ёки оздориши мумкин. Лекин маълум вақт ўтгач, ўзидан турли асоратлар ҳам қолдиради.

Демак, фитнес спорт тури бўлмаса-да, инсон саломатлиги учун керакли машғулот ҳисобланади. Ундан тўғри ва меъёрида фойдаланган киши, албатта, кўзлаган натижага эриша олиши тайин.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Ювентус ўз майдонида
Барселонага мағлуб бўлди.

БОБУР ВА ШАЙБОНИЙХОН: Ўртадаги душманлик сурункали бўлган...(ми?)

Ўзбек давлатчилиги тарихида, унинг маданий ривожланишида сулолалар бошқаруви, ҳукмдор доиралар айрим вакиллари алоҳида ўрин тутди. Тарихни ўрганишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, сўл томонга ҳам оғмасдан, фақат ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан йўл тутилиши зарур. Бу ҳолатда ўтмиш воқеаларининг турлича талқинлари юзага келади ва кенг жамоатчиликда турлича тасаввур шаклланади.

Бобур Мирзо улуғланган, Шайбоний-чи?

Собиқ иттифоқ даврида, ҳаттоки, ҳозир ҳам ўзбек халқининг бир фарзандини ҳаддан ташқари улуғлаш, фақат ижобий сифатларини санаш, амалга оширган эзгу ишларини ибрат қилиб кўрсатиш учун иккинчи бир тарихий шахснинг салбий жиҳатларини талқин қилиш одат тусига айланганини инкор эта олмаймиз.

Бунга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Шайбонийхоннинг бир-бирига зид равишда талқин қилинганини мисол сифатида келтириш мумкин. Бобур Мирзо сиймоси халқимиз тасаввурида шоҳ, адолатли саркарда, ғазалнавис шоир бўлиб ғавдаланса, Шайбонийхон ҳақида нима учундир салбий фикрлар шаклланиб қолган. Аслида унга қандай таъриф бериш керак? Шайбонийхоннинг тарихий хизматлари нимада?

Шайбонийхон ёлланма қўшин бошлиғидан хон даражасига кўтарилган шахс бўлиб, нафақат саркарда, балки Шоҳбахт, Шойбоқ, Шоҳибек, Шайбоний тахаллуслари билан ғазал, рубоий, қитъа битган шоир ҳамдир. Унинг адабий меъросидан бизга қадар кўплаб ғазалу рубоийлари, «Баҳр-ул худо» номли достони ва 1504-1508 йилларда ўғли, валиахд Темур Султонга бағишлаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат китоби етиб келган.

Шайбонийхон ва шайбонийларнинг давлатчилигимизни тиклаш, сақлаб қолиш йўлидаги хизмати шундаки, 1500-1501 йилларда юртимизда ҳокимият алмашинуви юз берди. У теурийлардан шайбонийлар қўлига ўтди, лекин эл-юрт ўз жойида қолди, миллий давлатчилик анъаналари давом этди. Шайбонийлар авлодига нисбатан бу



каби қарашларнинг вужудга келиши ўша даврга оид тарихий манбаларнинг йўқлиги эмас, балки уларнинг хилма-хиллигида эди.

Бобур ва Шайбоний ўртасидаги зиддиятга сабаб нима?

XVI асрдаги Ўрта Осиё халқлари ўтмишининг муфассал таҳлиллари мавжуд бўлса-да, уларнинг аксариятида теурийлар ва шайбонийлар ўртасидаги муносабат ўзаро ҳарбий-сиёсий аҳамиятга моликлиги нуқтаи назаридангина кўрсатиб берилган. Бобур ва шайбонийлар ўртасида кечган аёвсиз кураш тафсилотлари асосий ўринни эгаллаган манбалар ҳам етарли.

Бироқ айтиш керакки, Дашти Қипчоқ қабилаларини бирлаштириш ва ўзбек давлатини қайта бунёд этиш вазифасини Шайбонийхон амалга оширди. Унинг сиёсат майдонига чиқиши теурийлар салтанатининг парокандаликка учраган даврига тўғри келди. Мовароуннаҳрдаги тарихий вазиятни тўғри баҳолай олган Шайбонийхон унинг худудларини ишғол этишга киришар экан, бу теурийлар авлоди — ўз даврининг йирик давлат арбоби, шоҳ Бобурнинг у билан зиддиятга бориши ва тахт талашуви учун имкон яратмай қўймас эди.

Теурийларнинг Мовароуннаҳр тарихи саҳнасидан тушишига эса буюк Соҳибқирон бирлаштирган салтанатнинг парчаланиши сабаб бўлди. Набираларнинг тахт талашуви, ўзаро иттифоқнинг йўқлиги туфайли юз берган давлат парокандалиги орадан қанча йиллар ўтса-да, Бобур билан Шайбонийхоннинг ўзаро зиддиятга бориши учун асос бўлиб қолаверди. Таниқли ёзувчи Хуршид Даврон таъбири билан айтганда: «...бу зиддиятни бугунгача «кўтариб юриш» илмга мутлақо зид ва тарихий воқеаларни холис баён этишга халақит берувчи сохтакорликдан бошқа нарса эмас».

Бобурнинг мардлиги

1512 йилда Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳукмронлиги узил-кесил ўрнатилиб, Бобур бу ўлкадан илинжини узди. Ҳиндистонни эгаллаб, империя пойдеворини барпо этган саркарда кўнглида кек-адоват сақлашни ўзига эп кўрмади, аксинча шайбонийлар билан дипломатик алоқа ўрнатиш зарур, деган хулосага келди. Буюк саркарда ўзининг «Бобурнома» асарига Муҳаммад Шайбонийнинг набираси Пўлод

султоннинг назмга мойиллиги борлигини тан олиб, қуйидаги шеърий байтни битди:

*Ул сарвнинг ҳарамига гар етсанг, эй сабо,
Берил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солғай Худой раҳмини Фўлод кўнглига.*

«Бобурнома»нинг 1528 йил воқеалари баён қилинган қисмида шайбонийлардан бўлган Балх хокими Кистан Қора султондан келган элчини дўстона қабул қилиш, кузатиш ҳолатлари ҳам келтирилган.

Душманлар куда-анда бўлган...(ми?)

Ажабланарлиси шундаки, ўз даврининг забардаст шахслари ўртасидаги низо-адоват секин-асста «юмшаб», кейинчалик ҳукмрон табақалар ўртасида куда-андачилик муносабатлари ўрнатилишига замин бўлди. Кўпгина теурий шахзодалар Дашти Қипчоқдан келин олган бўлсалар, баъзи теурий маликалар уларга келин бўлиб узатилган. Теурий маликаларнинг шайбонийлар никоҳида бўлганини уларнинг заифлиги сифатида эмас, балки элу элатлар учун тинчликпарвар сиёсатнинг шаклланишидаги муҳим ҳодиса сифатида баҳолаш лозим.

Куда-андаликка аввалроқ, яъни Муҳаммад Шайбоний ва Бобур сиёсий майдонга келмай туриб, XV аср ўрталарида Абу Саид Мирзо ва Дашти Қипчоқ хони Абулхайрхон даврида асос солинган эди. Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимнинг Абулхайрхонга турмушга берилгани бунга мисолдир. XV аср ўрталарида Астраҳанда ҳукмронлик қилган шайбоний сулоласи вакиллари билан бўлган Аҳмадхон ҳам Султон Хусайннинг синглиси Бадакабегимга уйланди. Бу каби никоҳ муносабатлари 1497-1501 йилларда Бобур ва Муҳаммад Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр ҳукмронлиги учун кураш кечган йилларда ва кейинчалик ҳам давом этди.

Мовароуннаҳрда бир асрча ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласига маълум маънода ўгай кўз билан қараб келинди. Аслида улар теурийлар, маҳаллий аслзодалар билан сингишиб, қон-қариндош бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида ўз хизматини аяшмаган. Бинобарин, тарихни ўрганишда, рўй берган воқеаларни таҳлил қилишда бир ёқламалikka эмас, балки холисона хулоса чиқаришга одатланишимиз лозим.

Акбар ЗАМОНОВ,
ЎзМУ доценти, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори.

«RETRO-SANIFA»

Регистон ансамбли

Ер юзининг сайқали деб тан олинган Регистон майдони Амир Темур бирлаштирган 27 та давлат пойтахти бўлмиш Самарқанднинг «юраги» ҳисобланиб, тарихий шахс Баҳодир Ялангтўш даврида шаклланган. Регистон ансамблида Самарқанднинг уч мадрасаси — Улуғбек (1417-1420 й.), Тиллакори (1619-1636), Шердор (1647-1660 й.) қад кўтарган. Кейинчалик майдон шарқида Улуғбек хонақоҳи (1424 й.), шимолда Мирзойи карвонсаройи, жанубда Алика Кўкалдош Жума масжиди (1430 й.) бунёд этилган. 100 йил орасида ҳозирги кўринишини олган Регистон дунё сайёҳларини ўзига ром ётиб келмоқда.



Бобур Мирзо ҳақида «Йўлбарснинг туғилиши» номли фильм суратга олинмоқда

СОЛИҚ

Фойдаланилмайдиган ердан солиқ ундириладими?

– Ҳовли жойларнинг суғорилмайдиган, яъни лалмикор ва фойдаланилмайдиган қисмидан солиқ ундириладими, ундирилса, қандай тартибда бўлади?



Акбар ПИРНАЕВ.
Қашқадарё вилояти.



Дилдора ҲОШИМОВА,
Давлат солиқ кўмитаси давлат солиқ катта инспектори:

– Солиқ кодексининг 435-моддасига асосан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари бўйича ер участкаларининг майдони солиқ базаси ҳисобланади. Яъни суғориладиган ва суғорилмайдиган ер майдонларига алоҳида-алоҳида солиқ ставкалари қўлланилган ҳолда солиқ ҳисобланади. Шунингдек, ажратилган ер майдонидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликдан қатъи назар ер солиғи ҳисобланиб, солиқлар тўланади.

ТИББИЁТ

Тест натижасини жойларга бормасдан олиш мумкинми?

– Энди коронавирусга тест топширган одамлар натижаларини жойларга бориб ўтирмадан олиши мумкинлиги ҳақида хабарлар эшитдик, бу ростми?



Фарид ДЎСТОВ.
Самарқанд вилояти.



Барно АБДУСАМАТОВА,
Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси:

– Рост. «COVID-19» учун ПЗР тести натижаларини тезда олинишини таъминлаш мақсадида @coronavirustest_testingbot махсус телеграм-бот яратилди. Энди коронавирусга ПЗР тести топширган фуқаролар уйларида чиқмаган ҳолда тест натижаларини билиб олишлари мумкин. Ҳозирда coronavirus-test.uz ахборот тизимига 40 та лаборатория уланган бўлиб, уларда «COVID-19»ни аниқлаш учун топширилган ПЗР тестлари натижаларини @coronavirustest_testingbot телеграм-боти орқали билиш мумкин.

ТАЪМИНОТ

Сифатсиз кўмирлар учун ким жавобгар?

– Ҳар йили қиш яқинлашиши билан сифатсиз кўмир масаласи кун тартибига чиқади. Айни пайтда яна шу масала кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Аслида аҳолини, хусусан, умумтаълим мактаблари ва шифохоналарни сифатсиз кўмир билан таъминланишига ким жавобгар?



Бердиёр НАМОЗОВ.
Хоразм вилояти.

Эркин ЯКУБОВ,
«Ўзбеккўмир» АЖ бош директори ўринбосари:

– Кўмирни омордан олган пайтда муасаса раҳбарларига маҳсулотнинг сертификати берилади. Кўмирни ўша сертификат бўйича олиш лозим. Агар сифатсиз бўлса, олмаслик керак. Чунки брикетлар ишлаб чиқарилгандан кейин уч-тўрт кун қуритилиши лозим.

Агар брикетни олиб кетишни истамаса, биз бошқа кўмир билан таъминлаймиз. Бу бўйича алоҳида топшириқ олганмиз.

ҚУРИЛИШ

Қурилиши тугалланмаган тураржойни сотиш учун нима қилиш керак?

– Қурилиши тугалланмаган тураржойни сотмоқчиман. Бунинг учун нотариусга қандай ҳужжатларни тақдим қилишим керак?

Арслон ЙЎЛДОШЕВ.
Тошкент вилояти.



Махсума ОРТИҚОВА,
Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

– Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 45-бандига кўра, қуриб битказилмаган кўчмас мулк ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлашда кадастр маълумотномаси ва давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан (Реестр) кўчирма ёки гувоҳномаси ҳамда қурилиши тугалланмаган объектга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Реестрдан кўчирма талаб қилинади.

Бунда кадастр маълумотномаси ва давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси нотариус томонидан қуръерлик хизматидан фойдаланган ҳолда ёки идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан автоматик тарзда олинади.

ПЕНСИЯ

Пенсия олишда меҳнат таътили кўшилмайдими?

– Пенсия жамғармасига 25 йиллик иш стажига тўғрисидаги маълумотномани олиб борганимда «7,5 йилини чиқариб ташлаш керак», дейишди. Сабабини сўраганимда, меҳнат таътили кўшилмаслигини айтишди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Фароғат ТУРСУНОВА.
Бухоро вилояти.



Юсуфхон АБДУЛФАЙЗОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Йўқ, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлиш даврлари меҳнат фаолиятининг охириги ўн йиллик даври учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқишдан чиқариб ташланмайди. Фақат ўқиш даврида академик таътилларда бўлиш, шунингдек, тайёрлов курсларида ўқиш даври вақти иш стажига кўшиб ҳисобланмайди.

Фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар фуқаро 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган ҳолда 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса ушбу даврлар пенсия ҳисоблашда иш стажига ҳисобида инобатга олинади.

Иш стажига тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида Пенсия жамғармаси бўлими иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди ҳамда зарурат бўлганда улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қилади. Зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажига даврга ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

